Jamiyatimizning bugungi rivojlanish jaroyoni insoniyatning tobora yangi taraqqiyot bosqichiga ko'tarilayotganini erishyatganini ko'rsatmoqda. Insoniyat bu jarayonda ko'plab yutuqlarni qo'lga kiritish bilan birga, o'zida ayrim ijtimoiy salbiy illatlarni tashib yuribdi, jamiyat rivojlanishi bilan o'sha illatlarni ham rivojlanib o'zining yangi qirralarini namoyish qilmoqda. Shunday ijtimoiy salbiy illatlar sirasiga korrupsiya ham kiradi. Korrupsiya bilan bog'liq jinoyatlar xavflilik darajasiga ko'ra faqat huquqni muhofaza qiluvchi organlar emas, balki davlat rahbarlarini ham tashvishga solmoqda. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov korrupsiyaning mohiyatini quyidagicha izohlagan: "Korrupsiya mamlakatning siyosiy va iqtisodiy yo'liga hamda aholining aksariyat qismiga tuzatib bo'lmaydigan zarar yetkazadi. Bundan tashqari, yangi iqtisodiy munosabatlarga endigina asos solinayotgan va sifat jihatidan boshqa siyosiy tizim shakllantirilayotgan o'tish davrida korrupsiya o'z xatti-harakati bilan bu jarayonning yo'lini to'sib qo'yish imkoniga ega".

O'zbekiston Respublikasining 2017-yil 3-yanvar kuni qabul qilingan "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi qonuni bu borada amalga oshirilayotgan ishlarning bir ko'rinishidir. Ushbu qonunning 7-moddasiga ko'ra Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha faoliyatni bevosita amalga oshiruvchi davlat organlari quyidagilardan iborat:

O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi;
O'zbekiston Respublikasi Davlat xavfsizlik xizmati;
O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi;
O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi;
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi huzuridagi Soliq, valyutaga oid jinoyatlarga va jinoiy daromadlarni legallashtirishga qarshi kurashish departamenti.

Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha faoliyatni qonun hujjatlariga muvofiq boshqa davlat organlari ham amalga oshiradi deb belgilanganligi.

Korrupsiyaning kelib chiqish shartlari.:

1) bozor munosabatlarining takomillashmaganligi;
2) iqtisodiy tizimning rivojlanmaganligi;
3) demakratik prinsiplar va institutlarning rivojlanmagamligi;
4) qonunchilikning nomukammaligi;
5) jamoat nazoratining sustligi;
6) huquqiy madaniyatning yuksalmaganligi;
7) davlatning ruxsat berish funksiyasining maksimal darajada bo'lishi.

Shu bois, korrupsiyaning sabablari va uning sodir etishilishiga olib keluvchi shart-sharoitlarni lozim darajada o'rganish orqaligina uni cheklash va kamaytirishning aniq chora – tadbirlarini belgilash va ishlab chiqishi borasida ilmiy izlanishlar olib borish lozim.

Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni oshirish korrupsiyaga qarshi kurashishning asosiy choralari bo'lmish huquqiy ta'lim va huquqiy tarbiya tizimini takomillashtirishni,

barcha davlat organlari, mansabdor shaxslar va fuqarolar tomonidan qonun va huquqqa bo'lgan ijobiy munosabatga yetishish, aholining huquqiy savodxonligi oshirish, fuqarolarning ijtimoiy-huquqiy faolligini ta'minlashni o'z ichiga oladi.

2017-yil 22-dekabr kuni O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasia: "…davlat xizmati institutini isloh qilish, korrupsiyaga qarshi ta'sirchan kurash mexanizmlarini joriy etish kerak. Bugun hayotning o'zi bizdan professional, tezkor va samarali davlat xizmati tizimini shalklantirish, yangicha fikrlaydigan, tashabbuskor, el-yurtga sadoqatli kadrlarga keng yo'l ochish bo'yicha samarali tizim ishlab chiqishni talab emoqda. Yuqarida zikr etilgan vazifalarni bajarish uchun O'zbekiston Respublikasida Ma'muriy islohatlar konsepsiyasini og'ishmay amalga oshirishimiz darkor. Ma'lumki, mamlakitimizda korrupsiyaga qarshi samarli kurash olib borish maqsadida ushbu yo'nalishda alohida qonun qabul qilindi. Shu asosda aniq maqsadlarga qaratilgn chora-tadbirlarni o'z ichiga olgan davlat dasturi izchillik bilan amalga oshirilmoqda" deb ta'kidlab o'tdi o'z nutqida.

O'zbekiston Respublikasining 2008-yil 7-iyuldagi "Birlashgan Millatlar Tashkilatining Korrupsiyaga qarshi konvensiyaga (Nyu-York, 2003-yil 31-oktabr) O'zbekiston Respublikasining qo'shilishi to'g'risida"gi qonuni korrupsiyaviy huquqbuzarliklar profilaktikasining huquqiy mexanizmini takomillashtirish sohasida yangi bir bosqichga ko'tarilishi uchun asos bo'ldi.

Darhaqiqat, hozirgi kunda korrupsiyaviy aloqalarga ega bo'lgan uyushgan jinoiy tuzilmalar, ayniqsa uning xalqaro aloqalarga ega bo'lgan hamda xalqaro miqyosda faoliyat ko'rsatayotgan tuzilmalari O'zbekistonning milliy xavfsizligiga tajovuz qiluvchi eng xavfli va jamiyat ijtimoiy hayotining barcha sohalari bilan uzviy bo'lgan nihoyatda xavfli va murakkab hodisadir.

O'zbekistonda Korrupsiyaga qarshi kurashishning o'ziga xos yo'li.

Bu yo'l inson ma'naviyatini yuksaltirish hamda ta'lim-tarbiya sohasini rivojlantirish orqali kurashishdir. Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning bugungi kunda dunyoning o'nlab mamlakatlarida chop etilgan "Yuksak ma'naviyat-yengilmas kuch" asari bu borada muhim rol o'ynaydi. Ushbu kitobda bir-biriga qarama-qarshi bo'lgan, bir-birini inkir qiladigan ikki xil hayotiy qarash keltirilaidi: birinchi - o'z nonini halol mehnat orqasidan topadigan, xolis va ezgu ishlar bilan el-yurtga naf yetgazadigan, tiriklik mazmunini teran anglab, nafaqat bugungi hayot lazzatlari, balki oxirat haqida, uning obod bo'lishi haqida o'ylab yashaydigan insonlarga xos hayotiy qarashlar; ikkinchisi – hayotning ma'no-mazmuni haqida bosh qotirmasdan, bunday savollar bilan o'zini qiynamasdan, faqat nafs qayg'usi va o'tkinchi hoyu havasga, huzur halovatga berilib, yengil-yelpi umr kechiradigan, o'zining ota-ona va farzand, el-yurt oldidagi burchigaa umuman befarq bo'lib yashaydigan odamlarga xos fikr-qarashlar.

Korrupsiyaning asosiy ko'rinishlari quyidagilardan iborat:

1) mansab mavqeidan foydalanib, mulkni o'zlashtirish yo'li bilan talon-toroj qilish;
2) hokimiyati yoki mansab vakolatini suiiste'mol qilish;
3) poraxo'rlik. kabi illatlarni o'z ichiga oladi.

"Korrupsiya, ayniqsa, bozor iqtisodiyoti, erkin savdo va demakratiya sharoitida oddiy poraxo'rlikdan iborat emas. Lobbinzm, favoritism, proteksionizm, siyosiy maqsadlarga badallar, siyosiy arboblar va davlat amaldorlarining korporatsiyalar va xususiy firmalarning faxriy prezidentlari lavozimiga o'tish an'anlari, tijorat tashkilarlarini davlat byudjeti hisobidan moliyalashtirish, davlat mulkini aksiyadorlik jamiyatlariga o'tkazish, jinoiy uyushmalarning aloqalaridan foydalanish esa korrupsiyaning **niqoblangan shakllari** hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoev.Sh.M. Konstitusiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkam poydevoridir. 2017-yil.B.64.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoevning Oliy Majlisga murojaatnomasi. Xalq So'zi. 2017-yil.23-dekabr.
3. I.A.Karimov. Xavfsizlik va barqaror taraqqiyot yo'lida. Toshkent – 1998.

ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ АСОСИНИ ТАШКИЛ ЭТУВЧИ ХАЛҚАРО МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ХУЖЖАТЛАР

Джалалов Шамшод Дилшодович
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси магистранти,
«Асака» банк Комплаенс назорат департаменти бош мутахассиси
e-mail: al-shami90@mail.ru, тел.: +998946139008

Аннотация. Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш ҳар қандай мамлакатнинг бозор иқтисодиётини шаклланиши ва ривожланиши жараёнида долзарб муаммо ҳисобланади. Мазкур муаммо ижтимоий ҳаётнинг молиявий, иқтисодий, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ижтимоий-сиёсий соҳаларини қамраб олади. Бу эса энг аввало, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни бошқариш механизмини яратишни талаб этади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, ушбу мақолада жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро даражада яратилган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар ўрганилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, пулларни ювиш, Базель, FATF, Конвенция, БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши, Европа Иттифоқи, Катта еттилик (G7).

Маълумки, жиноий даромадларни легаллаштириш капитал оқимини эркинлаштириш, молиявий транзакцияларнинг тезлигини ошириш ва нархларини тушириш, тўловнинг алтернатив технологияларини ривожлантириш каби глобаллашув жараёнларга таъсир этувчи омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноий даромадларни легаллаштириш бугунги кунда халқаро ҳамжамият учун катта муаммолардан бирига айланиб қолмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштириш учун энг қулай жойларда бири – бу банк-молия тизимидир. Пулларни ювиш жараёнининг доимий равишда янги-янги шаклларга эга бўлиб бориши ва тижорат банклари томонидан унга қарши курашишни самарали ташкил этиш бутун дунё ҳамжамияти учун қийин вазифаларни олдинга суради.

Жиноятчиларнинг ўз фаолиятини амалга ошириш имкониятини пасайтириш мақсадида бундай характердаги жараёнлар глобал стандатлар ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро ҳуқуқий базани яратиш XX асарнинг 80-йилларига келиб бошланди. Дастлаб БМТ ҳуқуқий нормалар яратишни ўз зиммасига олади. Наркотикнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш мақсадида илк халқаро меъёрий хужжат, яъни, 1988 йилда «Наркотик воситалари ва психотроп моддаларининг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенция (Вена Конвенцияси) имзоланади.

1989 йилда мазкур Конвенция принципларини назорат қилувчи ва амалга оширувчи халқаро ташкилот, FATFга асос солинади.

FATF – жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи халқаро гуруҳ бўлиб, жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялашга қарши курашиш соҳасида умумжаҳон стандартларини ишлаб чиқади, шунингдек мазкур стандартлар асосида мамлакатларнинг миллий қонунчилик тизимидаги риск даражаларини баҳолайди.

Халқаро даражадаги меъёрий хужжатлар орасида FATFнинг тавсиялари муҳим ўрин эгаллайди. 2005 йилда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1617-сонли резолюцияси қабул қилинганидан сўнг, FATF тавсиялари юридик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларга мамлакатлар қатъий амал қилишлари кераклиги, акс ҳолда мамлакатлар учун салбий молиявий оқибатларни келтириб чиқариши белгиланди.

1990 йил 8 ноябр куни Европа Кенгашининг жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш, аниқлаш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Конвенцияси (Страсбург конвен-

цияси) имзоланди.

Конвенциянинг асосий мақсади – ноқонуний фаолият, шу жумладан гиёҳвандлик воситалари ва қурол савдоси, терроризм, одам савдоси каби жиноятлардан олинган даромадларни аниқлаш, қидириш, мусодара қилиш доирасида халқаро ҳамкорлик ва фаол ҳамкорликни таъминлашдан иборат.

1991 йилда Европа ҳамжамияти томонидан «Пулларни ювишда молиявий тизимдан фойдаланишни олдини олиш тўғрисида»ги Директива қабул қилинди. Ушбу ҳужжат нафақат гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни сотишдан, балки терроризм, одам савдоси каби бошқа турдаги жиноий фаолиятдан олинган пулларни легаллаштиришни тақиқловчи қоидаларни ўз ичига олади.

Кейинчалик БМТнинг 2000 йилда «Трансмиллий жиноятларга қарши» ва 2003 йилда «Коррупцияга қарши» Конвенциялари ишлаб чиқилди. Мазкур Конвенциялар мамлакатлар молиявий секторини жиноий даромадларни легаллаштиришдан огоҳлантирувчи халқаро меъёрий хужжатлар сифатида юзага олиб чиқди.

2005 йилга келиб Варшава Конвенцияси қабул қилинди. Унга кўра, жиноий фаолият тарқалишининг олдини олиш ва жиноятчиларни жазолаш чораларини кўриш учун молиявий маълумотлар базасига тезкор киришни таъминлаш белгиланди.

Умуман олганда, жиноий даромадларни легаллаштириш трансмиллий характерга эгалигини инобатга олган ҳолда, унга қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда юқорида санаб ўтилган халқаро меъёрий хужжатлар талабларига риоя этиш мамлакат иқтисодиётини барқарорлик гарови ҳисоланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Ашин П. (2012) – Грязные деньги, реальные беды. Журнал Финансы и развитие, Том 49, №2, стр. 38-41

2. Беляк К.Н. (2017) – Международное сотрудничество в борьбе с отмыванием «грязных» денег (на примере ФАТФ) (Выпускная квалификационная работа), стр. 38-49

3. Джалалов Ш.Д. (2020) – «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизмини бошқаришни такомиллаштириш», БПК журнали, №3/2020, 30-42б

4. www.fatf-gafi.org, ru.wikipedia.org/wiki

ПРАВО КАК МЕРА СВОБОДЫ И ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЛИЧНОСТИ

Исмаилова Дильфуза Узакбаевна
студентка Каракалпакского государственного
университета имени Бердаха
ismailovadilfuza01@mail.ru 90-709-17-37

Аннотация: В статье рассматривается право в качестве мерила свободы и их тесная взаимосвязь, соотношение ответственности и права. Право частично выступает и как эквивалент обеспечения свободы личности.

Ключевые слова: право, свобода, ответственность, общество, личность, законы, обязанности.

Свобода - одно из наиболее емких, сложных и многогранных понятий. Существуют различные аспекты свободы - экономический, политический, юридический, нравственный, духовный. Соответственно выдвинуто и множество всевозможных ее концепций, трактовок, определений. Эти истолкования нередко зависят от того, чего хотят от свободы сами ее интерпретаторы, которые, как правило, наполняют данный феномен различным содержанием. Но есть и объективные основания свободы, среди которых на первом месте стоит необходимость.

Как и чем можно «измерить» свободу, ее уровень, рамки, пределы? В чем заключаются критерии и способы выражения этой ценности? Можно ли ее каким-то образом дозировать, закреплять, «распределять в личное пользование»? Такой инструментарий имеется - это право, законы, юридические нормы, а также, разумеется, нравственность, самоконтроль. Свобода, если можно так сказать, требует «деликатного» обращения, иначе она легко переходит в свою противоположность. Именно поэтому свобода на «законных основаниях» ограничивается, усекается, вводится в конструктивное русло.

Свобода как определенное социальное состояние общества, как познанная и освоенная необходимость находит свое наиболее концентрированное выражение в праве, в котором она практически материализуется, объективируется, отливается в конкретные осязаемые формы, принципы, институты. По характеру права в данном обществе, его развитости, завершенности всегда можно судить о сущности и широте той свободы, которую юридически признает и допускает государственная власть.

Право служит официальным мерилом действующей свободы, ее нормой, указателем границ должного и возможного. Вместе с тем оно является гарантией осуществления этой свободы, средством ее охраны и защиты. Выступая легитимной (законной) шкалой свободы, право объективно отражает достигнутый уровень развития социальной действительности. В этом смысле оно есть мера прогресса, а следовательно, и мера свободы как продукта развития, а также и мера социальной ответственности.

Гегель рассматривал право как царство осуществленной свободы, реальное ее бытие. «Свобода бывает там, - писал он, - где господствует закон, а не произвол». Известны кантовские положения о праве как сфере свободы; в обеспечении внешней автономии личности он видел основную цель и назначение права.

На практике в условиях стандартных рыночных отношений не все определяется законом, а собственными устремлениями, инициативой субъектов рынка. Однако, общие принципы, позиции и направления в этой сфере определяются законом. Все существующие цивилизованные рынки регламентируются законодательством, призванным определять общую концепцию с учетом достаточного простора для самостоятельных действий субъектов. Узаконенная свобода является основой права, призванного предотвращать хаос, обеспечивать порядок. Право можно рассматривать не как «карающий меч», а как право, которое включает в себя не только санкции, но имеет возможность разрешать, дозволять возможность личного выбора. Основной источник свободы заключаются не в форме юри-

дических норм, которые объясняют свободы. Главная цель государства - в достижении конкретного уровня свободы, надлежащим образом распорядиться свободой, оформить по закону, с учетом интересов индивидов общества. Проблема юридического выражения свободы, способов использования имеет огромное значение для понимания самой сути свободы и демократии. Свобода проявляется и реализуется по-разному. Любое жизненное состояние, в том числе и свобода, становится бесценной только в сравнении с ее утратой в таком случае свобода становится бесценной.

Одновременно право выступает не только мерой юридической свободы, но и мерой юридической ответственности. Можно утверждать, что свобода одного заканчивается там, где начинается свобода другого. Право является как бы указателем границ должного и дозволенного. И если отдельная личность переступает эти границы, возникает основание для юридической ответственности. Ответственность - неотъемлемое условие существования социальной свободы. При этом субъектами такой ответственности должны выступать все, включая само государство и его властные структуры. В демократическом государстве власть идет на самоограничение правом во имя свободы своих граждан. Вместе с тем, государство вправе ограничить свободу индивида в установленных законом процессуальных формах во имя общего интереса, например в интересах коллективной безопасности.

Определяя границы личностной свободы и являясь мерой социальной ответственности, право тем самым служит средством утверждения нравственных начал в обществе, средством воспитания населения в духе прогрессивных общечеловеческих ценностей.

Список литературы

1. Адилкариев Х.Т. Теория государства и права. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2014. – с.277.

2. Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т.: «Адолат», 2001. – с.361.

3. Матузов Н.И., Малько А.В. Теория государства и права: Учебник – М.: Юристъ, 2004. – с. 98.

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ БОРАСИДАГИ ИДОРАЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муминов Хамза Аббос ўғли
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура
Академияси магистратура тингловчиси
Телефон: +998936551026
tuminovxamza26@gmail.com

Аннотация: ушбу тезисда прокуратура органларининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги идоралараро ва халқаро ҳамкорлигининг қонунчилик таҳлили, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашувчи структураларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, мазкур фаолиятни такомиллаштириш масалалари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган.

Калит сўзлар: инсон ҳуқуқлари, ўзаро ҳамкорлик, мувофиқлаштириш, ижтимоий шериклик, муҳофаза қилиш, прокуратура органларининг ҳамкорлиги.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий ва халқаро миқёсдаги ҳамкорликни ва уни таъминлашда биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Мазкур ҳамкорликни амалга оширишда нафақат инсон ҳуқуқларини таъминлашда идоралараро ва халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини келишиш, балки ушбу фаолиятнинг стратегиясини ҳам белгилаб олиш лозим. Бунда унинг турли даражаларда, яъни жаҳон миқёсида, минтақавий ҳамда миллий миқёсда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда идоралараро ва халқаро ҳамкорлик амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида келишилган ҳаракатларни, маҳаллий, шунингдек, дунё ҳамжамияти ёки бир неча давлатларнинг манфаатларига дахлдор ва иштирок этаётган давлатларнинг ўзаро ёрдамида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш, уни тиклаш, унинг содир этилишини тўхтатиш ҳамда уларни ҳимоя қилишнинг бошқа шаклларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини ягона, марказлаштирилган ва мустақил давлат органининг алоҳида тизими сифатида таърифлайди. Прокуратуранинг бундай ҳолати унга энг мухим йўналиши ҳисобланган фукароларнинг ҳукук ва конуний эркинликларини мустақил ва самарали муҳофаза қилиш имкониятини таъминлайди. Умуман олганда, бугунги миллий прокуратура модели ҳокимиятлар бўлиниши ва биргаликда фаолият кўрсатиши, бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш функциясини амалда тадбиқ этиш, жамиятда хавфсизликни таъминлаш воситасидир.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар давлат органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишга кўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси самарали бўлишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари ходимлари:

- миллий ва халқаро даражада суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи ташкилот ҳамда бошқа давлат ва нодавлат органлар билан ҳамкорлик қиладилар;
- қонунга мувофиқ ва ўзаро ҳамкорлик қилиш руҳида прокуратура органларига ва бошқа

ҳуқуқ тизимларида ишловчи ўз ҳамкасбларига ёрдам кўрсатадилар.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қуйидаги комиссиялар бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси.

Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашувчи структураларнинг ўзаро боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, уларнингфаолиятисамарадорлигини, яқинданҳамкорлигиваишуйғунлигини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла, ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасида "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш" тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, "Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гурухлар ташкил этади, зарур ахборот, шу мумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофик бошқа ваколатларни амалга оширади" деб қайд этилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Прокуратура органлари ўз ҳуқуқий ҳолатига кўра давлат ҳокимияти органлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзаро мувозанат ва тийиб туриш тизимининг муҳим бўғини саналган прокуратура ягона давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари ўзаро алоқа қилишига, улар ягона давлат механизми сифатида келишилган фаолият кўрсатишига кўмаклашади. Айни пайтда ушбу жараённинг динамикаси мазкур орган ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан турли ҳуқуқий ҳаракатларни бажариш орқали ўзаро алоқа қилиши мумкинлигидан далолат беради. Ҳуқуқий ҳолати нуқтаи назаридан субъект ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан боғлиқ ҳолда қаралади, бунда давлат аппаратининг мустақил, бироқ бир-бири билан боғлик қисмларининг вертикал ва горизонтал муносабатлари аниқланади.

Прокуратура ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатларини амалга ошириш орқали ижро этувчи ҳокимиятга ўзига хос хизматлар кўрсатади, бунда у ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари билан ўзаро алоқа килиш орқали ўзаро мувозанатга солувчи ва тийиб турувчи омил вазифасини бажаради.

Прокуратура органлари ҳуқуқий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан йўл қўйилган конунлар бузилишини аниқлайди; қонунийликнинг ҳолати ва уни таъминлаш борасидаги фаолиятда мавжуд камчиликлар ҳақида давлатнинг бошқа органларидан яхшироқ хабардор бўлади. Шу туфайли ҳам прокуратура давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини бошқа давлат муассасаларидан самаралироқ мувофиклаштиришга қодир. Мувофиқлаштириш мазмун жиҳатидан прокурорлар ва мувофиқлаштирилаётган органлар жиноятчилик ҳамда конунийликнинг, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчилик-

ка қарши курашиш ҳолатини таҳлил қилишни, мувофиқлаштириш фаолият иштирокчиларининг умумий мақсадларига эришишда келишилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олиши мумкин.

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан лозим даражада ўзаро алоқа қилишни таъминлаш ҳам прокуратура ҳамкорлигининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айни пайтда "ўзаро алоқа" деганда умумий мақсадлар ва вазифаларга эга бўлган турли органларнинг ўзаро келишилган фаолияти тушунилади.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари прокуратура органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай муносабатлар прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва ишончли ҳамкорлигига асосланади. Ушбу муносабатларКонституциядамустаҳкамланганбўлиб, унинг 121-модда иккинчиқисмигамувофик, қонунийликваҳуқуқийтартиботни, фуқароларнингҳуқуқ ваэркинликлариниҳимояқилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жамоат бирлашмалари ва фуқаролар кўмак кўрсатишлари мумкин. Ушбу норманинг Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилгани мазкур муносабатларнинг муҳимлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Миллий қонунчиликда прокурор ва адвокат ўртасида ўзаро яқин муносабатларга замин яратувчи қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисмида мустаҳкамланган нормага мувофиқ, ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилишимумкин бўлган маълумотларни тўплашга ҳақли ва унинг ушбу маълумотларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан, албатта, қаноатлантирилиши керак.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга адвокатнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиловчи 197^{1}-модда киритилди.

Таъкидлаш жоизки, бошқа давлат органлари қатори прокуратура органлари ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, ҳудудий дастурларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ижтимоий шерикликни амалга оширади.

Давлат ҳокимиятининг турли органлари ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ҳамкорлик прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. "Прокуратура тўғрисида"ги қонуннинг 52-моддасида прокуратура органлари халқаро ҳамкорлигининг қонунчилик асослари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекситон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги халқаро ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро конвенция, икки ва кўп томонлама шартнома ва бошқа миллий ва хорижий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан:

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида "Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида"ги Шартноманинг (Тошкент, 1997 йил 18 июнь) I бўлим II қисми ҳуқуқий ёрдамга бағишланган бўлиб унга кўра, аҳдлашувчи томонларнинг адлия муассасалари фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ ўзаро ёрдам берадилар.

Мазкур турдаги шартномалар Қозоғистон Республикаси (Олма-ота, 1997 йил 2 июнь), Болгария Республикаси (София, 2003 йил 24 ноябрь), Ҳиндистон Республикаси (Деҳли, 2000 йил 2 май) ва бошқа қатор мамлакатлар билан имзоланган.

Қайд этиш керакки, сўнгги йилларда республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсли ишлар

амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан, устувор йўналиш ҳисобланган одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятнинг самарадорлигига тўсқинлик қилаётган бир қатор салбий омиллар сақланиб қолмоқда. Жумладан:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича давлат органлари ўртасида мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик етарли эмас;

- парламент, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти тизимли ва ўзаро ҳамкорликда амалга оширилмаяпти;

- ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш соҳасидаги ислоҳотларни янги босқичга кўтариш зарурати туғулмоқда;

- қонунчилик базаси халқаро стандартларга номувофиқ, бу эса одам савдосига ва мажбурий меҳнатга алоқадор шахсларни самарали таъқиб қилиш ва жазолашга тўсқинлик қилмоқда.

Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг идоаралараро ва халқаро самарали механизмини яратиш, инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясини ижро этиш мақсадида:

- инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш бўйича давлат органлари фаолиятининг институциявий асослари ва принципларини замонавий талабларга мослаштириш;

- инсон ҳуқуқлари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини лозим даражада бажариш устидан самарали парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлаш бўйича қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш;

- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва олдини олиш бўйича идоаралараро фаолият ва самарали ўзаро ҳамкорликни, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни тубдан такомиллаштириш; тизимда жамоат тартибини сақлаш, жиноятларга қарши курашиш ва давлат хизматларини кўрсатиш фаолиятига доир аниқ мезонларни белгилаш;

- давлатлараро муносабатларни, халқаро, хорижий ва ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик ва алоқаларни уйғунлаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномавий органларнинг тавсияларини сифатли ва ўз вақтида бажариш учун инновацион тамойилларни жорий этиш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги идоаралараро ва халқаро ҳамкорлигининг таъсирчан тизимини яратиш мазкур фаолиятни янги босқичга кўтаришга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўйича белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/20596. Мурожаат этилган сана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар

бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги 488-I-сон қарори // [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/83334. Мурожаат этилган сана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

3. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги ЎРҚ-257-II-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/106197. Мурожаат этилган сана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/111460. Мурожаат этилган сана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/97664. Мурожаатэтилгансана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: https://lex.uz/docs/3141186. Мурожаат этилган сана 25.05.2020 йил (date of the application may 25, 2020).

7. Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий стандартлар (ўқув қўлланма).Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 65-бет.

УЗБЕКСКО – АМЕРИКАНСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В КОНТЕКСТЕ ПОЛИТИКИ США В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Чуллиева Зарина Шухратовна
Магистрантка УМЭД
Телефон: +998(90) 9689048
E-mail: zchullieva@gmail.com

Аннотация: Статья представляет собой краткую историю становления дипломатических отношений между Республикой Узбекистан и Соединенными Штатами. Безусловной необходимостью для раскрытия выбранной темы мы посчитали, что на сегодняшний день не существует систематического разбора данного вопроса.

В современных условиях международное право трансформировалась, и естественным образом поменялись тенденции в дипломатических отношениях. Достаточно констатировать процессы, происходящие в современном мире.

Annotation: The article is a brief history of the establishment of diplomatic relations between the Republic of Uzbekistan and the United States. An absolute necessity for the disclosure of the chosen topic, we considered that today there is no systematic analysis of this issue.

In modern conditions, international law has transformed, and trends in diplomatic relations have naturally changed. It is enough to state the processes taking place in the modern world.

Ключевые слова: Дипломатия, сотрудничество, соглашения, международные связи, государственные визиты, Узбекистан, США.

Key words: Diplomacy, cooperation, agreements, international relations, government visits, Uzbekistan, USA.

В развитии политики США в Центральной Азии с определенной степенью обоснованности можно выделить несколько периодов, в каждом из которых прослеживается изменение позиции Америки по отношению к центральноазиатским странам и Узбекистану, в частности.

Администрация Б. Клинтона (1993–1996 гг.) в определенной мере сохраняла тенденции, намеченные в период президентства Дж. Буша старшего. Штаты брали курс на укрепление суверенитета стран центральноазиатского региона, опасаясь увеличения влияния со стороны России и Ирана. В концептуальном выражении данный курс нашел воплощение в идее помощника президента США по национальной безопасности Э. Лейкат – так называемой концепции «вовлечения» (1993 г.)[1].

Важной составляющей являлось оказание властями США поддержки становлению новых независимых государств, содействие демократическим и рыночным преобразованиям в странах постсоветского пространства. Центральная Азия в указанный период, по сути, не являлась зоной основных американских интересов. Но в тоже время США традиционно стремились расширить свое участие в разрешении региональных конфликтов.

Характерной чертой центральноазиатской политики этого периода стал жесткий приоритет демократических ценностей. В частности, не полная ассимиляция демократических принципов и не соблюдение в полной мере прав человека в этот период практически полностью свели на ноль политические отношения США с Узбекистаном при сохранении и даже развитии экономического взаимодействия. Как заявил сотрудник редакции EurasiaNet – Тед Вайхман: «Вместо того, чтобы отреагировать на критику, касающуюся выполнения

[1] Barry R. Posen., Andrew L. Ross. Competing visions for U.S. Grand Stratagy // International security. Volume 21, issue 3. P.5.

реформ, узбекское правительство усиливает контроль над жизнью своих граждан»[1]. Летом 1992 года первый Президент Узбекистана И. Каримов раскритиковал сотрудников посольства США в Узбекистане за контакты с политической оппозицией.

К моменту завершения указанного периода, с учетом последствий заключения так называемого «контракта века» (1994 г.), подписанного Азербайджаном с западными нефтяными компаниями, экономический интерес США в Центральной Азии резко увеличился. США преступают к решению задач по развитию нефтедобычи в Казахстане, логистических проектов, что увеличило напряженность в отношениях США с Россией.

Кроме того, Штаты явились активным проводником идей и проектов «альтернативной интеграции» на пространстве бывшего СССР. Ярким примером явилось событие 10 октября 1997 года, когда в Страсбурге прошел учредительный форум организации за демократию и экономическое развитие ГУАМ (Грузия, Украина, Азербайджан, Молдова). В апреле 1999 г. к этой структуре присоединился Узбекистан.

Более того, Штаты продвигали и другой проект по развитию интеграции на постсоветском пространстве, в частности, в Центральной Азии. Примером могут служить такие объединения как Центральноазиатское экономическое сообщество, Центрально-Азиатское сотрудничество, Центральноазиатский союз, существовавшие в разные периоды 1990-х и 2000-х годов.

При американском финансировании появился проект коллективного батальона Центральной Азии «Центразбат», включающий Казахстан, Узбекистан и Кыргызстан. «Следует, однако, учесть, что в тот период Каспий рассматривался американскими стратегами как регион, тяготеющий к Кавказу – в структуре законодательной и исполнительной власти США им занимались другие подразделения – и энергетический фактор не выходил на первое место в политике Вашингтона в Центральной Азии».

Центральная Азия рассматривалась также американскими политологами как часть проекта «Большого Ближнего Востока».

С самого начала образования новых независимых государств США планомерно проводили политику вытеснения российского влияния из регионов постсоветского пространства, развивая двусторонние отношения со странами СНГ. В частности, в конце XX века США начинают тесное сотрудничество с Узбекистаном. З. Бжезинский прямо писал о значении Узбекистана для США в рамках реализации американской стратегии по вытеснению России из центральноазиатского региона: «Узбекистан, который с национальной точки зрения является наиболее важной и самой густонаселенной страной Центральной Азии, является главным препятствием для возобновления контроля России над регионом. Независимость Узбекистана имеет решающее значение для выживания других государств Центральной Азии, а кроме того, он наименее уязвим для давления со стороны России»[2]. Узбекистан, расположенный в середине Центральной Азии, унаследовавший ее ключевые культурные центры, располагающая самым большим населением и мощный (по местным меркам) в военном отношении, воспринимался как «ключ» к региону.

Как отмечают некоторые российские политологи, в середине 1990-х гг. происходило стремительное ухудшение российско-узбекских отношений. Узбекистан в силу ряда причин географического, исторического, демографического, военного характера воспринимает себя в качестве естественного «фокуса» центральноазиатской интеграции. В связи с этим он сам стремился играть роль главной региональной державы, альтернативной всем внешним силам. При этом в середине 1990-х гг. Узбекская Республика воспринимала Российскую Федерацию в качестве одной из главных соперниц в регионе. Со второй половины 1990-х гг. руководство Узбекистана взяло курс на свертывание сотрудничества с Россией и развитие отношений с США прежде всего в сфере безопасности и военно-технических

[1] Вайхман Т. Преследования в Узбекистане могут осложнить американо-узбекские отношения. // сайт сайт интернет-издания Eurasianet.org. URL: http://russian.eurasianet.org/departments/rights/articles/eav091103ru.shtml (дата обращения 23.04.2013 г.)

[2] Бжезинский З. Указ. соч. С.62 – 64.

контактов[1].

США стали активно поддерживать независимую от России внешнюю политику Узбекской Республики и ее стремление играть ключевую роль в региональной интеграции. Это во многом и обеспечило рост американского влияния в регионе. Однако пред самими США вставала определенная дилемма: приходилось сочетать попытки развития дружеских отношений при определенной критике жесткости режима Президента И. Каримова. Тем не менее, Узбекистан всячески старался поддерживать позиции США по разным вопросам. Хорошей иллюстрацией данного тезиса является случай, когда при голосовании на Генеральной ассамблее ООН, где принималась резолюция (ноябрь 1996 года), осуждающая американское эмбарго в отношении Кубы, против проголосовали лишь США, Израиль и Узбекистан. Узбекистан был также одним из участников программы «Партнерство ради мира». Как заявил политолог С. Маркедонов: «Выстраивая отношения с американцами, узбекский лидер вел, ведет, и будет вести торг. Ведь интерес здесь присутствует не только у Ташкента к Вашингтону, но и наоборот. Особенно в свете афганских перспектив»[2].

Определенную роль в выстраивании американской внешней политики в Центральной Азии сыграл «Талибан». Движение постепенно превращалось в серьезный источник дестабилизации, быстро выходящий за пределы региона. Стоит признать, что в период конца 1990-х годов влияние США в Центральной Азии возросло значительно. Хронологически можно выделить группы стран, с которыми США были установлено тесное взаимодействие. К первой группе можно отнести Казахстан и Киргизию, далее – Узбекистан и Туркменистан (с Туркменией отношения первоначально выстраивались по весьма ограниченному кругу вопросов). Отношения с Таджикистаном долгое время были весьма холодными ввиду зависимости от России.

В 1999–2001 гг. начался очередной рост влияния США, ознаменовавшийся чередой военно-политических договоров с центральноазиатскими государствами (за исключением Туркменистана).

Администрация Дж. Буша-младшего начала программу увеличения экономической помощи странам Центральной Азии: помощь Узбекистану, например, с октября 2001 года выросла втрое. Резко выросла и военная помощь Казахстану. С лета 2003 года Соединенные Штаты финансируют строительство совместной военной базы в городе Атырау. Во многом, посредством активной инициативы Узбекистана было принято решение о реформировании существовавшей Центральноазиатской интеграционной структуры (ЦАЭС), которая существовала с 1994 г.

В контексте рассматриваемого вопроса необходимо затронуть следующий сюжет, повлиявший на «климат» американо – узбекских отношений. В марте 2005 года «революция тюльпанов» сменила режим президента Киргизии А. Акаева, которого многие расценивали как прозападного и либерального политика. Новое правительство оказалось в меньшей степени либеральным и было настроено на тесное взаимодействие с Россией и Китаем. В мае 2005 года в Андижане прокатилась череда социальных волнений. Все выступления были подавлены правительственными войсками. В организации андижанских событий Узбекское руководство обвиняет западные неправительственные фонды и, косвенно, правительство США.

Всякое сотрудничество с Америкой было приостановлено, а войска США были вынуждены покинуть базу Карши-Ханабад. Реакция США и заявление И. Каримова о причастности к событиям в Андижане «притормозили» развитие отношений США и Узбекистана, которые, возможно, понимали, что понесут незначительные потери, прервав отношения

[1] Троицкий Е.Ф. Внешняя политика Узбекистана в 2004 – 2007 гг.: от стратегического партнерства с США к союзническим отношениям с Россией. URL: http://psibook.com/philosophy/vneshnyaya-politika-uzbekistana-v-2004-2007-gg-otstrategicheskogo-partnerstva-s-ssha-k-soyuznicheskim-otnosheniyam-s-rossiey.html (дата обращения 23.04.2014 г.)

[2] Маркедонов С. Американо-узбекское сближение // Сайт интернет-журнала Новая политика. URL: http://www.novopol.ru/-amerikano-uzbekskoe-sblijenie-text131888.html (дата обращения 20.11.2013 г.)

друг с другом[1]. Но после этого вскоре войскам США все же пришлось покинуть базу Карши-Ханабад. В результате всех этих событий произошла новая перегруппировка сил в Центральной Азии, связанная с резким усилением позиций России и поддерживаемых ею проектов интеграционных объединений за счет ослабления американского влияния. Узбекистан давно не был доволен деятельностью ГУУАМ. Еще в 2002 г. он заявил о намерении выйти из организации, после чего стал игнорировать ее мероприятия. Однако официально президент И. Каримов заявил о выходе его страны из этой структуры в мае 2005 г. Изменение ситуации в регионе сказалось и на ОЦАС.

В 2005–2008 гг. стремления президента Дж. Буша сконцентрировались на поддержке независимость центральноазиатских государств в той степени, чтобы эти страны не попали в зону доминирования кого-либо из соседей.

Американский президент был тверд в своих устремлениях предотвратить трансформацию региона в плацдарм для развертывания экстремистских исламских сил и распространения международного терроризма, для чего было принципиально важно сохранить военное присутствие.

С Узбекистаном особенно четко видны своеобразные «волны» сближения и отдаления. В целом, в условиях очень высокой неопределенности и наличия серьезных и трудно разрешимых дилемм политика США в Центральной Азии в 1991–2008 гг. отличалась достаточно низкой последовательностью и эффективностью. Тем не менее, Узбекистан, наряду с Россией, оказала наибольшее влияние на ситуацию в регионе. Но в отличие от России США не имеют жизненно важных интересов в странах региона. Во многом по этой причине вначале отношения США с новыми независимыми государствами Центральной Азии носили вялотекущий характер, США не имели четко разработанной стратегии в отношении стран региона и компенсировали это возможностью лавировать, используя традиционные рычаги влияния, связанные с развитием демократии, в частности, соблюдения прав человека.

Регион в целом не воспринимался в качестве зоны соприкосновения с зонами жизненно важных интересов США. После трагедии 11 сентября 2001 года ситуация меняется коренным образом. США получили реальную возможность для своего военно–политического присутствия в странах региона. Это дало основания администрации США для попыток использования региона в качестве плацдарма для реализации своих стратегических задач. Однако, как представляется, в США был допущен ряд просчетов, что не позволило им глубоко закрепиться в Центральной Азии. Прежде всего, в Вашингтоне не почувствовали разочарования в новых независимых государствах Центральной Азии по поводу несбывшихся надежд на массированную материально-финансовую помощь из США. В Вашингтоне переоценили степень зависимости стран региона от политической воли США, командный стиль которых периодически вызывал явное и скрытое раздражение в новых независимых государствах Центральной Азии.

Появление талибского режима в Афганистане сделало для США стратегически важными отношения с Узбекистаном, как в силу пограничного положения этой страны, так и из-за наличия узбекской диаспоры в Афганистане, резко оппозиционной талибам во главе с генералом Достумом. В Узбекистане закрепление проамериканских настроений среди правящей элиты во многом зависело от профессионализма и эффективности действий посла США в этой стране и его контактов с местными политиками и СМИ[2].

Для Соединенных Штатов Узбекистан теоретически остается важным звеном во всей центральноазиатской схеме безопасности. Узбекистан рассматривается в Вашингтоне как центральный и наиболее весомый игрок в центральноазиатском регионе. Узбекистан является самодостаточным в плане продовольствия и энергии. Важным является и то, что он

[1] Голованова И.А. Андижанские события 2005 года в Узбекистане и их влияние на узбекско-американские отношения // Сайт журнала «Новаинфо». URL: http://novainfo.ru/archive/14/andizhanskie-sobytiya (дата обращения 27.07.2013 г.)

[2] Барабанов О.Н. Политика США в Центральной Азии и Закавказье. МИОН ИНО центр. М.,2010. С.340.

граничит с Афганистаном. Фактически для США это мог быть самый важный потенциальный партнер. Узбекистан не только имеет шоссейное и железнодорожное сообщения с Афганистаном, а на его территории также расположена советская военная база, которой уже пользовались американцы.

Стабильного и надежного диалога между Вашингтоном и Ташкентом, по сути, не отмечалось. Политическая элита Америки также осознавала, что первый Президент И. Каримов был непредсказуем и для всех других ведущих мировых игроков в этом регионе – России, Китая. Поэтому отношения с Ташкентом Вашингтон развивало по мере возможности. Поскольку американцы приняли решение в своем афганском транзите ориентироваться на так называемый северный коридор (а он пролегает по территории России, Казахстана и Узбекистана), то именно Узбекистан стал ключевым звеном для натовской операции, для чего была необходима активизация взаимодействия.

В целом же, о частоте контактов на политическом уровне могут сказать следующие данные: с 1992 по 2012 год Узбекистан посетили около 130 сенаторов и конгрессменов США, из них 100 в период после 2001 года[1].

В конце января 2010 года Президент Узбекистана И. Каримов подписал План сотрудничества с США. Документ был основан на результатах первого раунда узбекско-американских политических консультаций. Вашингтон делает ставку на взаимодействие с Узбекистаном в политической, социальной, экономической сферах, а также в вопросах обеспечения безопасности. Инициатором проведения политических консультаций между правительствами США и Узбекистана стал помощник госсекретаря США Р. Блейк. Было предусмотрено, что стороны будут сотрудничать в области обеспечения безопасности границ и нераспространения, противодействия терроризму, а также в рамках программ «Зарубежное военное финансирование» и «Передача излишков вооружений». Как заявил Блейк на форуме института Центральной Азии и Кавказа в Вашингтоне в январе 2012 года: «Наша помощь региону в области экономического развития, здравоохранения и образования, безопасности границ, борьбы с наркотиками, демократических реформ и укрепления гражданского общества играет важную роль в продвижении наших целей»[2].

Во время своего выступления конгрессмен Д. Бертон дал высокую оценку развитию узбекско-американского сотрудничества, подчеркнув, что двусторонние отношения вышли на качественно новый уровень по всем направлениям. Тогда он выразил особую благодарность первому Президенту Республики Узбекистан И. Каримову за вклад республики в поддержку действий США по установлению мира и стабильности в Афганистане[3].

Таким образом, как отмечают многие зарубежные политологи, Узбекистан является стратегическим партнером США в реализации антитеррористической политики.

Сноски:

1. Barry R. Posen., Andrew L. Ross. Competing visions for U.S. Grand Stratagy // International security. Volume 21, issue 3. P.5. (Барри Р. Позен., Эндрю Л. Росс. Конкурирующие видения для США Великая Стратегия // Международная безопасность. Том 21, выпуск 3. С.5.)

2. Вайхман Т. Преследования в Узбекистане могут осложнить американо-узбекские отношения. // сайт сайт интернет-издания Eurasianet.org. URL: http://russian.eurasianet.org/departments/rights/articles/eav091103ru.shtml (дата обращения 23.04.2013 г.) (Weichman

[1] Шукурзода М. «Хронология американо-узбекских отношений 1992-2012» // сайт газеты «Ватандош». URL: http://vatandosh.uz/2012/12/04/hronologiya-amerikano-uzbekskihotnoshenij-1992-2012/ (дата обращения 12.03.2013 г.)

[2] Помощник госсекретаря о политике США в Центральной Азии // Сайт посольства США в Туркмении. URL: http://russian.ashgabat.usembassy.gov/policy20120127.html (дата обращения 07.09.2013 г.)

[3] Новые грани американо-узбекского экономического сотрудничества // Сайт iteuzbekistan.uz URL: http://www.ite-uzbekistan.uz/rus/press/news.php?ELEMENT_ID=6581 (дата обращения 12.03.2014 г.)

T. Persecution in Uzbekistan may complicate US-Uzbek relations. // site is the site of the online publication Eurasianet.org. URL: http://russian.eurasianet.org/departments/rights/articles/eav091103en.shtml (accessed 04.23.2013))

3. Бжезинский З. Указ. соч. С.62 – 64. (Brzezinski Z. Decree. Op. S.62 - 64.)

4. Троицкий Е.Ф. Внешняя политика Узбекистана в 2004 – 2007 гг.: от стратегического партнерства с США к союзническим отношениям с Россией. URL: http://psibook.com/philosophy/vneshnyaya-politika-uzbekistana-v-2004-2007-gg-otstrategicheskogo-partnerstva-s-ssha-k-soyuznicheskim-otnosheniyam-s-rossiey.html (дата обращения 23.04.2014 г.) (Troitsky E.F. Uzbekistan's foreign policy in 2004-2007: from strategic partnership with the USA to allied relations with Russia. URL: http://psibook.com/philosophy/vneshnyaya-politika-uzbekistana-v-2004-2007-gg-otstrategicheskogo-partnerstva-s-ssha-k-soyuznicheskim-otnosheniyam-s-rossiey.html (accessed 23.04. 2014))

5. Маркедонов С. Американо-узбекское сближение // Сайт интернет-журнала Новая политика. URL: http://www.novopol.ru/-amerikano-uzbekskoe-sblijenie-text131888.html (дата обращения 20.11.2013 г.) (Markedonov S. American-Uzbek rapprochement // Website of the online journal New Politics. URL: http://www.novopol.ru/-amerikano-uzbekskoe-sblijenie-text131888.html (accessed November 20, 2013))

6. Голованова И.А. Андижанские события 2005 года в Узбекистане и их влияние на узбекско-американские отношения // Сайт журнала «Новаинфо». URL: http://novainfo.ru/archive/14/andizhanskie-sobytiya (дата обращения 27.07.2013 г.) (Golovanova I.A. Andijan events of 2005 in Uzbekistan and their impact on Uzbek-American relations // Site of NovaInfo magazine. URL: http://novainfo.ru/archive/14/andizhanskie-sobytiya (accessed July 27, 2013))

7. Барабанов О.Н. Политика США в Центральной Азии и Закавказье. МИОН ИНО центр. М.,2010. С.340. (Barabanov O.N. US policy in Central Asia and the Caucasus. MION INO center. M., 2010. S.340.)

8. Шукурзода М. «Хронология американо-узбекских отношений 1992-2012» // сайт газеты «Ватандош». URL: http://vatandosh.uz/2012/12/04/hronologiya-amerikano-uzbekskihotnoshenij-1992-2012/ (дата обращения 12.03.2013 г.) (Shukurzoda M. «Chronology of US-Uzbek Relations 1992-2012» // the website of the newspaper «Vatandosh». URL: http://vatandosh.uz/2012/12/04/hronologiya-amerikano-uzbekskihotnoshenij-1992-2012/ (accessed March 12, 2013))

9. Помощник госсекретаря о политике США в Центральной Азии // Сайт посольства США в Туркмении. URL: http://russian.ashgabat.usembassy.gov/policy20120127.html (дата обращения 07.09.2013 г.) (Assistant Secretary of State for US Policy in Central Asia // Website of the US Embassy in Turkmenistan. URL: http://russian.ashgabat.usembassy.gov/policy20120127.html (accessed September 7, 2013))

10. Новые грани американо-узбекского экономического сотрудничества // Сайт iteuzbekistan.uz URL: http://www.ite-uzbekistan.uz/rus/press/news.php?ELEMENT_ID=6581 (дата обращения 12.03.2014 г.) (New facets of US-Uzbek economic cooperation // Website iteuzbekistan.uz URL: http://www.ite-uzbekistan.uz/rus/press/news.php?ELEMENT_ID=6581 (accessed March 12, 2014))

ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО СТАТУСА ПРОДАВЦА ОБЪЕКТА ЛИЗИНГА ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Бозаров Шавкат Таджибаевич
Юрист совместного предприятия
«UzbekLeasingInternational A.O.».
Тел.: +998909748226
shavkatbozarov2@gmail.com

Аннотация: в данной статье на основе положений гражданского законодательства Республики Узбекистан анализируются особенности правового статуса продавца объекта лизинга в лизинговых правоотношениях, предлагается внесение изменений и дополнений в законодательство Республики Узбекистан, направленные на укрепление договорной дисциплины в части поставки объекта лизинга.

Ключевые слова:лизинг, лизингодатель, лизингополучатель, продавец, договор лизинга, договор купли-продажи, третье лицо, правовой статус, ответственность.

В процессе реализации лизинговой сделки возникают различные отношения, среди которых особое место занимают отношения купли - продажи лизингового имущества. По мнению цивилиста Р.Ж. Рузиева, договор купли-продажи является необходимым элементом лизинговых отношений и непосредственно служит осуществлению лизинговой операции [1]. Поэтому законодатель построил специальную - сложную правовую конструкцию, позволяющую полноценно реализовать на практике отношения по передаче в долгосрочное пользование конкретное имущество, специально приобретаемое у третьего лица.

Договор купли-продажи относится к видам гражданско-правовых договоров, регулирующих обязательства по передаче имущества. Согласно части первой статьи 386 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, по договору купли-продажи одна сторона (продавец) обязуется передать вещь (товар) в собственность другой стороне (покупателю), а покупатель обязуется принять этот товар и уплатить за него определенную денежную сумму (цену) [2].

Раскрывая содержание договора купли-продажи применительно к купле-продаже лизингового имущества, статья 14 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» устанавливает, что договор купли-продажи объекта лизинга заключается между лизингодателем и продавцом, согласно которому лизингодатель по поручению лизингополучателя приобретает в свою собственность объект лизинга для последующей передачи лизингополучателю[3].

В соответствии с частью третьей данной статьи при заключении договора купли-продажи объекта лизинга лизингодатель обязан предварительно уведомить продавца о цели приобретения объекта лизинга, оговорив это в договоре купли-продажи. Несмотря на то, что данное обязательство лизингодателя имеет важное практическое значение для построения всей системы взаимоотношений между продавцом и лизингополучателем после передачи последнему объекта лизинга, действующее законодательство Республики Узбекистан не предусматривает правовых последствий при его нарушении. Автором предлагается внести в статью 24 Закон Республики Узбекистан «О лизинге» норму, в соответствии с которым лизингодатель в случае неуведомления продавца о своем намерении передать приобретаемое имущество лизингополучателю во временное владение и пользование несет полную ответственность перед лизингополучателем неисполнение или ненадлежащее исполнение обязательств продавца. Такая норма права включена в часть 4 статьи 14 Закона Республики Казахстан «О финансовом лизинге» [4].

В договоре лизинга элементы договора купли-продажи проявляются в таких его условиях, как выбор имущества, ответственность за выбор продавца, условие оплаты и приемки имущества у продавца и т.д. Перечисленные условия являются существенными и должны быть согласованы между участниками договора лизинга до заключения договора купли - продажи, то есть безучастия продавца. Вместе с тем, учитывая, что договор купли - продажи заключается между продавцом имущества и лизингодателем, то есть без участия лизингополучателя, то последнего вполне можно признать третьим лицом в данной сделке.

В этом смысле, большинство правоотношений, как справедливо отмечает германский правовед К. Ларенц, состоят не из единственной связи, а из комплекса правовых связей, подчиненных друг другу. Они представляют собой «клубок», отдельными элементами которого являются субъективные права, распоряжения, обязанности и фиксированные связи многообразного характера [5].

Данная характеристика сложных правовых конструкций свойственна и лизинговой конструкции, в которой переплетаются взаимосвязанные между собой права и обязанности участников двух самостоятельных правоотношений. Поэтому возникает необходимость в четком разграничении условий исполнения сложной лизинговой конструкции между лизингодателем, продавцом имущества и лизингополучателем. Это связано, как утверждает профессор Х. Брокс,необходимостью:

а) выбора предмета исполнения;

б) определением качества вещей как условие исполнения;

в) освобождением от ответственности в случае гибели вещи либо отсутствия всего предмета исполнения и т.д. [6].

Рассмотрим эффективность действующей системы разграничения исполнения условий договора купли-продажи в сочетании с договором лизинга, установленной нормами гражданского права и определяющей правовую связь договора лизинга с договором купли - продажи.

В статье 2 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» лизинг характеризуется как вид финансовой аренды, в котором отношения сторон возникают в связи с приобретением объектом предмета лизинга и передачей его лизингополучателю, что указывает на взаимосвязь договора лизинга с договором купли - продажи предмета лизинга.

Далее, статья 4 данного Закона устанавливает, что в качестве обязательного участника лизинговых отношений, наряду с лизингодателем и лизингополучателем, является третье лицо - продавец лизингового имущества. Таким образом,возникают два самостоятельных гражданско-правовых договоров с обязательным участием третьего лица. В частности, в договоре лизинга основными участниками являются лизингодатель и лизингополучатель, а в качестве третьего лица выступает -продавец лизингового имущества. Соответственно, в договоре купли - продажи объекта лизинга основными участниками являются лизингодатель и продавец лизингового имущества, а в качестве третьего лица выступает лизингополучатель.

Особенность правового положения указанных третьих лиц заключается в том, что каждый из них, являясь участником лизинговой конструкции, наряду с субъективной обязанностью приобретает также субъективное право в части требования исполнения в свою пользу обязательств, установленных договором лизинга или договором купли-продажи объекта лизинга.

Для уточнения правового статуса продавца в лизинговых отношенияхнужно отметить, что практическая реализация субъективных прав третьих лиц в лизинговой конструкции может быть охарактеризована следующими особенностями.

Продавец лизингового имущества является участником одновременно двух сделок - обязательств. В первой сделке, имеется в виду в договоре купли-продажи, он выступает в качестве основного участника - должника, то есть поставщика лизингового имущества. А во второй сделке - в договоре лизинга, в качестве третьего лица на стороне должника, в части исполнения обязанности по передаче имущества лизингополучателю. Соответственно, покупатель имущества - лизингодатель, являясь кредитором по договору купли - продажи вправе требовать от продавца исполнения обязательства по передаче имущества в свою пользу либо в пользу другого, названного им лица, в нашем случае - в пользу лизингополучателя.

С момента передачи лизингового имущества лизингополучателю у участников лизинговой конструкции возникает множество правовых последствий, например, происходит замена собственника на продаваемое имущество, так как новым собственником становится лизингодатель -покупатель имущества.

После того, как объект лизинга будет передан лизингополучателю, договор купли-продажи часто сохраняет силу своего действия в части предоставления гарантий качества в процессе

его эксплуатации лизингополучателем. Объект лизинга всегда является непотребляемой вещью, который в соответствии со статьей 588 Гражданского кодекса Республики Узбекистан используется для предпринимательских целях. Это означает, что лизингополучатель будет его использовать для извлечения выгоды путем эксплуатации его технических характеристик. Так как продавцами обычно вступают производители оборудования или их официальные представители (дилеры, торговые дома, представительства и т.д.), они всегда гарантируют качество объекта лизинга и обязуются в течение определенного времени осуществлять его гарантийный ремонт, или продавец может взять на себя обязательства по его техническому обслуживанию. Не являясь участником договора купли-продажи, лизингополучатель получает важные для лизинговой сделки права покупателя, которые могут сохранить силу даже после исполнения покупателем – лизингодателем и продавцом основных обязательств по договору купли-продажи – поставки объекта продавцом и его оплаты лизингодателем.

Однако, в законодательстве Республики Узбекистан нет четкой установки о том, что из-за выбора объекта лизинга и его продавца лизингополучателя, лизингодатель освобождается от ответственности за нарушение продавцом условий договора купли-продажи. Положения статьи 594 Гражданского кодекса Республики Узбекистан и части первой статьи 24 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» из-за своей неопределенности на практике часто служат основанием для многочисленных и затяжных судебных разбирательств, когда лизингополучатели, недовольные исполнением продавцами условий договора купли-продажи объекта лизинга, пытаются привлечь к ответственности лизинговые компании. По мнению автора, внесение в Гражданский кодекс и Закона Республики Узбекистан «О лизинге» норм, однозначно освобождающих лизингодателей как финансовых учреждений от ответственности за действия продавцов объектов лизинга, будет служить к тому, что лизингополучатели более внимательно будут относиться к выбору объекта лизинга и его продавца и предотвратит многочисленные судебные тяжбы между ними из-за действий недобросовестных продавцов объекта лизинга. Такое правило установлено, например, в статьях 580 и 580.1. Гражданского кодекса Грузии [7].

Вышеприведенный анализ правового статуса продавца объекта лизинга показывает, что в лизинговых правоотношениях продавец является основным участником договора купли-продажи в качестве должника по поставке объекта лизинга и кредитора по получения оплаты за него, а также третьим лицом в договоре лизинга в качестве должника на стороне лизингодателя. Для укрепления исполнительской дисциплины автором предлагается внесение изменений и дополнений в гражданское законодательство Республики Узбекистан, в соответствии с которыми, во-первых, должна быть установлена ответственность лизингодателя за неуведомление продавца о своем намерении передать приобретаемое имущество в лизинг, и во-вторых, лизингодатель должен быть освобожден от ответственности за нарушение продавцом условий договора купли-продажи по причине выбора объекта лизинга и его поставщика со стороны лизингополучателя.

Список использованный литературы

1. Рузиев Р.Ж. Тадбиркорликва лизинг. – Т.:Адолат, 2002. 22-б.
2. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. – Ташкент: Адолат. 2017.
3. Закон Республики Узбекистан «О лизинге» // Ведомости ОлийМажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 5, ст. 108.
4. Гражданский кодекс Республики Казахстан. Особенная часть // Казахстанская правда. №172-173. 17.07.1999г.
5. Larenz K. Allgemeiner Tell des Deutschenburgeliehen Rechts.7. Aulf.-Munchen: C.H. Beck. 1989.
6. Broks H. Consumer Credit Act - КредитныйАкт // Перов. В.А., Перова В.Л. Лизинг: Практ. рук. – М.: Перспектива, 1992.
7. Гражданский кодекс Грузии //www.matsne.gov.ge.

ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЬМИНЛАШДА КОНСТИТУЦИЯНИНГ АҲАМИЯТИ, ҚОНУННИНГ УСТУВОРЛИГИ.

Номозова Баҳоргул Исмоиловна
Қашқадарё вилояти юридик коллежи
“Мутахассислик фанлари кафедраси” мудири,
1тоифали ўқитувчи,3даражали юрист
Электрон манзил:afton.inbox.uz
Телефон:99891-465-54-43

Аннатация: Қонунийликни таьминлашда *Конституциянинг аҳамияти,қонуннинг устуворлиги, қонунийлик принципи* ҳақидаги маьлумотлар тушунтирилади.

Калит сўзлар: Конституциявий қонунийлик, *қатъий ҳуқуқий тартибот, ҳуқуқий давлатчилик, қонунийлик принципи,қонун устуворлиги.*

“Халқимиз азалдан юксак қадрлаб келадиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз”.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев

Адолатли, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнида қонун устуворлиги ва қонунийлик муҳитини яратиш долзарб аҳамият касб этади. Зеро, мустаҳкам қонунийлик, қатъий ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий давлатчиликнинг моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддасида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ «Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари амалга оширади». Унда адолат билан қонунийлик ғоялари ёнма-ён, уйғун ҳолда эътироф этилади.

Демократик тарзда уюштирилган жамиятда қонун адолат ва тафаккур ифодаси бўлмоғи лозим. Инсоният асрлар мобайнида адолатли қонунлар ҳақида орзу қилиб, уларга муқаддас ҳақиқат рамзи сифатида эътиқод қилиб келган.

Қонунийлик принципи «қонун устуворлиги» принципидан кенгроқ тушунча бўлиб,у қонун устуворлигини таъминлаш масалаларини ҳам ўз ичига олади. Қонунийлик деганда, нафақат қонунларга мувофиқ иш тутиш, балки барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этиш, уларни бажариш тушунилади. Ҳуқуқ - ҳақиқат ва адолат ифодаси деган консепциядан келиб чиқилганда, ҳуқуққа мувофиқлик айни қонунийлик демакдир.

Ҳуқуқ устунлиги-бу ижътимоий муносабатларни инсоннинг табиий ҳуқуқлари нуқтайи назаридан, ҳақиқат ва адолат мезонлари асосида тартибга солинишининг юксак даражасидир.

Қонуннинг олийлиги хусусида гап борганда, аввало, давлатнинг шоҳ қонуни ҳисобланган Конституциянинг олийлигини, устуворлигини таъминлаш муҳимлигини эътироф этиш лозим. Конституция мамлакат ҳуқуқий тизимининг пойдеворидир.У- халқимизнинг давлат донишмандлиги ва сиёсий-ҳуқуқий тажрибаси самараси тарзида яратилган.

Конституция ва қонунлар ҳар бир фуқаро учун, ҳар бир ҳуқуқ соҳиби учун энг олий қадрият, мўтабар ва муқаддас бўлмоғи лозим. Бироқ бунинг учун Конституция ва қонунларнинг ўзи ниҳоятда адолатли, инсонпарвар, демократик ва оқилона бўлиши, жамиятнинг етилган эҳтиёжларига ҳамда давр талабларига мос келиши лозим.Бу маданияти юксак тараққий этган мамлакатнинг қатъий қоидасидир.

Қонун - жамият ҳуқуқий тизимининг энг муҳим таркибий қисми, ҳуқуқни ифода этишнинг олий шаклидир. Қонун олий юридик кучга эга. Қонуннинг ушбу хусусияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- биринчидан, қонунни уни қабул қилган олий вакиллик органидан бошқа ҳеч ким

ўзгартира олмайди, бекор қила олмайди ёки янгисини ўрната олмайди;

- иккинчидан, бошқа барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунга қатъий мувофиқ ҳолда қабул қилинади ва амалга оширилади;
- учинчидан, бирон-бир қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжат қонунга зид бўлса, у қонунга мувофиқ ҳолга келтирилади ёки бекор қилинади;
- тўртинчидан, қонун олий юридик кучга эга бўлган ҳужжат бўлганлиги сабабли уни қабул қилган органдан бошқа ҳеч ким қўшимча тасдиқлаши ва бекор қилиши мумкин эмас.

З.М. Исломовнинг фикрича, «қонунийлик - ижтимоий ҳаётда ҳуқуқ ва қонун ҳукмронлигидан, ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари томонидан ҳуқуқий нормалар кўрсатмаларини оғишмай амалга ошириш, жамиятда тартиб ва уюшқоқликни таъминлашдан иборат ижтимоий-сиёсий режимдир»[1].

Қонунийлик ҳуқуқнинг мавжудлиги, жамиятда чинакам адолатли ва демократик муҳит ва ҳуқуқий тартибнинг ўрнатилганлигидан далолат беради. Демократик давлатда қонунийлик барчанинг қонун олдида тенглигини англатади. Барча тенг мажбурият олади ва қонунийлик бузилганда тенг жавобгарликка тортилади.

Мамлакатимизда Конституцияга амал қилиш мажбурияти конституциявий қонунчилик даражасида мустаҳкамланган. Ўзбекистон Республикасида Конституция ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Конституциявий қонунчилик нормаларининг амалга оширилиши иқтисодий, сиёсий, ғоявий ва юридик кафолатлар тизими билан таъминланади.

Конституциявий қонунийлик деганда мамлакат Конституцияси ва конститутсиявий қонунларига барча субектлар томонидан сўзсиз ва оғишмай риоя этилиши, уларнинг талаби қатъий ҳамда аниқ бажарилиши тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев Конституциямизнинг 25 йиллигига бағишланган маърузасида шундай деди: «Канституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамойилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир... Шу нуқтайи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт»1.

Конституциямиз Асосий қонун сифатида, барча қонунларнинг, ҳуқуқий тизимнинг ўзагидир.Ухалқ манфаатини ифода қилади, халқ ҳокимиятчилигини таъминлайди. Унда халқнинг асосий иродаси ва интилиши ҳар томонлама ўз ифодасини топган.Оммавий ахборот воситаларида Конституциянинг мазмуни, моҳияти, жамият ҳаётида тутган ўрни, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамиятини ёритиш кенг ўрин эгаллади.

Шундай қилиб, Конституция жамият ҳаётида қонунийликка риоя этилишининг негизи ҳисобланади. Фуқароларнинг умумий маданий савияси, давлат аппарати хизматчиларининг ҳуқуқий билим даражасининг юксаклиги, Конституцияни ўрганиш, унда мужассамланган ғоя ва талабларни аҳоли, айниқса, ёшлар онгига сингдириш қонунийликни таъминлашнинг муҳим омилидир.

Ҳуқуқни билиш ва англаш ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйиш учун қуйидаги топшириқлар берилиши мумкин. Ҳуқуқий саводхонлик дастлаб конститутциявий қоидаларни ўрганишдан бошланади.

1 Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi. – T., 2007. – 855-bet.

Ақлий ҳужум усули

Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши, бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас (15-16-моддалар).Қонунийликнинг белгиларидан бири бўлган барча ҳуқуқ субектлари учун қонун талабларининг истисносиз мажбурийлигини жамиятдаги демократик тенг ҳуқуқлилик принципидан ажратиб бўлмайди. Қонун ҳамма учун жорий қили¬нади. Қонун олдида ҳамма тенг. Қонунни бажармаганлик ёки бузганлик учун ким бўлишидан қатъи назар, жавобгарликка тортилади ва бунинг учун у асос ҳисобланади.

1. «Инсерт» техникасидан фойдаланиб матинни ўқиб чиқинг.

2. Олинган маьлумотни тизимлаштиринг –матнда белгиланганларни мос келадиган "устунларга"жойлаштиринг. **Б/Б/Б (Биламан/Билишни истайман/Билдим) жадвали**

Биламан	Билишни истайман	Билдим

Тушунчалар таҳлили жадвалини тўлдириб келиш.

Тушунчалар	**Мазмуни**
	?
	?
	?
	?
	?
	?

Тушунчалар	Мазмуни
Ҳуқуқ	
Конститутция Асосий қонун	
Қонун	
Қонун устуворлиги	
Ҳуқуқ устунлиги	
Фуқаро	

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.Ўзбекистон 2018.

2. Мирзиёев Ш.М. Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз,мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил 8 декабрь.

3. Ўзбекистон Республикасида юридик таьлим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирдлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси президентининг фармони.Т. Ўзбекистон 2020.30.04

4. ОдилқориевХ.Давлат ва ҳуқуқ назарияси.Дарслик.– Т.: Адолат,2018.

5. Islomov Z.M. Davlat va huquq nazariyasi. - T., 2007. - 855-bet.

БЮДЖЕТ ВА СМЕТА-ИНТИЗОМИНИ БУЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИ ТАВСИФИ

Салимова Гулрух Мамаюсуфовна
Ҳуқуқшунос.
Телефон:+998(90) 911 12 04
gulruxsalimova@gmail.com

Аннотация:Мазкур мақолада бюджет ва смета-штат интизомини бузиш жиноятининг субъекти тушунчаси, умумий жиноят субъектига хос бўлган белгилардан ташқари, мазкур жиноят субъекти учун мажбурий ҳисобланадиган қўшимча белгилар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бюджет, смета-интизомини бузиш, жиноят, жиноят субъекти, махсус субъект, мансабдор шахс, жиноят субъекти ёши.

Ҳар қандай жиноят таркибининг мажбурий элементларидан бири жиноят субъекти, яъни жиноят содир этган шахсдир. Ижтимоий хавфли қилмишда қонун билан белгиланган жиноят субъекти белгиларининг мавжуд эмаслиги, жиноят таркибининг хам мавжуд эмаслигидан далолат беради. Зеро, жиноятнинг субъекти– жиноят таркибининг тўрт элементидан бири, унинг аҳамиятини ортиқча баҳолаш мумкин эмас, чунки усиз “жиноий жавобгарлик мумкин эмас”[1].

1958 йилдаёқ,ҳуқуқшунос олим В.С.Орлов жиноят субъекти тушунчасига тўлиқ таъриф берган: “Жиноятнинг субъекти – бу ақли расолик ҳолатида ва қонун билан жиноий жавобгарлик вужудга келадиган ёшга етган жиноят содир этган шахс”[2]. Р.Орымбаев, кўп ҳолларда юқоридаги таърифни қайтарган ҳолда, жиноятнинг умумий субъекти тушунчасига қуйидагича таъриф беради: “ақли расо, маълум бир ёшга етган ва Жиноят кодекси махсус қисми конкрет моддаси билан мустаҳкамланган хусусиятларга эга, жисмоний шахс”. Шу билан бирга, Р.Орымбаевнинг мазкур таърифи нафақат субъект тушунчасига, балки махсус субъект таърифини хам қамраб олади[3]. И.М.Тяжкованинг фикрига кўра, “жиноят ҳуқуқи бўйича жиноятнинг субъекти қасддан ёки эҳтиётсизликдан жиноят қонунида белгиланган ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс бўлиши мумкин, агар у белгиланган ёшга етган, ақли расо, алоҳида ҳолларда тегишли нормада кўрсатилган махсус хусусиятларга эга бўлиши лозим”[4; 265]. Берилган таърифлар етарлича асослантирилган ва батафсил деб ҳисоблаймиз.

А.М.Лазарев таъкидлашича, жиноятнинг махсус субъекти – бу “шахс, зарур белгилардан ташқари (ақли расолик, маълум ёшга етиш), алоҳида қўшимча хусусиятларга эга бўлади”[5]. В.Г.Павловнинг таъкидлашича, жиноят субъекти ҳуқуқий ва аниқ тавсиф сифатида жиноий қилмиш содир этган шахснинг жиноий жавобгарликни асослантириш учун зарур хусусиятлар билангина чегараланган ва бу хусусиятлар энг аввало алоҳида турдаги жиноятларни содир этилишининг ўзига хослиги билан белгиланади[12]. Шу сабабли, жиноят қонуни матнида бевосита махсус субъект белгилари ифодаланган бўлсагина, жиноятнинг махсус субъекти мавжудлиги тўғрисида фикр юритиш мумкин. Шубҳасиз, юқорида таъкидланганидек, мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (бундан кейин матнда — ЖК деб юритилади)184[1]-моддасига хам тегишли ҳисобланади. ЖКнинг 184[1]-моддаси биринчи қисми диспозициясига мувофиқ, бюджет интизомини бузиш жинояти субъекти бу бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган мансабдор шахсдир.

ЖКнинг 184[1]-моддаси диспозицияси бланкет бўлганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси 187 ва 188-моддаларида бюджет ва смета-штат интизомини бузиш жиноятининг объектив томони ўз аксини топган бўлиб, қуйидаги ҳаракат ва ҳаракатсизликларни амалга ошириш имконияти (ҳуқуқ ёки мажбурият)га эга бўлган шахслар мазкур жиноятнинг субъекти саналади:

- давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотла-

рининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини уларни олиш ёки фойдаланиш шартларига мувофиқ бўлмаган мақсадларга молия йили давомида йўналтириш;

- меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақига қўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этмасдан молия йили давомида тўловларни амалга ошириш;

- нотўғри маълумотлар асосида ва нормативларга нисбатан ошириб кўрсатилган бюджетдан ажратиладиган маблағларни харажатлар сметасига киритиш;

- ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига риоя этмаслик;

- бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этмаслик;

-тарификация рўйхатларини тузишнинг белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этмаслик[6].

Демак,ЖКнинг 184[1]-моддасига кўра, жиноятнинг субъекти давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари, маблағларини молия йили давомидатақсимлаш ҳамда сарфлаш, шунингдек, штат-смета интизомига риоя этилиши учун масъул бўлган шахсдир.

ЖКнинг 17-моддасида "Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар" деб белгиланган. Кўпчилик миллий жиноят ҳуқуқи доктринаси вакиллари ҳозирги кунда жиноятнинг субъекти сифатида фақат инсонни, яъни жисмоний шахсни тан олиш мумкин деб таъкидлашади. Н.С.Таганцевнинг таъкидлашича, "жиноятнинг субъекти сифатида фақат жисмоний шахс тан олиниши мумкин"[7]. Мазкур нуқтаи назар амалдаги жиноят қонунида хам ўз аксини топган. Бироқ, илмий оламда юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш зарурлиги тўғрисида фикрлар хам йўқ эмас. В.Б.Волженкин, С.Г.Келина, А.В.Наумов, А.С.Никифоров ва бошқа бир қатор муаллифлар ўз ишларида юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқлигини ва амалий аҳамиятга эканлигини таъкидлашади[8].

Ҳар қандай жиноят субъекти эга бўлиши керак бўлган иккинчи белги, бу – ақли расоликдир. И.Я.Козаченко эътирофига кўра, бу "жиноий жавобгарликнинг мажбурий белгиси ҳисобланади. Ақли норасолик фақат бир ҳолатда жиноий жавобгарликни истисно этади, агар шахс шу ҳолатда жиноят содир этган бўлса"[9].

Ақли расолик тушунчаси ЖКнинг 18-моддаси биринчи қисмида ўз аксини топган бўлиб, унга кўра: "жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини англаган ва ўз ҳаракатларини бошқара олган шахс ақли расо деб топилади". Мазкур таъриф нисбатан ниҳоятда тор бўлиб, мазкур модданинг иккинчи қисмида ақли норасолик тушунчасига таъриф берилмаган бўлса-да, аммо "ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқара олмаган шахс жавобгарликка тортилмайди" деб мустаҳкамланган.

Шундан келиб чиқиб, ақли расолик деганда, шахс ҳаракатларининг ижтимоий хавфлилигини англаш ва уларни бошқара олиш хусусияти тушунилади[4; 278-279]. Мазкур таърифдан кўриниб турибдики, ақли расолик бевосита ирода эркинлиги билан боғлиқ бўлиб, у "хам қасддан, хам эҳтиётсизликдан содир этилган қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қилади"[10].

Жиноий жавобгарлик вужудга келиш ёшига етиш – жиноят субъектининг учинчи муҳим белгиси ҳисобланади. А.М.Лазарев адолатли таъкидлаганидек: "руҳий ва жисмоний жараёнларнинг ўзига хослиги сабабли инсон ҳаётининг турли даврларида атроф-табиий муҳитга турлича муносабатда бўлади. Шунинг учун давлат жиноий жавобгарлик ёшини ўзбошимчалик билан эмас, балки шахснинг ривожланиш хусусиятлари асосида ҳал қилади"[11]. Шу сабабли, миллий жиноят қонунчилигида вояга етмаганлар тўртта ёш гуруҳига ажратилган: 1) 13 ёшгача бўлган болалар; 2) 13 ёшдаги вояга етмаганлар; 3)14 дан 16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар;

4) 16 дан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар.

Биринчи гуруҳ вакиллари ҳеч қандай вазиятда хам жиноий жавобгарликка тортилмайди. ЖКнинг 17-моддаси учинчи қисмида қонун чиқарувчи бир қатор жиноятлар бўйича жиноий жавобгарлик вужудга келиш ёшини анъанавий 16 ёшдан 14 ёшга туширади. Мазкур қадам сабаби батамом аниқ. Бу энг аввало, ижтимоий хавфлилик даражаси кўп ҳолларда ўн тўрт ёшдан анча аввал англанадиган жиноятларга нисбатан амалга оширилган"[5].Ўн уч ёшни жиноий жавобгарлик бошланишининг "бўсағаси" сифатида белгиланиши вояга етмаганларнинг ижтимоий-руҳий ривожланиши даражасига мос ҳисобланади.

Ўн олти ёшли шахс, яшаган йиллар давомида маълум ижтимоий тажриба эга бўлади, қоида тариқасида ўрта таълимни олиб, жамиятнинг қадриятларини англай олади, тўғри ҳар доим хам уларга қўшилмаслиги мумкин. Айнан шу сабабли, умумий жиноий жавобгарлик ёши – 16 ёш қилиб белгиланган.

ЖКнинг 17-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, бюджет ва смета-штат интизомини бузиш(1841-моддаси) жиноятининг субъекти 16 ёш деб белгиланган. Фикримизча, 1999 йилда бюджет тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик (криминализация) белгиланишидан бугунги кунга қадар 16 ёшдан 18 ёшгача бирорта шахс жиноий жавобгарликка тортилмаган. Зеро, махсус мансабдорлик жиноятининг субъектини 16 ёш деб белгиланиши фикциядан бошқа нарса эмас. ЖКнинг 17-моддаси тўртинчи қисмига кўра, айрим жиноятлар бўйича жиноий жавобгарлик шахс вояга етгандан сўнг, яъни ўн саккиз ёшдан вужудга келиши мумкин.

Бюджет ва смета-штат интизомини бузиш(ЖКнинг1841-моддаси) жинояти таркиби ЖКнинг XII боби ("Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар")га киритилса-да, мансабдорлик жиноятларидан бири ҳисобланади[10].

Илмий адабиётлардаги умумий фикрга кўра, ЖКнинг 1841-моддасида назарда тутилган жиноятнинг субъекти – махсус, чунки жиноят субъектларига қўйилган умумий талаблардан ташқари, "мансабдор шахс қонунда махсус назарда тутилган алоҳида хусусиятларга эга бўлиши лозим"[11]. А.М.Лазаревнинг фикрига кўра, жиноятнинг махсус субъекти – бу шахс, зарур хусусиятлардан ташқари(ақли расолик, маълум ёшга етиш), махсус алоҳида қўшимча хусусиятларга эга бўлиши лозим[5]. Бюджет ва смета-штат интизомини бузишнинг умумий субъектига хос бўлган белгилардан ташқари, у мазкур жиноят таркиби учун мажбурий ҳисобланадиган қўшимча белгилар билан хам тавсифланади. Олимлар мансабдорлик жиноятлари, шу жумладан бюджет интизомини бузиш бўйича шахсни субъект деб топиш учун қонунда кўрсатилган ёки назарда тутилган муайян қўшимча (махсус) белгиларни аниқлаш талаб этилишини таъкидлайдилар. Мазкур белгилар аниқланган ҳолдагина жиноят содир этган шахс махсус субъект сифатида белгиланиши мумкин. Жиноятнинг махсус субъекти – жиноят субъекти зарурий белгиларидан ташқари яна Жиноят кодекси махсус қисми моддаларида белгиланган ва шу жиноятлар учун зарурий белги бўлган қўшимча белгилари хам мавжуд бўлган субъектдир.

Фикримизча, махсус субъект белгилари бевосита Жиноят кодекси матнида мустаҳкамланган тақдирдагина махсус субъект мавжудлиги ҳақида гапириш мумкин. Бироқ, ЖКнинг 1841-моддаси матнида жиноятнинг субъекти хусусиятлари ўз аксини топмаган. Мазкур жиноятнинг субъекти ўн олти ёшга тўлган ва махсус белгиларга эга бўлган бюджет ташкилотларининг мансабдор шахсларидир[13].

ЖКнинг VIII бўлимига мувофиқ, мансабдор шахс бу доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинланадиган ёки сайланадиган, ҳокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалга оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс ҳисобланади.

А.И.Рарогнинг таъкидлашича, бюджет маблағларини мақсадга номувофиқ сарфлашнинг

субъекти бюджет маблағлари олувчисининг мансабдор шахси бўлиб, унинг ваколатларига бюджет маблағларини сарфланиши устидан назоратни амалга ошириш киради[14]. Бироқ, мазкур таъриф бизга тўғри келмайди, чунки ЖКнинг 1841-моддасида жиноятнинг конкрет субъекти кўрсатилмаган.

Қолаверса, сўнгги йилларда хорижий мамлакатлар жиноят қонуни таҳлили бўйича жиноят субъекти хусусиятларининг аниқ белгиланиши тенденциясини кузатиш мумкин. Айрим давлатларда бу ниҳоятда кенг (Хитой) ёки ниҳоятда тор (Россия Федерацияси) ифодаланган бўлсада, жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган субъектларнинг доираси аниқ белгиланмаганлиги бу борада ягона суд-тергов амалиётини шаклланишига тўсқинлик қилади.

Хулоса қилиб айтганда, ЖКнинг 1841-моддаси биринчи қисми диспозициясида мазкур жиноят субъекти хусусиятлари ўз аксини топса ва мазкур жиноят учун жавобгарликка тортиш субъектининг ёшини 18 ёш деб белгиланишимақсадга мувофиқ бўлар эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Наумов А.В. Российское уголовное право. Общая часть. Курс лекций. - М.: Издательство БЕК, 1996. -С. 179.
2. Орлов В.С. Субъект преступления по советскому уголовному праву. - М.: Госюриздат, 1958. - С. 29.
3. Орымбаев Р. Специальный субъект преступления. - Алма-Ата: Наука, 1977. - С. 25.
4. Курс уголовного права. Общая часть. Том 1: Учение о преступлении. Учебник для вузов. Под ред. доктора юридических наук, профессора Н.Ф.Кузнецовой и кандидата юридических наук, доцента И.М.Тяжковой. - М.: ИКД «Зеркало-М», 2002. - С. 265; 278-279.
5. Лазарев А.М. Субъект преступления. - М.: ВЮЗИ, 1981. - С. 9.
6. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 52-I-сон.
7. Таганцев Н.С. Курс уголовного права. Вып. 1.-СПб., 1874.-С. 21.
8. Наумов А.В. Предприятие на скамье подсудимых. // Советская юстиция. - 1992. - №17-18.-С.3.
9. Уголовное право России. Часть общая: учебник для вузов / Отв. ред. проф. Л.Л.Кругликов. - М.: Издательство БЕК, 2000. - С. 182.
10. Кузнецов П. Субъекты должностных преступлений. // Законность. - 1999. - № 10. - С. 56.
11. Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. - Киев: Наукова думка, 1978. - С. 87.
12. Павлов В.Г. Субъект преступления в уголовном праве. - СПб.: Санкт-Петербургская юридическая академия, «Издательский Торговый Дом «Герда», 1999. - С. 24.
13. М.Ҳ.Рустамбоев, Б.Ж.Ахраров. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни квалификация қилиш муаммолари (Ўқув қўлланма). ТДЮИ. 2006 йил. Бет 178-189.
14. Уголовное право России. Части Общая и Особенная: Учеб. / М.П.Журавлев, А.В.Наумов и др. - 5-е изд., перераб. и доп. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. - С. 592.

XALQARO MEHNAT TASHKILOTINING MAJBURIY MEHNATGA DOIR KONVENSIYALARINING HUQUQIY MAQOMI VA O‘ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Usmanov Quvonchbek Muzaffar o‘g‘li
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti magistranti
quvonchbek.usmon@gmail.com
+998977428688

Annotatsiya. Ushbu tezisda majburiy mehnatga doir konvensiyalarning xalqaro huquqiy maqomi, ularga qo‘shilish, ratifikatsiya va denonsatsiya qilish masalalari yoritilgan. Shuningdek, konvensiyalarning kuchga kirishi, amal qilishi va tuzatishlar kiritish tartibi o‘rganilgan.

Kalit so‘zlar: majburiy mehnatga doir konvensiyalar, protokol, ratifikatsiya, xalqaro shartnomaning kuchga kirishi, implementatsiya qilish, denonsatsiya, Xalqaro mehnat byurosi (XMB).

BMTning ixtisoslashgan tashkilotlari xalqaro huquqiy tizimning rivojiga huquqni vujudga keltirish, norma ijodkorligi jarayonida ishtirok etish orqali ta’sir etadi.1986-yilgi Davlatlar va xalqaro tashkilotlar o‘rtasida yoki xalqaro tashkilotlar o‘rtasidagi shartnomalar huquqi to‘g‘risidagi Vena konvensiyasining 6-moddasiga ko‘ra, xalqaro tashkilotlarning shartnomalarni tuzishga bo‘lgan huquqiy layoqati ushbu tashkilotlar qoidalarida belgilab qo‘yiladi. Xalqaro mehnat tashkiloti (XMT) Ustaviga ko‘ra, Bosh konferensiyada kun tartibidagi biror masala yuzasidan takliflar qabul qilinsa, bu taklifga xalqaro konvensiya yoki tavsiya shakli beriladi (*19-modda*). Xalqaro shartnomaning o‘zi uchun majburiyligini tasdiqlashda davlatlar bir necha usullardan foydalanadi.XMT konvensiyalarida rozilik ratifikatsiya qilish orqali ifodalanishi belgilangan.

XMTning fundamental konvensiyalaridan biri bo‘lgan*Majburiy mehnat to‘g‘risidagi 29-sonli Konvensiya*1930-yilning 28-iyunida qabul qilindi.Konvensiya muqaddima va 33 moddadan iborat. U majburiy mehnatga doir moddiy normalarni, tushunchalarni vao‘zining xalqaro-huquqiy maqomi, ratifikatsiya qilish, kuchga kirishi, bajarilishi, bekor qilinishi, tugashiga oid protsessual normalarni o‘z ichiga oladi.Konvensiyani ratifikatsiya qilgan davlat uni o‘z hududida qo‘llashga majburdir.Konvensiyani ratifikatsiya qilgan barcha a’zo davlatlar eng qisqa ehtimoliy muddatda majburiy mehnat va uning barcha shakllarini tugatish majburiyatini oladi (*1-modda*). Konvensiyada majburiy mehnat tushunchasi va uning shakllari bayon qilingan (*2-modda*). Majburiy mehnatdan noqonuniy foydalanish jinoiy javobgarlikka tortish uchun asos bo‘lishi hamda ratifikatsiya qilgan davlat bu borada munosib va qat’iy jazolar belgilashi shart (*25-modda*).

29-sonli Konvensiyaning ratifikatsiya yorliqlari XMB Bosh direktoriga ro‘yxatga olish uchun yuboriladi. XMT konvensiyalari faqatgina ularni ratifikatsiya qilgan davlatlarni bog‘lab turadi (*XMT Ustavi, 20-modda*). Konvensiyaning 28-moddasi bu qoidani to‘ldiradi: ratifikatsiya yorliqlari XMBda ro‘yxatga olingan a’zo davlatlarni bog‘lab turadi.Mazkur konvensiya ikkita a’zo davlatning ratifikatsiya hujjatlari ro‘yxatga olingandan 12 oy o‘tgach kuchga kirishi qayd etilgan *(1932-yilning 1-mayida kuchga kirgan)*. Konvensiyani ratifikatsiya qilgan davlatlar uchun u ratifikatsiya yorliqlari ro‘yxatga olingandan 12 oy o‘tib kuchga kiradi. Hozirgacha 178 davlat ushbu konvensiyani ratifikatsiya qilgan.

29-sonli Konvensiya har 5 yillik davr tugagach denonsatsiya qilinishi mumkin. Buning uchun XMB Bosh direktoriga denonsatsiya hujjatini ro‘yxatga olish uchun yuborish lozim. Denonsatsiya hujjati ro‘yxatga olingandan so‘ng bir yil o‘tib denonsatsiya kuchga kiradi. Konvensiyaning 33-moddasiga binoan ingliz va fransuz tilidagi matnlar autentik hisoblanadi. Matnning autentikligi tasdiqlangach, manfaatdor a’zo davlatlar uni boshqa tillarga tarjima qilishni so‘rashga haqlidirlar. Rasmiy tarjima uchun XMB Bosh direktori javobgar sanaladi.

Majburiy mehnatga doir konvensiyalarni implementatsiya qilishdagi bo‘shliqlar majburiy mehnatga to‘la barham berishga erishish yo‘lida qo‘shimcha chora-tadbirlar ko‘rishni taqozo qildi. Shuning uchun, xalqaro hamjamiyat 29-sonli Konvensiyaga o‘zgartirish kiritish kerakligiga to‘xtaldi va unga *29-sonli Konvensiyaga Protokol (P29)* orqali tuzatish kiritdi. Majburiy mehnat qurbonlarini himoyalash va ularga kompensatsiya berish, muammoning ko‘lami o‘ylangandan

ko‘ra kengroq ekanligini tan olish Protokolning o‘ziga xos jihatidir. Protokolda majburiy mehnat qurbonlariga alohida e’tibor qaratilgani diqqatda sazovordir. Himoyalash va kompensatsiya berishni nazarda tutuvchi maxsus vositalarni qurbonlarning huquqiy maqomlaridan qat’iy nazar qo‘llash nazarda tutildi. Mazkur protokolni majburiy mehnatga qarshi xalqaro norma ijodkorligining hozirgi davr nuqtayi nazaridan oltin standarti deyish mumkin.E’tiborlisi, 29-sonli Konvensiyada aks ettirilgan o‘tish davri allaqachon tugagani va 1-moddaning 2–3-qismlarini, 3–24-moddalarni ortiq qo‘llab bo‘lmasligi belgilangan.

Shu kungacha 29-sonli Konvensiyaga Protokolni 45 davlat ratifikatsiya qildi va Protokol 2016-yil 9-noyabrdan kuchga kirdi. Protokol yuzasidan O‘zbekistonRespublikasiningratifika tsiya yorlig‘i 2019-yilning 16-sentabrida ro‘yxatga olingan va mazkur Protokol 2020-yilning 16-sentabridan biz uchun kuchga kiradi.

Majburiy mehnatga qarshi xalqaro huquqning yana bir tarkibiy qismi –*Majburiy mehnatni tugatish to‘g‘risidagi 105-sonli Konvensiya*1957-yil 25-iyunda qabul qilingan. Hozirgi kungacha konvensiyani 175 davlat ratifikatsiya qilgan, O‘zbekiston esa 1997-yil 30-avgustda ratifikatsiya qilgan.105-sonli Konvensiya muqaddima va 10 moddadan iborat. Konvensiyaning dastlabki moddalari moddiy normalardan iborat bo‘lib, 1-moddaga binoan shu konvensiyani ratifikatsiya qiladigan har bir a’zo davlat majburiy mehnatga barham berish va uning biron-bir shaklidan foydalanmaslik majburiyatini oladi.

Majburiy mehnatning shakllari sifatida quyidagilar ko‘rsatilgan:*a)o‘rnatilgan siyosiy, ijtimoiy va iqtisodiy tizimga zid qarashlarga egaligi yoki ularni ifodalaganligi uchun tarbiya yoki siyosiy majburlash vositalari yoxud jazo sifatida; b) iqtisodiy o‘sish maqsadlarida ishchi kuchini safarbar qilish yoki undan foydalanish metodi sifatida; c)mehnatintizomini saqlash vositasi sifatida; d) ish tashlashda qatnashganlik uchun jazo sifatida;e)irqiy, ijtimoiy, milliy yoki diniy kamsitish vositalari sifatida.*Konvensiyani ratifikatsiya qilgan a’zo davlat majburiyatlarini kafolatlash uchun ta’sirchan choralarni qo‘llashi shart (*2-modda*).

105-konvensiyaning protsedural normalari uni ratifikatsiya qilish, uning kuchga kirishi, denonsatsiya masalalari, xabardor qilish tartibi, matn autentikligi, konvensiya ijrosini monitoring qilish kabilarni qamrab olgan. Jumladan, 3-moddada belgilanishicha, konvensiyaning rasmiy ratifikatsiya hujjatlari XMB Bosh direktoriga ro‘yxatga olish uchun yuboriladi. Ratifikatsiya hujjatlarini ro‘yxatdan o‘tkazgan a’zo davlatlar uchungina konvensiya majburiy kuchga ega hisoblanadi. 2ta ratifikatsiya yorliqlari Bosh direktor tomonidan ro‘yxatga olingandan so‘ng 12 oy ichida konvensiya kuchga kirishi belgilangan (*4-modda*) va u 1959-yilning 17-yanvaridan kuchga kirgan. Konvensiyani keyinroq ratifikatsiya qilgan a’zo davlatlar uchun ularning ratifikatsiya yorliqlari ro‘yxatga olingandan boshlab 12 oy ichida kuchga kiradi.

105-sonli konvensiya har 10 yillik muddat tugashi bilan denonsatsiya qilinishi mumkin. Buning uchun denonsatsiya hujjati XMB Bosh direktoriga ro‘yxatga olish uchun yuboriladi. Ro‘yxatga olingandan so‘ng bir yil o‘tib denonsatsiya kuchga kiradi. Konvensiyani denonsatsiya qilishning navbatdagi vaqti 2029-yil 17-yanvardan 2030-yil 17-yanvargachani tashkil qiladi. XMB Ma’muriy kengashi zarur deb topgan paytlarda Bosh konferensiyaga Konvensiyaning ishlashi haqida hisobot taqdim etadi.

Xulosa qilib aytganda, XMTning yuqoridagi konvensiyalari a’zo davlatlarga majburiy mehnatga barham berish majburiyatini yuklaydi va bu boradagi xalqaro norma ijodkorligining yaqqol namunasi bo‘lib qoladi. Ularga qo’shilish, bajarish yoki chiqish shartlari XMT faoliyatiga mutanosib ravishda belgilangan.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yxati:

1. ILO Constitution // URL: https://www.ilo.org/dyn/normlex/
2. Венская конвенция о праве договоров между государствами и международными организациями или между международными организациями // URL: http://base.garant.ru/2541089/
3. Конвенция №105 об «Упразднении принудительного труда» // URL: https://lex.uz/docs/2686384
4. Ratifications of C029 - Forced Labour Convention, 1930 (No. 29) URL: https://www.ilo.org/dyn/normlex/
5. Ratifications of C105 - Abolition of Forced Labour Convention, 1957 (No. 105)//URL: https://www.ilo.org/dyn/normlex/
6. P029 - Protocol of 2014 to the Forced Labour Convention, 1930 // URL: https://www.ilo.org/dyn/normlex/
7. Treaty Handbook. United Nations. 2002-2012. Revised edition of 2012.

АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА МЕҲНАТГА ОИД ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

Ҳамдамова Дилрабо Равшанбек қизи
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Академиясининг магистратура тингловчиси
Телефон:+998(99) 300 27 40
E-mail: hamdamova92@inbox.ru

Анотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан аҳолини иш билан таъминлаш ва ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқларига риоя қилиниши устидан прокурор назоратини амалга оширишда юзага келаётган муаммолар, уларнинг асл сабаблари ва ечимларига оид масалалари ўрин олган.

Калит сўзлар: иш қидирувчи, қўшиб ёзиш, давлат буюртмаси, қонунлар ижроси устидан назорат, юридик хизмат, йирик лойиҳалар.

Юртимизда аҳолини муносиб шароитларда яшаши ва иқтисодий аҳволини яхшилаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан тақдим қилинган маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 1 октябрь ҳолатига иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинган 484,3 минг нафар фуқаролар иш билан таъминланган.

Бандлиги таъминланганларнинг 267,5 минг нафари доимий ишларга ҳамда 216,8 минг нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилган.

Ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида ўтказилган ярмаркалар натижасига кўра 46,7 минг нафар шахсларга ишга кириш учун йўлланмалар берилган.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун заҳираланган иш ўринларига 72,7 минг нафар фуқаролар ишга жойлаштирилган.

Ўтган йилнинг 9 ойида Давлат буюртмасига асосан янги иш ўринларини яратиш режаси 119,8 фоизга (266 331 та) ҳамда 2018 йилда 107,3 фоизга (372 091 та) бажарилган.

Ушбу рақамлар қай даражада тўғри? Ҳақиқатдан ҳам қайд қилинган аҳолининг бандлиги таъминланганми?

Ана шу саволларга жавоб олиш учун прокуратура органлари томонидан янги иш ўринларини яратиш ҳамда банд бўлмаган фуқароларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилишига оид қонун ҳужжатлари ижроси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ўрганилган.

Текширишлар вазирлик ҳамда унинг қуйи тизимлари масъул ва мансабдор шахслари томонидан соҳага оид қонунчилик ижросини лозим даражада таъминламаслик, вазифаларига лоқайдлик билан ёндашиш, янги иш ўринлари яратиш, иш билан банд бўлмаган фуқароларни ишга жойлаштириш, касбга тайёрлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалаларига эътиборсизлик билан қараш, ҳисоботларга қўшиб ёзиш, мурожаатларни кўриб чиқмаслик каби ҳолатларга йўл қўйиб келинган.

Айни вақтда, соҳада “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2018 йилдаги “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3506-сонли ҳамда 05.03.2019 йилдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сонли қарорлари талаблари бузилган.

Хусусан, Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари томонидан янги иш ўринларини

яратиш бўйича 2018 йилги Давлат буюртмаси ижроси юзасидан иш ўринлари яратилганлиги ҳақида 17 583 та, 2019 йилда Давлат дастури ижроси бўйича 5 009 та ҳақиқатда яратилмаган иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Давлат дастури ижроси юзасидан ўтказилган текширишда 17 583 та, шундан саноат йўналишида 4 872, қишлоқ хўжалигида 3 468, хизмат кўрсатиш ва сервисда 3 003, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш 2 783, қишлоқ жойларида арзон уй-жойлар, кўп қаватли турар-жойлар ва йўл муҳандислик инфратузилма қурилиши ҳисобига 1468, ижтимоий соҳа инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 992, инвестиция лойиҳалари ва аввал хусусийлаштирилган корхоналарни ривожлантириш ҳисобига 503, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 494 та яратилмаган янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Хусусан, Сирдарё (4 733), Самарқанд (4 423), Хоразм (3 932), Қашқадарё (994), Қорақалпоғистон Республикасида (920), Жиззах (986), Наманган (677), Фарғона (422), Тошкент (254), Бухоро (205), Навоий (19) ва Тошкент шаҳрида (18) амалда яратилмаган янги иш ўринлари ҳисоботларга қўшиб ёзилган.

Ўтган йилда йирик лойиҳаларни белгиланган муддатларда амалга оширилмаганлиги сабабли, 1 249 та иш ўринлари яратилмасдан қолган.

Жумладан, Сурхондарё 441, Самарқанд 274, Хоразм 247, Навоий 170, Тошкент вилояти 85, Жиззах ва Андижон вилоятларида 16 тадан иш ўринлари яратилмаган.

Ишга тушмаган лойиҳалар бўйича туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан ишчи гуруҳи раҳбарига ёзма маълумот тақдим қилинмаган.

Прокуратура органлари томонидан қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишларда жорий йилда 11 509 (6 874) та меҳнатга оид қонунбузилиши ҳолатлари аниқланган.

Ачинарлиси, юқоридаги қонунбузилиши ҳолатларига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимида ҳам йўл қўйилган.

Биргина Бош прокуратуранинг 2019 йил 2-ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан ўтказилган текширишларда прокурор протестлари асосида қонунга зид бўлган 83 та ҳужжат бекор қилинган ёки қонунга мувофиқлаштирилган, аниқланган қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тегишли идораларга 214 та тақдимнома киритилган. Прокурор қарорлари ва тақдимномалари асосида 307 нафар мансабдор шахслар интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонун бузилиши ҳолатлари юзасидан 9 та жиноят ишлари қўзғатилган.

Давлат ва жамоат манфаатларига етказилган 90,4 млн. сўм зарар ихтиёрий ундирилди ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб, 690 млн. сўм ҳақдорлигини ундириш юзасидан судларга 392 та даъво ариза киритилган.

Натижада 1 250 нафар шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишига эришилган.

Аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тақдимнома киритилган.

Бироқ, қўшиб ёзиш ва ҳақиқатда муносиб иш ўринлари яратилмаганлиги оқибатида ишга жойлаштирилмасдан қолган аҳолини аҳволи нима бўлди?

Ҳар йили прокуратура органлари томонидан бу соҳада текшириш ўтказилади, қонунбузилишлари аниқланади ва масъул шахслар интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин яна шу каби қонунбузилишлари кейинги йил яна содир қилинади, масъул ташкилотлардан бундан ўзларига тегишли хулоса чиқармайдилар.

Демак, жавобгарликка тортиш бу муаммони ечими эмас.

Асосий муаммолардан бир бу – энг муҳим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг ҳозирги замон талабларга жавоб бермаслигидир. Аҳолини иш билан таъминлашга оид муносабатларни тартиба солувчи асосий - “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонун бундан 22 йил олдин, яъни 1998 йил 1 май янги таҳрирда қабул қилинган. Қонунда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳавола моддалар кўп, бу ўз навбатида турли зиддиятларга ҳам сабаб бўлади. Ушбу Қонунни соҳа мутахассислари ва тажрибали амалиёт-

чи ходимлар иштирокида кўриб чиқиш лозим. Қонунни халқчиллигини таъминлаш учун аҳоли ўртасида иштимоий сўровномалар ўтказиш мақсадга мувофиқ. Қоғоз билан ишлаш усулидан воз кечиш ва электронлаштирилган тизимни яратиш ҳамда тўлақонли фаолият юритишини ташкил қилиш керак

Бизга маълумки, меҳнатга оид энг кўп қонунбузилишлари айнан таълим муассасаларида кузатилади. Оқибатда ушбу муассаса ходимларидан прокуратура, суд ва бошқа муассасаларга кўплаб шикоят мазмунидаги мурожаатлар келиб тушади.

Хўш бунга сабаб нима?

Мамлакатимизда 10 мингга яқин мактаб, 14 мингдан ортиқ мактабгача таълим муассасалари, уларда жами 590 мингга яқин ишчи-ходимлар меҳнат фаолиятини олиб боради.

Афсуски, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида кадрлар бўйича ёки юридик хизмат хизматлари ходими штати берилмаган.

Чунки, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сонли қарорнинг 5-иловасига кўра, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ва тиббиёт бирлашмаларининг юридик хизматлари ходимлари улар таркибига кирувчи ташкилотларга хизмат кўрсатади.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимида 1 нафар юридик хизмати ходими фаолият олиб боради, бўлимдан ташқари ҳар бир мактабда ўртача 40-100 нафар ходимлар фаолият олиб боради, айрим туман (шаҳар)ларда 20 тага яқин мактаблар фаолият юритса, айримларида 50 дан ортиқ.

Юридик хизмат ходими қанчалик уринмасин бўлим ва унинг таркибидаги муассасаларнинг ҳужжатларини қонунийлигига сифатли баҳо бера олмайди.

Ҳозирда фаолият олиб бораётган директор ва мудирлар педагог бўлиб, улар меҳнат муносабатлари бўйича етарли ҳуқуқий билим ва кўникмаларга эга эмас.

Шу омиллар оқибатида, ходимларнинг меҳнатга оид ҳуқуқлари кўпчилик ҳолларда поймол қилиб келинмоқда.

Хўш бунга қайдай ижобий ечим топиш мумкин?

Ҳар бир мактаб ёки мактабгача таълим муассасасига юридик хизмат ёки кадрлар масаласи бўйича ходим ажратиш керак деган фиркдан йироқмиз.Сабаби, бу давлат молиясига сезиларли салбий таъсир қилади.

Таклифим шундан иборатки, мактаб ва мактабгача таълим муассасасига директор ёки мудир тайинлашда уларнинг меҳнатга оид ҳуқуқий билимларини Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган ҳолда малакавий курс ташкил қилиш ва якуни бўйича назарий ҳамда амалий имтиҳонлардан ўтказиб, ижобий натижаларга эришилгандагина ушбу лавозимга тайинлаш керак.

Фойдаланилганадабиётларрўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 01.05.1998 йилдаги ““Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.02.2018 йилдаги “2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3506-сонли қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.03.2019 йилдаги “2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида”ги ПҚ-4227-сонли қарори;

4. https://uzedu.uz

5.https://mdo.uz

6.https://stat.uz

7. ЎзбекистонРеспубликаси Бош прокурорининг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 166-сонли соҳавий буйруғи;

ВАЖНОСТЬ ПРИНЦИПА НЕПРИМЕНЕНИЯ СИЛЫ И УГРОЗЫ СИЛОЙ В МЕЖДУНАРОДНОМ ПРАВЕ.

Хусниддинов Абдуллох Мухаммаджонович
Магистрант Факультета
Дипломатического и консульского права
УМЭД МИД РУз
Tel. +998946228881
E-mail:abdulloh.xusniddinov@mail.ru

Аннотация. В данной статье подробно рассматривается принцип неприменения силы и угрозы силой в современном международном праве и анализируется его международно-правовая основа. Кроме того, отмечена роль и значение принципа неприменения силы и угрозы силой в Конституции Республики Узбекистан, Уставе ООН, Декларации о принципах международного права, итоговых документах Хельсинкского совета.

Ключевые слова: международное право, принципы международного права, ООН, принцип неприменения силы и угрозы силой.

XALQARO HUQUQDA KUCH ISHLATMASLIK VA KUCH BILAN TAXDID QILMASLIK PRINTSIPINING AHAMIYATI.

Annotasiya. Ushbu maqolada xozirgi davrda xalqaro huquqning kuch ishlatmaslik va kuch bilan taxdid qilmaslik printsipi batafsil o'rganib chikilgan va uning xalqaro-huquqiy asoslari tahlil qilingan. Undan tashqari kuch ishlatmaslik va kuch bilan taxdid qilmaslik printsipining O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi, BMT Ustavi, xalqaro huquq printsiplari to'g'risidagi Deklarasiyasi, Xelsinki Kengashining yakunlovchi hujjatlaridagi o'rni va ahamiyati ko'rsatib berilgan.

Kalit so'zlar: xalqaro huquq, xalqaro huquq printsiplari, BMT, kuch ishlatmaslik va kuch bilan taxdid qilmaslik printsipi.

THE IMPORTANCE OF THE PRINCIPLE OF NOT USING FORCE AND THREATENING BY FORCE IN INTERNATIONAL LAW.

Annotation. This article examines in detail the principle of non-use of force and non-threat of force in international law today and analyzes its international legal basis. In addition, the role and importance of the principle of non-use of force and non-threat of force in the Constitution of the Republic of Uzbekistan, the UN Charter, the Declaration on the Principles of International Law, the final documents of the Helsinki Council.

Keywords: international law, principles of international law, UN, the principle of non-use of force and non-threat of force.

Современные международные отношения становятся все более сложными по форме и содержанию. Реальность, происходящая в нем, может быть охарактеризована одновременно зависимыми процессами, различными сопутствующими. При этом безопасные международные отношения, система отношений данной категории выступает в качестве одного из основных факторов, в которых гарантируется право применение. Негаки-это доказанный факт, что международные отношения, безопасность которых гарантирована, будут развиваться одновременно. В этой связи мы можем выдвинуть вопрос о юрисдикции как такой гарантии. Негаки считает, что гарантии международной безопасности и право применения могут быть двух видов-политические и правовые. И в рамках правовых гарантий, безусловно, важен вопрос юрисдикции.

Развитие правовой системы молодого суверенного государства, в частности законодательства, осуществляется на основе взаимодействия и взаимозависимости с международным правом. Важна роль норм международного права в формировании нормативной базы

суверенного государства. Она оказывает особенно значительное влияние на развитие национального законодательства в таких молодых странах, как Узбекистан. Поэтому наша страна, нацеленная на построение гражданского общества, основанного на демократических принципах, с первых дней своей независимости проводит серьезные реформы в области судебного права. К настоящему времени сформировано национальное законодательство Узбекистана, которое постоянно совершенствуется. Зарубежный опыт и международное право играют важную роль в развитии национального законодательства.

Поскольку изучение передового зарубежного правового опыта и применение наиболее оптимальной для нас его части, а также международных документов, признанных всеми странами, Узбекистан также сближает нашу правовую систему с другими правовыми системами и расширяет возможности сотрудничества с ними в широком масштабе.

Как сказал Президент ШавкатМирзиеев:" конституционный строй, суверенитет, защита территориальной целостности нашей страны от различных угроз, дальнейшее укрепление мира и стабильности является главной гарантией всех наших достижений"[1].

Как известно из истории, его нельзя назвать государством, буквально, если только какая-либо страна, народ не могут защитить свои границы, безопасность и т. д. Страна, гарантирующая свою территориальную целостность и независимость, будет только процветать. [2]

Все принципы внешней политики, закрепленные в Конституции Республики Узбекистан, полностью соответствуют основным принципам международного права.

Принцип международного права не применять силу и не навязывать ее силой также выражен в Конституции нашей страны.

Принцип неприменения силы или угрозы силой в международных отношениях подразумевает, что стороны могут воздерживаться от любых действий, прямо или косвенно выражающих применение силы против других государств. Этот вопрос впервые возник в годы Второй мировой войны, отражая чаяния и надежды народов на установление справедливых международных отношений после войны. Это первый случай, когда закон стал распечаткой международного права и был усилен Уставом ООН.

В соответствии со Статьей IV Устава Организации Объединенных Наций субъекты международного права обязуются действовать на основе принципа неприменения силы и угрозы силой. Декларация» о печати международного права « 1970 года, принятая в соответствии с Уставом ООН, и заключительные документы Хельсинкского совета обогащают этот печатный материал.Обязательство не применять силу является обязательным для всех стран, поскольку поддержание международной безопасности и мира делает обязательным соблюдение этого принципа не только государствами-членами ООН, но и всеми государствами, не являющимися членами организации.

В соответствии с Уставом ООН, не только вооруженные силы, но и применение любой силы против прав человека, то есть угнетение без применения оружия, также запрещено. С особым упором на термин «сила» признается, что применение силы представляет собой серьезную угрозу миру. В пункте 4 статьи 2 Устава прежде всего говорится о запрещении применения Вооруженных сил.[3]

В заключительном документе ОБСЕ прямо говорится, что государства-члены должны «воздерживаться от любых проявлений применения силы с целью принуждения другого государства-члена», «от влияния любого самого экономического принуждения»[4]. Все это, несомненно, свидетельствует о том, что применение незаконной силы в любой фор-

[1] Послание Президента Республики Узбекистан ШавкатаМирзиееваОлийМажлису Республики Узбекистан. Газета «Народное слово», 29 декабря 2018 г., № 271-272 (722-7230)

[2] Она посвящена изучению обращения Президента Республики Узбекистан ШавкатаМирзиеёва к Олий-Мажлису и пропаганде его среди широкой общественности. Научно-популярное руководство. - Т.: «Духовность», 2019. -246 С.

[3] Устав ООН. https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html

[4] Декларация о печатании международного права 1970 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intlaw_principles.shtml

ме строго запрещено нормами современного международного права. [1]Об этом говорится в статьях 42-47 и 51 Устава ООН о случаях законного применения Вооруженных сил, а также 41-и 50-О применении невоенных сил в рамках закона. В этих статьях перечислены следующие способы: «полное или частичное прекращение экономических отношений, железнодорожных, морских, воздушных, почтовых, телеграфных, радиосвязных и других средств связи, приостановление дипломатических отношений».

Устав гласит, что Вооруженные силы могут быть законно использованы государствами в двух случаях, а именно в случаях самообороны (статья 51) и в случаях угрозы мировой безопасности, нарушения мира, прекращения огня или агрессии (статьи 39 и 42), согласно решению Совета Безопасности ООН[2].

Самооборона конкретного государства будет иметь правовую основу только в том случае, если в это же государство вторгается оружие. Когда одно государство предпринимает экономические или политические действия против другого, применение вооруженной силы против первого государства запрещается статьей 51. В таких ситуациях или даже когда проявляется состояние вторжения на территорию государства с оружием, защищаемое государство может применить ответную меру, придерживаясь принципа равной меры против него.[3]

Устав ООН явно не включал полный перечень обязательных мер. Соответственно, Совет Безопасности может также принимать и другие меры, которые конкретно не перечислены в постановлении.

Принцип неприменения силы подразумевает, прежде всего, запрещение агрессивных войн. Поскольку применение вооруженной силы конкретным государством в первую очередь признается агрессивной войной и международным преступлением, оно влечет за собой международную ответственность государств, а также международную уголовную ответственность виновных в этом.

Агрессия квалифицируется юридически как международное преступление в уставах международных военных трибуналов в Нюрнберге и Токио. В послевоенные годы содержание этого принципа также включалось в обязательство государств не поощрять агрессивные войны.

Заключение

В заключение следует отметить, что согласно содержанию принципа неприменения силы, запрещается вторжение на территорию другого государства, путем нарушения норм международного права, репрессивные действия, связанные с применением силы, в том числе, предоставление своих территорий для использования, по усмотрению второго государства, которое намерено осуществить агрессию против третьего государства, запрещаются такие действия, как организация наемнических групп боевиков или поощрение таких действий.

Список использованных источников

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиеева Олий Мажлису Республики Узбекистан. Газета «Народное слово», 29 декабря 2018 г., № 271-272 (722-7230)
2. Она посвящена изучению обращения Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёва к Олий Мажлису и пропаганде его среди широкой общественности. Научно-популярное руководство. - Т.: «Духовность», 2019. -246 б.
3. Устав ООН. https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html
4. Декларация о печатании международного права 1970 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/intlaw_principles.shtml
5. Заключительный документ Хельсинкского совета. https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505
6. Заключительный документ Хельсинкского совета. https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505
7. Устав ООН. https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html

[1] Заключительный документ Хельсинкского совета. https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505
[2] Заключительный документ Хельсинкского совета. https://www.osce.org/ru/ministerial-councils/39505
[3] Устав ООН. https://www.un.org/ru/charter-united-nations/index.html

XALQARO TASHKILOTLAR QOSHIDAGI DAVLATLAR VAKOLATXONALARI FAOLIYATINI TARTIBGA SOLISHNING HUQUQIY ASOSLARI

Karimova V.U.,
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti
Ommaviy huquq va davlat qurilish fanlar
kafedrasi magistranti
vazira.karimova@inbox.ru
+998974472099

Annotatsiya: Maqolada xalqaro tashkilot tushunchasi, faoliyat tamoyillari, uning huquqiy tabiati, vakolatlari va funksiyalari ochib berilgan. Unda davlatlarning xalqaro tashkilotlar qoshidagi doimiy vakolatxonalari tashkil etish, ularning tarkibi va vazifalari ko'rib chiqilgan. Xalqaro tashkilotlar qoshidagi davlatlar vakolatxonalaridagi mavjud o'zgarishlar aniqlangan. Kuzatuv missiyalari va xalqaro tashkilotlarning doimiy vakolatxonalari o'rtasida farqlari ko'rsatigan.

Kalit so'zlar: akkreditatsiya qiluvchi davlat, xalqaro tashkilot, kuzatuvchi, doimiy vakolatxonalar, doimiy kuzatuvchilar missiyasi, davlat.

ПРАВОВАЯ ОСНОВА РЕГУЛИРОВАНИЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПОСТОЯННЫХ ПРЕДСТАВИТЕЛЕЙ ГОСУДАРСТВ ПРИ МЕЖДУНАРОДНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Каримова В.У.,
Магистрант кафедры публичного
права и государственного строительства,
Университет мировой экономики и дипломатии
vazira.karimova@inbox.ru
+998974472099

Аннотация: В статье раскрывается понятие международной организации, принципы деятельности, её юридическая природа, компетенция и функции. В ней рассматривается порядок образования, состав и функции постоянных представительств государств при международных организациях. Определены существующие вариации представительства государств при международных организациях. Приводятся различия между миссиями наблюдателей и постоянными представительствами при международных организациях.

Ключевые слова: аккредитующее государство, международная организация, наблюдатель, постоянные представительства, миссия постоянных наблюдателей, государство.

LEGAL BASIS FOR REGULATING THE ACTIVITIES OF PERMANENT REPRESENTATIVES OF STATES AT INTERNATIONAL ORGANIZATIONS

Karimova V.U.,
Master's degree in Public Law and State Construction Sciences,
University of World Economy and Diplomacy
vazira.karimova@inbox.ru
+998974472099

Annotation: The article reveals the concept of an international organization, principles of activity, its legal nature, competence and functions. It deals with the formation, composition and functions of permanent missions of States to international organizations. The existing variations in the representation of States in international organizations are determined. The differences between observer missions and permanent missions to international organizations are presented.

Key words: accrediting state, international organization, observer, permanent missions, permanent observer mission, state.

Zamonaviy xalqaro munosabatlarning o'ziga xos belgilaridan biri bu xalqaro huquq subyektlarining turli sohalardagi hamkorligi hamda tinchlikni ta'minlashda xalqaro tashkilotlarning ahamiyatining oshishidir. Xalqaro tashkilotlar faoliyatini samarali yuritishida davlatlar muhim rol o'ynaydi. Davlat xalqaro tashkilotda o'zining doimiy vakolatxonasi yoki kuzatuvchilar missiyasi orqali faoliyat yuritishi mumkin.

Xalqaro tashkilotlardagi doimiy vakolatxonalarni faqat ana shu tashkilotlarga a'zo davlatlar ochishi mumkin. Bunday tashkilotlarga a'zo bo'lmagan, lekin ularning faoliyatidan manfaatdor bo'lgan davlatlar, agar tashkilot ta'sis hujjatlarida ruxsat etilgan bo'lsa, ushbu tashkilotda o'zlarining kuzatuvchilar missiyasiga ega bo'lishlari mumkin [1].

Shuni yodda tutish kerakki, xalqaro tashkilotda doimiy vakolatxona ochish davlatning majburiyati emas, balki huquqidir. Xalqaro tashkilotning bosh idorasi yoki uning bo'limlari joylashgan joy masalasi qabul qiluvchi davlat bilan kelishilishi kerak, qoida tariqasida, tashkilot va qabul qiluvchi davlat o'rtasida shartnoma tuziladi.

Qabul qiluvchi davlatning xalqaro tashkilot bilan doimiy vakolatxonalarini ochishga roziligi bunday vakolatxonalarni ochmoqchi bo'lgan barcha davlatlarga nisbatan qo'llaniladi.

Davlat va xalqaro tashkilot o'rtasidagi munosabatlardagi eng muhim masala bu xalqaro tashkilotdagi vakolatxonaning huquqiy maqomi masalasidir. Bu xalqaro tashkilotning ta'sis hujjatlari va 1975-yilgi Davlatlarning universal xarakterdagi xalqaro tashkilotlar bilan o'zaro munosabatlaridagi vakilligi to'g'risidagi Vena konvensiyasi orqali belgilanadi.

Birinchi marta tashkilot qoshidagi vakolatxona tushunchasi Millatlar Ligasining statuti bilan kiritilgan, unga muvofiq, Millatlar Ligasining har bir a'zosi Liganing doimiy faoliyat olib boradigan joyida doimiy vakilga ega bo'lishi mumkinligi va u uchun diplomatik imtiyozlar berilishi tan olingan.

Birlashgan Millatlar Tashkiloti (BMT) a'zolarining tashkilotdagi doimiy vakolatxonalarining huquqiy holati haqida Bosh Assambleyaning 4-sessiyasi Rezolyutsiyasida alohida to'xtalib o'tilgan. Unda ushbu vakillar yirik diplomatik tashkilot qoshidagi diplomatlar hisoblanishi ta'kidlab o'tilgan. BMTga a'zo davlatlar ushbu vakillarni yuborishidan maqsad – boshqa a'zo davlatlar bilan aloqalarni qo'llab-quvvatlash va axborot almashish hisoblanadi. Ular Bosh Assambleyada ham, BMTning boshqa barcha organlarida ham vakillik qilishlari mumkin [2, 384 c.].

Xalqaro tashkilotlar qoshidagi doimiy vakolatxonalar va davlatlardagi diplomatik vakolatxonalarning vazifalari, maqsadlari va funksiyalari asosan bir xil. Shu bilan birga, xalqaro tashkilotning faoliyat sohasi bilan belgilanadigan o'ziga xos xususiyat mavjud.

Vakolatxonalar ishining asosiy shakli davlatlar va xalqaro tashkilotlar vakillari bilan diplomatik muzokaralar o'tkazish va qarorlar, rezolyutsiyalar loyihalarini tayyorlash hisoblanadi.

BMT vakillarining vazifalari: Tashkilotning barcha faoliyatida BMT Ustavi qoidalariga rioya etilishini nazorat qilish, barcha xalqaro voqealardan muntazam xabardor bo'lish, BMT idoralari tomonidan olingan ma'lumotlarni va muayyan hududda tinchlik va xavfsizlikni buzilishiga olib kelishi mumkin bo'lgan barcha voqealarni kuzatib borish va dunyo miqyosida o'z hukumatlari uchun tegishli takliflarni tayyorlash va ko'rsatmalar olganidan keyin BMT organlarida turli xil takliflar bilan chiqib, o'z davlatlarining nomidan chiqishadi.

Tabiiyki, davlatlarning turli xalqaro tashkilotlardagi doimiy vakolatxonalari har bir tashkilotning tuzilishiga va uning ustaviga bog'liq ravishda o'ziga xos xususiyatlarga ega. Davlatlar va xalqaro tashkilotlar o'rtasidagi munosabatlar har xil yo'nalishdagi masalalarni qamrab olib, turli yo'llar bilan hal qilinadi va xalqaro hamkorlikni samarali amalga oshirish uchun umumiy tamoyillarni shakllantirishni talab qildi [3, 106 c.].

Xalqaro tashkilotlar huzuridagi doimiy vakolatxonalarning faoliyati davlatlardagi diplomatik vakolatxonalar faoliyatiga bir qadar yaqindir. Ulardagi farq, avvalo, vakolatxonalarni ta'sis etish va xodimlarni tayinlash tartibida ko'rinadi. Vakolatxonani yoki kuzatuvchilar missiyasini ta'sis

etish masalasi qabul qiluvchi davlat ishtirokisiz hal etiladi. Ishonch yorlig'I tashkilotning bosh mansabdor shaxsiga topshiriladi. Mavjud immunitet va imtiyozlar ham diplomatik imtiyozlarga o'xshashdir [4].

1975-yil 14-martda Vena shahrida Davlatlarning universal xarakterdagi xalqaro tashkilotlar bilan o'zaro munosabatlaridagi vakilligi to'g'risidagi Vena konvensiyasi qabul qilindi.

Avvalo shuni ta'kidlash kerakki, ushbu konvensiya diplomatik huquq sohasidagi xalqaro shartnomalardan kelib chiqadi va preambula to'g'ridan-to'g'ri ularga havola qiladi, ularni xalqaro tashkilotlar, konferensilalardagi delegatsiyalar, shuningdek, kuzatuvchilar delegatsiyalarining o'rni va vazifalari haqidagi ma'lumotlar bilan to'ldiradi. Ushbu Konvensiya qoidalarida aniq ko'rsatilmagan masalalarni tartibga solishda odat huquqi normalariga tayanish davom etayotganligi ta'kidlangan[5, 124 c.].

Kirish qismida va 1-moddada Konvensiyada ishlatiladigan atamalarning izohi berilgan, shuningdek, ushbu konvensiyaning qo'llanilishi doirasi belgilab berilgan. "Doimiy vakil" atamasiga kelsak, bu atama faqat ushbu Konvensiyada qo'llanilmaydi. Bir qator shartnomalarda "rezident", "vakil" atamalari qo'llaniladi.

2-moddada ta'kidlanishicha, ushbu Konvensiya faqat universal tusdagi tashkilotlarga nisbatan qo'llaniladi.

Konvensiyaning 5-moddasida doimiy vakolatxona tashkil etishga ruxsat berilgan. Bu odatda tashkilotning qarorgohi joylashgan joyda sodir bo'ladi.

II qism xalqaro tashkilotlardagi vakolatxonalarga bag'ishlangan bo'lib, ham tashkilot a'zosi ham ham kuzatuvchilar missiyasi sifatidagi faoliyatiga to'xtalib o'tilgan. Konvensiyada sanab o'tilgan funksiyalar umumiy amaliyotni aks ettirgan (6 va 7-moddalar).

Yuboruvchi davlat vakolatxona xodimlarini tashkilotning funksiyalari, vakolatxonadaning xodimlarga bo'lgan talab va qabul qiluvchi davlatdagi holatni hisobga olgan holda tayinlaydi. Konvensiya xalqaro tashkilotni vakolatxona xodimlariga, vakolatxona binosiga taalluqli barcha tayinlanishlar va o'zgarishlar to'g'risida xabardor qilish tartibi kabi masalalar yuzasidan aniq qoidalarni kiritgan.

Doimiy vakolatxonaning imtiyozlari va immunitetlari masalasida yagona echim topilmagan. Millatlar Ligasi statutining 7-moddasi 4-bandiga muvofiq, vakolatxonalar Liganing ishi bilan bog'liq funksiyalarni bajarayotgan bo'lsalar, diplomatik imtiyoz va daxlsizlikka ega bo'lishlari kerak.

Konvensiyada vakolatxonaning arxivlari va hujjatlari bilan bog'liq masalalarni hal qilishda 1961-yil Diplomatik munosabatlar to'g'risidagi Vena konvensiyasining diplomatik vakolatxonalar uchun ko'zda tutilgan tartibini takrorlagan (21-25-moddalar). 27-modda muloqot erkinligi bag'ishlangan bo'lib, bunda vakolatxonaning rasmiy yozishmalari, pochtalari kuryerlar, shu jumladan, maxsus kuryerlar orqali to'siqsiz yuborilishi ta'minlanadi.

Diplomatik xodimlar shaxsining daxlsizligi, shaxsiy turar joyi, imtiyozlar va yurisdiksiyadan daxlsizlik, 1961-yildagi Diplomatik munosabatlar to'g'risidagi Vena konvensiyasida ko'zda tutilgan imtiyozlarning takrorlanishi bilan alohida ta'kidlangan. Konvensiya har doim aniq ko'rsatilishi kerak bo'lgan yurisdiksiyadan immunitetdan voz kechish imkoniyatini ham beradi. Turli yig'imlar va soliqlardan, shaxsiy majburiyatlardan, bojxona to'lovlaridan ozod qilish masalalari ham 1961-yildagi Diplomatik munosabatlar to'g'risidagi Vena konvensiyasining qoidalarini takrorlaydi [6, 261 c.].

Konvensiyada qabul qiluvchi davlatning qonunlari doimiy vakolatxona xodimlari tomonidan hurmat qilinishini talab qiladi. Bundan tashqari, qabul qiluvchi davlatning ichki ishlariga aralshish holati yuz bergan taqdirda, yuboruvchi davlat, agar immunitetni rad qilmasa, vakolatxona xodimini qayta chaqirib olish choralarini ko'rishi shart. Shu bilan birga, ushbu xalqaro hujjat diplomatik huquqni yanada rivojlantirish va ushbu sohadagi boshqa xalqaro shartnomalar bilan birgalikda ko'p tomonlama diplomatiya samaradorligini oshirish uchun keng asos yaratadi.

Iqtiboslar

1. Malcolm N. Shaw. International law. Sixth edition. – New York: Cambridge Univercity Press, 2008

2. Абашидзе А.Х., Федоров М.В. Право внешних сношений. –М.: Международные отношения, 2010. – 384 с.

3. Искевич И.С. Подольский А.В. Дипломатическое и консульское право: учеб. Пособие//Тамбов: Изд-во ФГБОУ ВПО «ТГТУ», 2014. – 178 с.

4. Lukashuk I.I., Saidov A.X. Hozirgi zamon xalqaro huquqi nazariyasi asoslari. Darslik. – T.: Adolat, 2006.

5. Чудаков М. Дипломатическое и консульское право. М., ЛитРес 2020. 124 с.

6. Мещериков В.А. Дипломатическое и консульское право : учеб. пособие / М., 2015. 261 с.

ОИЛА ВА НИКОҲ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Наргиза Жамолова Қаххор қизи
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
МҒМАҲТ йўналиши 4-курс талабаси
тел: 97(300-02-91)

Аннотация: мазкур мақолада Оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, Оила ва никоҳ тушунчаларига ҳам таъриф бериб ўтилган. Оила ва никоҳ муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида батафсил фикрлар юритилган.

Калит сўзлар: Оила, Никоҳ, Оила ва никоҳ муносабатлари, Жамият, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Оила кодекси.

Оила - ҳаёт абадийлиги ва авлодлар давомийлигини таъминловчи қадриятлар бешиги, келажак насллар учун бетакрор тарбия қўрғонидир. Оила ҳар бир халқнинг давомийлигини таъминловчи, маънавий баркамол авлодни тарбияловчи, халқимизнинг азалий қадриятларини йўқолмаслиги учун замин яратувчи муқаддас макондир. Жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаси Абдурауф Фитратнинг "Оила" асарида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, ота-она ва фарзандларнинг ҳуқуқ ва бурчларини чуқур ёритиб берган. Жадидлар фикри шундан иборатки, оила асосини тўғри қурмасдан, ёш авлодни тўғри тарбияламасдан туриб жамиятни ривожлантириш мумкин эмас. Бу қараш Фитратнинг асарида ҳам ўз ифодасини топган. "Қаерда оила муносабати кучли интизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади"[1]-деб ёзади у. Оиладаги муносабатлар одобахлоқ ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 3-бўлими XIV-боби Оила муносабатларига бағишланган. Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга"[2]. Оиладаги муносабатлар, яъни никоҳ, қариндошлик, оналик, оталик, фарзандликка олиш ва бошқалар Оила кодекси нормалари билан тартибга солинади. Оила кодексининг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасида оила, оналик, оталик ва болалик давлат ҳимоясидадир"[3]. Оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларни ўзаро муҳаббат, ишонч ва ҳурмат, ҳамжиҳатлик, бир-бирига ёрдам бериш ҳамда оила олдида унинг барча аъзоларининг масъуллиги, бирон-бир шахснинг оила масалаларига ўзбошимчалик билан аралашишига йўл қўймаслик, оила аъзолари ўз ҳуқуқларини тўсқинликсиз амалга ошириши ҳамда бу ҳуқуқларнинг ҳимоя қилинишини ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилган. Жамиятнинг бир бўғини ҳисобланган оиланинг асосини никоҳ ташкил этади.

Никоҳ оиланинг вужудга келишида асос бўлгани сабабли, никоҳ муносабатлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси 2-қисмида "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади"[4] деб белгиланган. Никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий асослари Конституция билан биргаликда Оила кодекси хамда Ислом ҳуқуқида ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Оила кодексининг 13-моддасида **"**Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас".

Никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий асослари қуйидагилардан иборат:

1. Никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги; БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан 1948-йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 16-моддаси 2-бандида никоҳ тузиш ихтиёрийлиги белгиланган.

[1] Абдурауф Фитрат ҳам "Оила ёки бошқариш тартиблари",Т.:Чўлпон, 2013, 6-бет.
[2] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.:Т, 2018
[3] Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 30.04.1998.:Т, 2018 3-бет.
[4] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.:Т, 2018.

2. Эр-хотин ўз розилигини эркин ифода эта олиши; Оила кодексининг 14-моддасининг 2-қисмида Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак.
3. Эр-хотиннинг никоҳ ёшига етганлиги;
4. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади;

Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш; Тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги низом.

Никоҳ муносабатлари Оила кодекси, Фуқаролик кодекси нормалари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги 6-сонли «Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 14 ноябрдаги 387-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари» билан тартибга солинади.

Оила ва никох муносабатлари жамиятнинг ижтимоий асосидир. Бу муносабатлар қанчалик мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Оила муҳим тарбия ўчоғи ва маънавий руҳий муҳитдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, ватан тинч бўлади” деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Оила ва никоҳ муносабатларига оид ҳуқуқларнинг ҳимоясини янада кучуйтириш, жамиятга кенг татбиқ этиш усулларини яратиш ҳамда келиб чиқаётган низоларни оқилона ҳал этиш йўллари топиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.:Т - 2018.
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси, 30.04.1998.:Т - 2018.
3. Оила Ҳуқуқи дарслик.:Т - 2016.
4. Абдурауф Фитрат ҳам “Оила ёки бошқариш тартиблари”,Т.:Чўлпон, 2013.
5. www.ziyouz.com

ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАР ОРҚАЛИ ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ

Ўзбекистон Республикасимиллий гвардияси
ҳарбий-техник институтимустақил изланувчиси
Усмонов Восид Мухаммадиевич

Инсоният томонидан ҳали янги технологиялар яратилмасдан олдин тузиладиган шартнома шакли қандай талабларга мос бўлиши ҳақида муайян қоидалар яратилган эди. Мазкур қоидалардан бири бизнинг қонун чиқарувчимиз томонидан ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Яъни, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 366-моддасида ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Хўжалик шартномаларини тузишда юзма-юз ҳолатда оферта ва акцепт деярли бир пайтда намоён бўлади. Ҳозир бўлмаганлар ўртасида шартнома тузишда эса бир тараф эрк-изҳорини (оферта) бошқа тараф қабул қилиши (акцепт) муайян оралиқ муддатлар занжирида рўй беради. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисидаги қонунга кўра, хўжалик шартномалари ёзма тузилиши шарт. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунда хўжалик шартномаларини ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги талабга риоя қилмаслик оқибатлари белгилаб қўйилмаган. Бошқача айтганда, қонун оғзаки тузилган хўжалик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида кўрсатма бермайди. ФКнинг 115-моддасида битимни қонун талаб қилган шаклига риоя қилмаслик оқибатлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, битимни қонун талаб қилган шаклига риоя қилмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

7. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010. - С.154.

8. См.: Современное состояние и перспективы использования водных ресурсов в Центральной Азии /Аналитический доклад. 2008. http://www.asiastrategy.ru/index.php?press&press_id=5; Рысбеков Ю.Х. Трансграничные водные ресурсы Центральной Азии как фактор региональной безопасности: политические и правовые аспекты ее обеспечения и др.

9. Духовный В.А. Аспекты и перспективы долговременных соглашений между государствами в Аральском бассейне.

10. Духовный В.А. Проблемы международных водотоков и подходы к их решениям с позиции водного права.

11. Джайлообаев А.Ш. Национальное водное право страны и его увязка с международным водным правом. Приоритеты и проблемы. Направления совершенствования. Семинар Тренингового центра МКВК «Международное и национальное водное право и политика» 24 – 29 сентября 2001. - С.8.

12. Джайлообаев А.Ш. Национальное водное право страны и его увязка с международным водным правом. Приоритеты и проблемы. Направления совершенствования. Семинар Тренингового центра МКВК «Международное и национальное водное право и политика» 24 – 29 сентября 2001. - С.9.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БУЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ҲАМКОРЛИГИ

Абдуллох Мухаммаджон угли Хусниддинов
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Дипломатик ва консуллик ҳуқуқи йўналиши магистранти
Tel. +998946228881
E-mail: abdulloh.xusniddinov@mail.ru

Аннотация. Илмий мақолада Ўзбекистон Республикасининг терроризмга қарши кураш ва унга қарши кураш соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлил етилган. «Терроризм», «террорчилик», «террорчилик ҳаракати»каби тушунчаларни екранга чиқариш хусусиятлари ёритиб берилган. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг халқаро терроризмга қарши курашдаги халқаро ҳамкорлигини таҳлил қилишга алоҳида еътибор қаратилган. шунингдек, муаллиф Ўзбекистон Республикасининг ШҲТ доирасидаги ҳамкорлигига, айниқса, Ўзбекистон Республикасининг аксилтеррор сиёсати ва Шҳтнинг минтақавий аксилтеррор сиёсатини инобатга олган ҳолда ҳуқуқий шарҳлар беради.

Калит сўзлар: Ўзбекистон Республикаси, давлатлараро ҳамкорлик, террорчилик ҳаракати, қарши кураш, терроризм, давлат, радикализм, екстремизм. ҳуқуқий механизмлар, халқаро ҳамкорлик.

Аннотация. В научной статье анализируется законодательство Республики Узбекистан в сфере борьбы и противодействию терроризму. Выделены особенности закрепления понятий как «терроризм», «террорист», «террористическая акция». В статье уделено особое внимание анализу международному сотрудничеству Республики Узбекистан в противодействию международному терроризму, также автор дает правовые комментарии по сотрудничеству Республики Узбекистан в рамках ШОС особо рассматривая антитеррористическую политику Республики Узбекистан и региональную антитеррористическую политику ШОС.

Ключевые слова: Республика Узбекистан, межгосударственное сотрудничество, террористический акт, противодействие, борьба, терроризм, государство, радикализм, экстремизм. правовые механизмы, международное сотрудничество.

Abstract. The scientific article analyzes the legislation of the Republic of Uzbekistan in the field of combating and countering terrorism. Features of fixing the concepts as “terrorism”, “terrorist”, “terrorist action”are highlighted. The article pays special attention to the analysis of the international cooperation of the Republic of Uzbekistan in countering international terrorism. the author also provides legal comments on the cooperation of the Republic of Uzbekistan within the SCO, especially considering the anti-terrorist policy of the Republic of Uzbekistan and the regional anti-terrorist policy of the SCO.

Key Words: Republic of Uzbekistan, interstate cooperation, terrorist act, counteraction, struggle, terrorism, state, radicalism, extremism. legal mechanisms, international cooperation.

Диний экстремизм ва халқаро терроризм нафақат ташқи, балки ички хавфсизликка ҳам бевосита даҳлдор масаладир. Чунки диний экстремизм ва халқаро террористик ташкилотлар жангарилик усуллари билан ҳокимиятга қарши курашувчи гуруҳларни шакллантириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга интилади.

Марказий Осиё давлатлари учун диний экстремизм ва терроризмнинг хавфи **1990 йилда** Наманган ва Андижонда, **1990-1996 йилларда** Тожикистондаги фуқаролик уруши ва можоролар давомида, **1999 йили 16 февралдаги** Тошкент шаҳрида, **1999-2001 йиллар** Қирғизистоннинг Боткен, Ўзбекистоннинг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида, **2004 йилнинг** март-апрел ойларида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятларда ҳамда **2004 йилнинг**

июль ойида Тошкент шаҳридаги АҚШ, Исроил мамлакатлари элчихоналари ва Республика Бош прокуратураси бинолари олдида амалга оширилган террорчилик ҳаракатлари мисолида номоён бўлди.

Мустақил Ўзбекистон Республикаси диний мутаассиблик, ақидапарастлик, экстремизм ва террорчиликнинг минтақавий ва умумбашарий миқёсдаги хавф эканлигидан келиб чиқиб, жаҳон ҳамжамияти биргаликда унга қарши кураш лозимлиги тўғрисидаги ғояни жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари минбарларидан эълон қилди. Тўғрисини айтганда, Ўзбекистоннинг диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши кураш сиёсатининг моҳиятини ривожланган мамлакатлар ва дунёнинг нуфузли халқаро ташкилотлари кечроқ англади. Хусусан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов **1993 йил 28 сентябрда** БМТ Бош Ассамблеясининг **48-сессиясида** қилган маърузасида жаҳон ҳамжамиятини Афғонистон муаммосини изчил ўрганиш ва ечишга чақирган эди.

“Толибон” ҳаракатининг диний мутаассиб ва жангарилик фаолияти ҳақидаги ушбу ҳаққоний фикр фақат **2001 йил 11 сентябрьда** АҚШ фожиасидан сўнггина тан олинди.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан **1998 йилда** ташкил топган **“6+2”** гуруҳининг БМТ раҳбарлигида **1998-1999 йилларда** олиб борган фаолияти Афғонистонда экстремизм ва терроризмга қарши курашда катта аҳамиятга эга бўлганлигини таъкидлаш лозим. Бу гуруҳ Афғонистон билан чегарадош олти давлат **(Хитой, Ўзбекистон, Покистон, Эрон, Тожикистон, Туркманистон)** ва минтақа ташқарисидан Афғонистондаги вазиятга жиддий таъсир кўрсатиб турган икки давлат **АҚШ ва Россия**нинг юқори даражадаги вакилларидан ташкил қилинган эди.

Бу гуруҳ бир қатор мажлислар, муҳокамалар ва музокаралар ўтказиб, уларга Афғонистонда бир-бири билан курашаётган кучлар вакилларини жалб қилиб, “Афғонистондаги можароларни тинч йўл билан бартараф этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Тошкент Декларациясини ва минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича бир қатор бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқди. **1999 йилнинг 28 июлидаги** БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида “6+2” гуруҳининг Тошкент учрашуви якунлари юксак баҳоланди.

2001 йил 28 сентябрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши **1373 (2001)** сонли резолюциясини қабул қилиб БМТ доирасида Терроризмга қарши кураш қўмитасини тузди. Юртбошимиз **1999 йилнинг ноябрида** Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Стамбулда бўлиб ўтган Саммитида ва 2000 йилнинг 7-8 сентябр кунлари Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг “Мингйиллик Саммити”да БМТ тузилмаларида терроризмга қарши кураш халқаро марказини тузиш таклифини баён қилган эди. Ушбу ташаббус рўёбга чиққанидан кейин, Ўзбекистон 2001 йил декабр ойида ва 2002 йилнинг август ойида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг юқорида зикр этилган резолюциясининг бажарилиши хусусида БМТнинг терроризмга қарши кураш қўмитасига маърузалар тақдим этди.

Ўзбекистоннинг Диний экстремизм ва халқаро терроризмга қарши олиб бораётган сиёсатининг мақсади минтақада глобал миқёсда тинчлик, барқарорликни сақлаш, мамлакат мустақиллиги ва равнақи, халқнинг эркин фаровон ҳаётини таъминлашдир.

Ўзбекистон ушбу ташаббусларни амалга ошириш учун ўзининг ички сиёсатида тегишли чора-тадбирларни амалга оширди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда **1998 йили 1 майда** тасдиқланган “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонунда мазкур йўналишдаги фаолиятнинг ҳуқуқий асослари ўз аксини топган.

Республикамиз экстремизм ва терроризм билан бирга уни молиялаштириш билан узвий боғлиқ бўлган наркобизнес ва наркотрафикка қарши курашда ҳам қатъий сиёсат олиб бормоқда. 1999 йилда “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги, 2000 йилда “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги Қонунларнинг қабул қилинганлиги ҳамда “Экспорт назорати тўғрисида”ги ва “Пулни ноқонуний ўзлаштириш тўғрисида”ги Қонунлар лойиҳалари тайёрлангани фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг терроризмга қарши кураш бўйича минтақавий ташкилотларда иштироки минтақавий ташкилотлардаги фаолиятида ҳам ёркин намоён бўлмоқда. Жумладан,

Ўзбекистон ЕХҲТ, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШҲТ), Марказий Осиё Ҳамкорлиги (МОҲ) Ташкилоти каби бир қатор минтақавий ташкилотлар доирасида қабул қилинган экстремизм ва терроризмга қарши курашга қаратилган шартномаларни бажаришда фаол қатнашиб келмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ушбу шартномаларда қатнашиши унинг ички ва ташқи сиёсатининг мантиқий давомидир.

Ўзбекистон МДҲдаги аксилтеррор маркази ишида ҳам фаол қатнашмоқда. ШҲТ доирасидаги аксилтеррор Марказининг Тошкент шаҳрида жойлаштирилишини эса республикамизнинг экстремизм ва терроризмга қарши курашдаги фаоллигининг эътирофи сифатида қараш мумкин.

МОҲ ташкилоти иш режаларида хавфсизликнинг умумий муҳитини мустаҳкамлаш, шу жумладан, диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш чора-тадбирлари ҳам акс этган.

2004 йил 17-18 октябрда Душанбе ва МОҲ ташкилотига аъзо давлатларнинг раҳбарлари кенгашида, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан, Россия Федерацияси ушбу ташкилот таъсисчилари сафига қўшилди. Ушбу анжуманда Марказий Осиёда сув-энергетика, озиқ-овқат ва транспорт консорциумларини ташкил қилиш ва умумий бозорни шакллантириш, Афғонистонни тиклаш ишларида МОҲ ташкилотига аъзо давлатларининг ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан экстремистик ва террористик ташкилотлар, уларнинг раҳбарлари ва аъзоларини рўйхатини тузиш МОҲ ташкилотига аъзо давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ва махсус хизматларига топширилди.

Ташкилотнинг 2015 йилда Уфа шаҳрида бўлиб ўтган саммитида қабул қилинган ШҲТнинг 2025 йилгача бўлган стратегиясида ўрта муддатли истиқболда «халқаро террорчилик ташкилотлари (бундан кейин - ХТТ) томонидан фуқароларни жалб қилишга қаратилган ҳамкорликка алоҳида еътибор қаратилиши еълон қилинди. Террористик, сепаратистик ва екстремистик гуруҳларга аъзо давлатлар, тегишли халқаро ташкилотлар ва минтақавий бирлашмалар билан учинчи давлат ҳудудида қуролли можароларда иштирок етиш учун террористик тайёргарликдан ўтган шахсларнинг ҳаракат қилиш каналларини аниқлаш ва тўсиб қўйиш учун ҳамкорлик ўрнатиш. «ХТТ, шунингдек, ХТТ томонида бўлган қуролли можароларда қатнашган ёки ўқиганидан сўнг ШҲТга аъзо давлатлар ҳудудига қайтиб келган шахсларни аниқлаш». 2017 йил 9 июн куни Остона шаҳрида бўлиб ўтган сўнгги саммитда ШҲТ Давлат раҳбарларининг халқаро терроризмга қарши биргаликда курашиш тўғрисидаги алоҳида баёноти ва ШҲТнинг екстремизмга қарши кураш тўғрисидаги конвенцияси қабул қилиниши ушбу йўналишнинг устувор йўналиши еканлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг юқорида қайд этиб ўтилган минтақавий ташкилотларнинг ишида фаол иштироки, ташаббуслари ва таклифлари глобал хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг тутган ўрни миҳим эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Rakhimov D.F. Establishment and formation of the anti-terroristic legislation of the Republic of Uzbekistan. Vestnik RUDN. Seriia Iuridicheskie nauki = RUDN Journal of Law, 2010, no. 2, pp. 62–70 (in Russian).

2. Васильев Л.Е. Борьба с терроризмом на пространстве ШОС: монография. М.: ИДВ РАН, 2017.

3. Сущность международного терроризма. Участие Республики Узбекистан в международных организациях по борьбе с терроризмом // Сайт Всемирной истории. http://vsemirnaya-istoriya.ruindex.phpoption=com_content&view=article&id=84:2011-12-26-12-52-58&catid=8:2011-12-26-12-33-18&Itemid=2.

4. Романовский Г.Б. Правовые основы противодействия терроризму в Республике Уз- бекистан / Г.Б. Романовский // Электронный научный журнал «Наука. Общество. Государ- ство». — 2018. — Т. 6, No 2 [Электронный ресурс]. — Режим доступа: http://esj.pnzgu.ru.

5. Стратегия развития ШОС до 2025 г. // ИнфоШОС. Доступ: http://infoshos.ru/ ru/?id=125 (дата обращения: 05.09.2016).

6. Конвенция Шанхайской организации сотрудничества по противодействию экстремизму // Международная жизнь. 20.07.2017. Доступ: https://interaffairs.ru/ news/show/18019 (дата обращения: 12.10.2017).

ОСОБЕННОСТИ ДОГОВОРА ЛИЗИНГА КАК ОБЕСПЕЧИТЕЛЬНОЙ СДЕЛКИ ПО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВУ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Бозаров Шавкат Таджибаевич
Юрист совместного предприятия
«Uzbek Leasing International A.O.».
Тел.: +998909748226
shavkatbozarov2@gmail.com

Аннотация: в данной статье на основе положений гражданского законодательства Республики Узбекистан анализируются особенности лизинга как обеспечительной сделки, спицифические черты его акссесорности, дается оценка праву лизингополучателя передавать в залог оплаченную часть предмета лизинга.

Ключевые слова: лизинг, лизингодатель, лизингополучатель, договор лизинга, акссесорность, обеспечительная сделка, залог, нарушение договора, договор купли-продажи.

Благодаря своему обеспечительному характеру лизинг стимулирует многих инвесторов вкладывать деньги в лизинговый сектор и делает его столь популярным среди хозяйствующих субъектов. В отличии от практики предоставления лизинговых услуг в Узбекистане (да и в большинстве стран СНГ), когда от потенциального лизингополучателя требуется предоставление обеспечения (чаще всего, в виде залога или поручительства), в западных странах сам предмет лизинга служит своего рода предметом обеспечения обязательств лизингополучателя: сохраняя за собой право собственности на предмет лизинга, лизингодатель может, в случае нарушения лизингополучателем своих обязательств по лизингу, в частности, по своевременной и в полном объеме уплате платежей по договору, потребовать досрочного расторжения договора лизинга и возврата ему предмета лизинга. Как отмечает А.П. Алексеев «Приобретение лизингодателем права собственности на предмет лизинга служит для него обеспечением обязательств лизингополучателя по уплате установленных договором платежей, а также гарантией возврата вложенного» [1].

Договор лизинг как обеспечительная сделка обладает рядом особенностей, как общих для всех видов обеспечения, предусмотренных гражданским законодательством, и определяющих их сущность как обеспечительных обязательств, так и отличающих его от традиционно принятых форм обеспечения и активно используемых в хозяйственной деятельности. На обеспечительном характере было основано Постановление Президента Республики Узбекистан №4026 от 23 ноября 2018 года «О мерах по усилению правовой защиты кредиторов и совершенствования механизма финансирования предпринимательской деятельности», которое установила для изъятия предмета лизинга процедуру, закрепленную в законодательстве для взыскания предмета залога [2].

Как и другие виды обеспечения, обеспечительный характер лизинга включает в себя акцессорность, т.е. функциональную зависимость обеспечительного обязательства от основного, обеспечиваемого обязательства. Немецкий специалист Ч. Шо’би подчеркивает, что акцессорность обеспечительных прав означает, что они не могут возникнуть, если основное обязательство не возникло; что они не могут существовать, если основное обязательство не существует; и что они прекращаются, если основное обязательство прекращается. [3]. Это подтвердил и узбекский законодатель, который в части третьей статьи 259 Гражданского кодекса Республики Узбекистан поставил юридическую силу обеспечивающего обязательства в зависимость от действительности основного обязательства[4].

Особенностями акцессорности обеспечительных сделок при заключении и исполнении договора лизинге, по мнению автора, являются следующие:

во-первых, хотя договор лизинга является консенсуальным, т.е. юридически связывает сторон взаимными правами и обязанности с момента заключения, обеспечительное обяза-

тельство возникает лишь после исполнения продавцом своего обязательства по передачи предмета лизинга лизингополучателю. Толькопосле передачи предмета лизинга продавцом лизингополучателю право собственности на него переходит к лизингодателю и у него возникает юридическая возможность его изъятие от недобросовестного лизингополучателя. Момент возникновения обеспечительного обязательство в лизинговых отношениях не совпадает с моментом возникновения основного обязательства;

во-вторых, предмет лизинга может быть изъят лизингодателем при существенном нарушении лизингополучателем условий договора лизинге, о чем прямо указано в части четвертом статьи 597 Гражданского кодекса Республики Узбекистан и абзаце пятом статьи 11 Закона Республики Узбекистан «О лизинге». [5].Значит, обеспечительное обязательство при лизинге защищает лизингодателя только от существенного нарушения договора лизинга лизингополучателем.

Часть вторая статья 382 Гражданского кодекса Республики Узбекистан даёт определение существенного нарушения договора как нарушения договора одной из сторон, которое влечет для другой стороны такой ущерб, что она в значительной степени лишается того, на что была вправе рассчитывать при заключении договора. На основании статьи 551 Гражданского кодекса Республики Узбекистан Пленум Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан своим постановлением от 27 ноября 2015 года №289 «О некоторых вопросах применения экономическими судами норм законодательства, регулирующие лизинговые отношения» разъяснил судам, что под существенным нарушением договора лизинга понимается содержание лизингополучателем объекта лизинга в нарушении условий договора, неосуществление лизингополучателем страхования объекта лизинга, несвоевременное внесение лизинговых платежей два раза подряд, неосуществление за свой счет текущего ремонта объекта лизинга, если иное не установлено договором лизинга [6]. Дополнительно к этому, в соответствии с частью второй статьи 551 Гражданского кодекса Республики Узбекистан договор лизинга может также быть расторгнуть и на предмет лизинга может быть обращено взыскание и в других случаях, согласованных сторонами и предусмотренных в договоре лизинга.

Вышеприведенный анализ акцессорности обеспечительного обязательства при лизинге показывает, что обеспечительное обязательство направлено на защиту интересов лизингодателя от существенного нарушения лизингополучателем условий лизингового соглашения, а случаи существенного нарушения условий лизингового соглашения не только предусмотрены в нормативных актах, но и могут быть согласованы сторонами и включены в текст договора лизинга.

Обеспечительное обязательство в лизинговых правоотношениях внешне схож с залогом, однако таковым не является. 22 октября 2019 года Президент Республики Узбекистан подписалЗакон о внесении изменений и дополнений в действующее законодательство Республики Узбекистан, которыйвносит изменения и дополнения в Гражданский кодекс Республики Узбекистан и Закон Республики Узбекистан «О лизинге», связанные с изменением порядка обращения взыскания на предмет лизинга и возможностью передачи лизингополучателем в залог предмет лизинга третьим лицам в части, стоимость которой равна размеру уплаченных лизинговых платежей [7].

Изучение данных изменений и дополнений показывает, что теперь, в случае существенного нарушения лизингополучателем своих обязательств по договору лизинга, взыскание на предмет лизинга будет обращено в порядке, установленном законодательством Республики Узбекистан для взыскания предмета залога – такая норма включена в часть четвертую статьи 597 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, в абзац пятый части первой статьи 11 и в статью 21 Закона Республики Узбекистан «О залоге»[8].Однако речь идет только о порядке обращения взыскания на предмет лизинга, и поэтому мы не можем говорить о возникновении залога в силу закона, которое предусмотрено частью четвертой статьи 264 Гражданского кодекса Республики Узбекистан.

Также необходимо указать, что часть вторая статьи 266 Гражданского кодекса Респу-

блики Узбекистан и часть третья статьи 8 Закона Республики Узбекистан «О залоге» устанавливают, что залогодателем может быть только собственник вещи. Это – один из конституирующих признаков залога. А в соответствии со статьей 15 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» право собственности на предмет лизинга принадлежит лизингодателю, что, в свою очередь, является одним из конституирующих признаков лизинга. Важнейшие признаки залога и лизинга вступают в противоречие друг с другом и делают невозможным использование предмет лизинга в качестве залогового обеспечения по обязательствам лизингополучателя.

Внесение вышеуказанным законом дополнений в статью 595 Гражданского кодекса Республики Узбекистан и статью 21 Закона республики Узбекистан «О лизинге», предоставляющее право лизингополучателя передавать оплаченную часть предмета лизинга в качестве обеспечения исполнения других своих обязательств, является юридической ошибкой законодателя. Лизингополучатель не является собственником предмета лизинга, пока не оплатит все лизинговые платежи в соответствии с условиями договора лизинга или не воспользуется своим правом досрочно выкупить предмет лизинга при обращении взыскания третьих лиц на объект лизинга по обязательствам лизингодателя. Данная норма правапротиворечит статье 8 Закона Республики Узбекистан «О залоге» и статье 266 Гражданского кодекса Республики Узбекистан, которые только собственникам имущества предоставляют право передавать имущество в залог.

Вышеприведенный анализ обеспечительного характера договора лизинга позволяет нам сделать вывод о том, что, во-первых, несмотря на консенсуальный характер основного обязательства обеспечительная функция договора лизинга носит реальный характер, и во-вторых, изъятие предмета лизинга допустимо лишь в случаях существенного нарушения условий договора лизинга. Норма права, предусмотренная в части третьей статьи 595 Гражданского кодекса Республики Узбекистан и статьи 21 Закона Республики Узбекистан «О лизинге» и предоставляющая право лизингополучателю передавать в залог оплаченную часть объекта лизинга, противоречит сущности залога и должна быть исключена из действующего законодательства Республики Узбекистан.

Список исползованный литературы

1. Сергеев А.П. Гражданское право. Учебник. М. Проспект, 2020. С.214.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан №ПП-4026 от 23 ноября 2018 года «О мерах по усилению правовой защиты кредиторов и совершенствованию механизмов финансирования предприни-мательской деятельности»//lex.uz.
3. Scho’biCh. DieAkzessoriesta’tderNebenrechtevonForderungenbesondererBeru’cksichtin ungdesRechtsinstituts der Verja’hrung. Zurich, 1990. S.10-25.
4. Гражданский кодекс Республики Узбекистан. – Ташкент: Адолат. 2017.
5. Закон Республики Узбекистан «О лизинге» // Ведомости ОлийМажлиса Республики Узбекистан, 1999 г., № 5, ст. 108.
6. Постановление Пленума Высшего хозяйственного суда Республики Узбекистан от 27.11.2015 г. N 289 «О некоторых вопросах применения экономическими судами норм законодательства, регулирующих лизинговые отношения»//www.oliysud.uz.
7. Закон Республики Узбекистан «О внесении изменений изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Узбекистан в связи с усилением правовой защиты кредиторов и совершенствование механизмов финансирования предпринимательской деятельности» // (Национальная база данных законодательства, 23.10.2019 г., № 03/19/572/3943; 08.01.2020 г., № 03/20/601/0025)
8. Закон Республики Узбекистан «О залоге» (новая редакция)/ ВедомостиОлийМажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 5-6, ст. 96.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДВОКАТЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Давлятов Валишер Хакимжанович
Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси,
Телефон:+998(90) 962-36-96
valisherdavlyatov@gmail.com

Анотация: Мақолада мамлакатимиздаги адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси лавозимининг ҳуқуқий мақоми, бу борада миллий тажриба ва хорижий давлатлар амалиётидан келиб чиқиб такомиллаштириш масаласи ёритилган.

Калит сўзлар: адвокатура, Адвокатлар палатаси раиси, Конференция, сайловолди дастури, адвокатлик иш стажи, мансабдор шахс, халқаро ҳужжатлар.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг уставига [1] асосан Адвокатлар палатаси раиси Палатанинг юқори мансабдор шахси бўлиб, у палатанинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилади. Палата раиси сайланадиган кунга қадар камида беш йил адвокатура тизимида ишлаб келган адвокатлар орасидан сайланади.

Амалдаги тартибга мувофиқ, Палатанинг раиси Адлия вазирлигининг тақдимномасига биноан Конференция томонидан ушбу Конференцияда сайланган Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан беш йил муддатга сайланади.

Ушбу ҳолатлар халқаро хужжатларда белгиланган адвокатура институти ва адвокатлик фаолиятининг мустақиллиги принципларига зид ҳисобланади. Чунки уларда адвокатура ўзини-ўзи бошқариш органи раҳбарлари тайинлов асосида эмас, балки адвокатлар томонидан альтернатив асосда очиқ, ошкора демократик тартибда сайланиши белгилаб қўйилган. [2]

2018 йил 17 ноябрь куни Адвокатлар Палатасининг III Конференцияси кун тартибидаги масалалардан бири Палата раисини сайлаш бўлди. Ушбу масала юзасидан адлия вазири Р.Давлетов янги сайланган Бошқарув аъзолари орасидан Палата раислигига номзодни тақдим этди ва бу номзодни тавсия қилишда унинг иш фаолияти ва шахсий фазилатларини синчиклаб ўрганганлигини, қатор масъулиятли лавозимларда ишлаб, ҳамиша ўзини ижобий томондан намоён этиб келганлигини таъкидлади.[3]

Очиғини айтиш керакки, Палата раиси лавозимига номзоднинг ижро ҳокимияти, яъни адлия вазири томонидан тақдим этишига оид амалдаги тартиб адвокатлар ҳамжамияти раҳбарининг адвокатура институтини ривожлантириш бўйича қарашларини тўлиқ англаш имконини бермайди.

Масалан, Сайловда 5 нафар делегат бетараф қолди. Уларда бири Самарқанд шаҳридаги “Эзгу фикр” адвокатлик фирмаси бошқарувчи шерик С.Сулаймонова нима учун бетараф қолгани сабабини тушунтириб берди: “Тўғриси, сайлов жараёни менга демократик эмасдек туюлди. Мен бу билан сайлов ноқонуний бўлди демоқчи эмасман. Янги сайланган раисга ҳам эътирозим йўқ. Аксинча, унинг қисқагина сайловолди нутқиёқ менга жуда манзур бўлди. Бу раҳбар билан биргаликда олдимизда турган улкан вазифаларни бажариб, ютуқларга эришишимизга ишонаман. Шунчаки, сайловда сайловда бетараф қолишим менинг табиатимга боғлиқ, деб ўйлайман. Яъни тўлиқ ишончим комил бўлмаган нарсага ҳеч қўл ургим келмайди. Конференция делегати сифатида илк бор бевосита иштирок этаётганим учун бу жараённи яхши ҳазм қила олмадим. Яна қайтариб айтаман, жараён ноқонуний бўлгани учун эмас, қонуний тартибнинг ўзи тушунарсизроқ бўлгани учун.”[4]

Кўриниб турибдики, сайловда иштирок этган делегат Палата раиси лавозимига номзодни кўрсатишнинг қонуний тартиби амалиётда муаммо келтириб чиқараётгани тасдиқламоқда.

Тадқиқотимиз давомида 2019 йил июнь-июль ойларида ўтказилган сўров натижаларига кўра сўровда қатнашган 1550 нафар адвокатларнинг 824 нафари (53,2%) Адвокатлар пала-

таси раиси бевосита адвокатлар томонидан кўрсатилган альтернатив номзодлар орасидан тўғридан тўғри очиқ ёки ёпиқ овоз бериш йўли билан сайланиши лозимлигини билдиришган[5].

Фикримизча, Палата раисини лавозимига сайлаш ва уни муддатидан олдин лавозимидан озод этиш фақат Конференциянинг мутлақ ваколатига тегишли бўлиши, раис лавозимига номзодлар ҳудудий палаталар томонидан кўрсатилиши, номзодлар тўғрисидаги маълумот ва номзоднинг сайловолди дастури (яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури) Конференцияни ўтказишдан камида уч ой олдин Адвокатлар палатасига юбориш ҳамда палата номзод тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситалари, электрон ҳужжатлар айланиши тартибда адвокатлар муҳокамасига хавола этиши таклиф этилади.

Номзодлар сонини кўпайтириш ҳам муҳим. Битта номзод кўрсатилса, унинг сайланиши аниқ бўлиб қолади. Чунки қарши овоз бериш учун ҳам одам аввало номзоднинг бу лавозимга лойиқ эмаслигига ишончи комил бўлиши керак, танимаган номзодга, у ҳақда маълумотга эга бўлмасдан туриб, қарши овоз бериш эса одобдан эмас. Шу боис ҳам кўпчилик одатда бетараф қолишдан кўра қўллаб-қувватлашни маъқул билади. Шундай экан, сайлов ҳақиқий демократик бўлиши учун сайловчиларда бир неча номзодлар орасидан бирини танлаш имконияти бўлиши лозим[4].

Бу борада “Status Liberates” адвокатлик фирмаси адвокати, Хоразм вилоятидан делегат Д.Саидовнинг айтишича, ҳар бир номзод ўзининг командасини шакллантириши, яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган режа, дастур, ҳаракатлар стратегиясини ифода этиши лозим. Ҳозирги вақтда биз номзодларни муносиб деб биламиз, бироқ биз уларнинг дастурини билмаймиз[6].

20 га яқин хорижий мамлакатлар, хусусан Германия, Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси, Арманистон, Грузия, Литва, Молдова, Тожикистон, Ҳиндистон тажрибаси таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раҳбари 4 йил муддатга сайланса, мазкур муддат Францияда 2 йилни, Туркманистон, Озарбайжон, Латвияда 3 йилни, Қозоғистонда 1 йилни ташкил этади. Арманистонда Адвокатлар палатаси раислигига номзод камида 7 йиллик авдокатлик стажига эга бўлган ҳолда, 4 йил муддатга сайланади. Украинада раислик лавозимига номзод камида 5 йиллик адвокатлик стажига эга бўлиши лозим.

Мамлакатимизда Адвокатлар палатаси раислигига тавсия этиладиган номзодлар шахсига нисбатан қуйидаги талаблар қўйиш, яъни камида 5 йиллик адвокатлик иш стажига, ҳаётий, касбий ва бошқариш соҳасида муайян иш тажрибага эга бўлиши ва сайловдан камида икки ой олдин ўзининг адвокатура ва адвокатлик фаолиятини такомиллаштиришни ўз ичига олган яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган сайловолди дастурини тақдим этиши ҳақидаги нормани қонунчилигимизда акс эттириш жуда муҳим.

Шу муносабат билан, “Адвокатура тўғрисида”ги қонунига 12^3-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Адвокатлар палатасининг раиси Адвокатлар палатасининг Конференцияси томонидан яширин овоз бериш йўли билан Адвокатлар палатаси Бошқаруви аъзолари орасидан тўрт йил муддатга сайланади.

Адвокатлар палатасининг раиси лавозимига номзодлар камида беш йиллик адвокатлик иш стажига, қоида тариқасида, ҳаётий, касбий ва бошқарув соҳасида муайян иш тажрибага эга бўлиши лозим.

Номзодлар Адвокатлар палатаси раиси сайловидан камида икки ой олдин адвокатура институтини такомиллаштиришни ўз ичига олган яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган сайловолди дастурини тақдим этади.”

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати*:*

1. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси III Конференциясининг 2018 йил 17 ноябрдаги Қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2018 йил 26 декабрда 689п-сон билан рўйхатга олинган. Қаранг: https://paruz.uz/uploads/2019/12/ustav.pdf

2. https://www.un.org/ruleoflaw/blog/document/basic-principles-on-the-role-of-lawyers

3. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг III Конференцияси материаллари. Адвокат. №4/2018. Б.15.

4. Сайловда мен бетараф қолдим". Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Палатасининг III Конференцияси материаллари. Адвокат. №4/2018. Б.18.

5. Давлятов В.Х. Адвокатура ва адвокатлик фаолияти бўйича ўтказилган социологик тадқиқот натижалари таҳлили (ахборот-таҳлилий маълумот) // В.Х.Давлятов. – Т.: LESSON PRESS нашриёти, 2020. 41 б.

6. Слово делегатам конференции... Адвокат. №4/2018. С.48-49.

KONSTITUTSIYA :MILLAT VA TIL

Ahmedova Nazokat Qodirovna
37-umumiy o'rta ta'lim maktabi huquq fani o'qituvchisi
O'zbekiston.Xorazm. Hazorasp
Telefon:+99897 518 05 51

Annotatsiya: Ushbu maqolada o'quvchilarga konstitutsiya: millat tilimiz haqida va bu jarayonning o'ziga xos xususiyatlari haqida ma'lumot berilgan.

Kalit so'zlar: Til,millat,ta'lim olish huquqi,ma'naviyat ,industrial,davlat tili,rasmiy til,Mintaqaviy tilyuridik,qonunning ustunligi YuNESKO,O'zbek tiliga davlat tili maqomi berilishi.

Til-bu jahon madaniyatining eng oily yutug'i bo'lib ,u insoniyatning ijtimoiy –iqtisodiy va ma'naviy kamoloti tarixi,madaniyatini aks ettiruvchi ko'zgudir.Albatta har bir shaxs o'z tilini tanlash huquqiga,xohlagan tilida muomala qilishi va ta'lim olish huquqiga ega.Lekin millat bunday huquqqa ega emas.Millat uchun tilni tanlash huquqi yo'q.Uning uchun faqat bir asosli til borki ,bu tilning yo'qolishi bu millat o'zining yo'q bo'lishi bilan barobar.

Shu o'rinda ''millat''va ''til'' tushunchalarining o'zaro munosabatlariga to'xtalib o'tish lozim.Millat (lotincha <<nation>> -<<qabila>>,<<xalq>>so'zidan)industrial davrning ijtimoiy-iqtisodiy va ma'naviy mushtarakligidir .

Dunyoda 7000 tadan ko'proq til bor deb hisoblanadi.

Eng ommolashgan 40 ta tilda Yer yuzidagi aholining taxminan uchdan ikki qismi gaplashadi. Bugungi kunda quyidagi statistika jahonda tillarning ommalashganligi darajasidan dalolat beradi.

*xitoy tilida 1,3 milliard odam gaplashadi;

* ingliz tilida 800millionga yaqin kishi gaplashadi;

*ispan tilida uchinchi o'rinni egallab,unda qariyib 500million kishi gaplashadi;

* arab tilida salkam 400million kishi so'zlashadi.Uning boshqa tillardan farq qiladigan tub jihati o'rganish osonligidir;

* rus tili ommolashgani bo'yicha beshinci o'rinni egallab ,unda 200millionga yaqin kishi so'zlashadi.

Davlat tili –eng avvalo ,muayyan davlat konstitutsiyasi tilidir.Shuning uchun kodifikasiyalashgan Konstitutsiyasiga ega bo'lmagan davlatlar davlat tiliga ega emas,deb hisoblash mumkin.

Rasmiy til-bu davlat yoki xalqaro tashkilotda imtiyozli maqomga ega bo'lgan til.Rasmiy til davlatning hududida foydalanilishi mumkin bo'lgan boshqa tillarga nisbatan qonun tamonidan o'rnatilgan eng yuqori huquqiymaqomgaegabo'ladi.YuNESKOekspertlari 1953 yilda<<davlat tili >>va<<rasmiy til>>tushunchalarini farqlashni taklif etadi:

Birinchidan ,davlat tili-mazkur davlat doirasida siyosiy,ijtimoiy va madaniy sohalarda integrasiyalashtirish funksiyasini bajaradigan ,ushbu davlatningramzibo'lgantildir; Ikkinchi, rasmiytil –davlat boshqaruvi ,qonunchilik,sud ishi tilidir.

Mintaqaviy til-bu rasmiy maqomi bir yoki bir nechta ma'muriy sub'yektlar:federal, okuruglar,viloyat, o'lkalar,tumanlar, qishloqlar yoki davlatning ma'muriy belgilab qo'yilgan boshqa mintaqalarida butun davlat hududida bo'lgan rasmiy til(davlat tili)bilan birga qo'llaniladigan til yoki tillardir.

Yuridik til-ko'p ming yillik taraqqiyot va ko'p avlodlar tajribasi mahsuli.U insoniyatning asrlar davomida to'plagan huquqiy bilimi va tafakkurini o'zida saqlagan holda doim rivojlanib bormoqda. U avlod-ajdodlar to'plagan tajribalarini yangi-yangi avlodlarga yetkazadi. 1989 yil 21 oktabrda o'zbek tiliga davlat tili maqomi berildi. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 4-moddasida

"O'zbekiston Respublikasining davlat tili o'zbek tilidir."deyilgan.

СТРОЕНИЕ ЧЕРЕШКА НЕКОТОРЫХ ВИДОВ РОДА PHLOMIS

Курмантаева Норсулув Амангельдиевна
Наманганская область Чустский район
осш №3 учитель биологии;
Ибрагимов Аъзамжон Исакович учительосш №9
подтверждением справедливости выделения
рода PhlomisТелефон:+998(91)293 85 71
+998(91) 366 12 69
norsuluvkurmantaeva@gmail.com

Анотация: С восстановлением рода Phlomis(Адылов, Камелин, Махмедов, 1986, Нов. сист.высш.раст.23: 111) мы исчисляем в его составе до 90 видов распространненыхв Средиземноморье, Северной Африке, Крыму, Передней и Средней Азии. В настоящей работе приводятся краткое описание и сравнительная характеристика черешков представителей данного рода, и подтверждение справедливости выделения родаPhlomis.

Ключевые слова: род Phlomis; флоэма, ксилема; эпидерма, энтодерма, гиподерма; склеренхима,паренхима, колленхиматозная, механическая ткань;дискретные, латеральные, медианные пучки.

Черешки изучаемых представителей этого рода почти не изучены. Лишь в работе Дюгаевой (1969) дано краткое описание анатомического строения Ph. canescens (Phl. Canescens), а также в работах C.R.MetcalfeL.Chalk (1950, 1957) имеются данные о строении черешка некоторых видов более 20 родов семейства Губоцветные в том числе и р. Phlomis. На поперечных срезах через дистальный конец исследованных видов в Кью показано значительное разнообразие сруктуры проводящей системы, часть представляющая таксономическое значение. Главный проводящий тяж черешка из сплошного арка сильно загибается внутрь концами или имеет тенденцию образовывать равную цилиндрическую форму у видов Leonwrus, Phlomis, Stachus и Gencrium; сходные, но с рассеченными (из дискретных пучков) пучками, расположенными в форме арка у видов Elsholzia,Galeopsis, Plectranthus; с направленными к оси (адаксиальным) вогнутым цилиндром с большим числом отдельных проводящих пучков у видов PhlomistuberosaLinn.Дополнительные дочерние (второстепенные) проводящие пучки имеются в черешковых крыльях у всех изученных видов. Этим ограничиваются работы, посвященные исследованию анатомического строения черешка родов Eremostachys, PhlomoidesиPhlomis. Представители этих родов имеют черешки желобчатой формы различной степени выраженности, опушенные как и листья, разнообразными по типу, форме и размерам волосков (реже голые).

Род Phlomis отличается от других присутствием на поверхности черешка, наряду с другими волосками многочисленных древовидно_звёздчатых волосков, сравнительно развитой склеренхимой-лубяныхволокон и отсутствием колленхиматозной ткани над флоэмой, присутствием ясно выраженной гиподермы и эндодермы, и одревеснevшей паренхимой сердцевины, 4-пучковой проводящей системой черешка. У Ph. olgae, Ph.salicifolia черешок в очертании ясно трехугольный с 4 дискретными пучками.

Ph.sewerzowiiиPh.spinidensимеют черешки широко полуовальной формы с двумя соединенными тяжами флоэмы, медианными пучками и 2 латеральными.Ph.spinidens отличается от первого несколько выпуклой формой с адаксиальной стороны черешка и появлением иногда маленького дополнительного латерального пучка.

Ph.regelii и Ph.thapsoides имеют дуговидную форму черешка, однако сильно отличаются от всех других таксонов присутствием внутренней ксилемы, состоящей из 2 групп по 3-4 пучка в каждой, окруженных сильно одревеснevшей паренхимой. Отличаются друг от друга расположением проводящих тканей: у первого следы медианной жилки состоят из широкой сплошной полосы ксилемы и флоэмы, соединенной двумя мелкими латеральны-

ми пучками в ребрах и внутренней ксилемы (соединенной тяжем межпучковой флоэмы) разделенной от наружной одревесневшей паренхимы. Черешки Ph.regeliiиPh.thapsoides мы относим к типу «улитка», а других видов к типу «дуга».

Виды рода Phlomis характеризуются сходной структурой черешка-обязательным присутствием древовидно-звёздчатых волосков, сравнительно развитой склеренхимой над флоэмой, полной редукцией колленхиматозной механической ткани, одревесневшей основной паренхимой и 4-пучковой проводящей системой черешка, являющимися признаками эволюционной продвинутости.

Таким образом, проведенные нами исследования строения черешка, явились подтверждением справедливости выделения родаPhlomis и его однородности.

Список использованной литературы:

1. Флора СССР,1954-с.38-68
2. Флора Уз.ССР,1961-с.318-355
3. Определитель растений Средней Азии,1987

ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҲОЛАТИ ВА ЮРИДИК ТАБИАТИ

,
“Ипотека банк” АТИБ Яшнобод филиали бош юрисконсулти
Телефон:+998946927065
uvosid@bk.ru

АННОТАЦИЯ: Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хўжалик шартномаларини тузишда ва расмийлаштиришда электрон рақамли имзодан фойдаланилмоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда электрон рақамли имзодан фойдаланиб хўжалик шартномаларини тузишда ва расмийлаштиришда электрон рақамли имзонинг аҳамиятини очиб беради.

КАЛИТ СЎЗЛАР: Электрон рақамли имзо, электрон имзо, ахборот-коммуникация, хўжалик шартномалари, ахборот асри, ёпиқ калит.

Ахборот-коммуникация технологияларидан самарали ва унумли фойдаланиш бугунги куннинг муҳим талабларидан биридир. Шунинг учун ҳам XXI аср – ахборот асри деб айтилмоқда. Ахборот-коммуникация технологияларидан иқтисодиётда кенг фойдаланиш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, ўзгаришларнинг бош йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги 2003 йилги қонунига кўра, электрон рақамли имзо – электрон ҳужжатдаги мазкур электрон ҳужжат ахборотини электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланган ҳолда махсус ўзгартириш натижасида ҳосил қилинган ҳамда электрон рақамли имзонинг очиқ калити ёрдамида электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлигини аниқлаш ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасини идентификация қилиш имкониятини берадиган имзо ҳисобланади.

Электрон рақамли имзода иккита калитдан фойдаланилади. Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда хосил қилинган, фақат имзо қўювчи шахснинг ўзига маълум бўлган ва электрон ҳужжатда электрон рақамли имзони яратиш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлик. Электрон рақамли имзонинг очиқ калити – электрон рақамли имзо воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳосил қилинган, электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мос келувчи, ахборот тизимининг ҳар қандай фойдаланувчиси фойдалана оладиган ва электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун мўлжалланган белгилар кетма-кетлигидир [1].

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш талаб қилинади. Бунинг учун электрон рақамли имзонинг электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилиги ва электрон ҳужжатдаги ахборотда хатолик йўқлиги текширилганда ижобий натижа сифатида қайд қилиниши талаб қилинади.

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида хўжалик шартномаларини тузишда ва расмийлаштиришда электрон рақамли имзодан фойдаланилмоқда. Жумладан, 2011 йил апрель ойида Россия Федерациясининг “Электрон имзо тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 2002 йил 10 январда қабул қилинган “Электрон рақамли имзо тўғрисидаги” қонундаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган бўлиб, қонун нафақат фуқаролик ҳуқуқий битимларга балки давлат ва муниципал хизматлар кўрсатиш, функциялар ва вазифаларни бажаришда ва бошқа юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам беради [2].

АҚШнинг халқаро ва миллий тижоратда электрон имзо тўғрисидаги қонунига (Electronic signatures in Global and national Commerce) кўра, ҳар қандай шартнома, келишув, ҳужжат, гаров ёки кўчмас мулкка доир бошқа ҳужжат ёки бошқа иш ҳужжатлари электрон имзо ёрдамида тасдиқланиши мумкин [3]. Бундан ташқари, ашёвий ҳуқуққа, кўчмас мулкка доир

ҳужжатлар агар давлат нотариусида имконият мавжуд бўлса, электрон воситалар ёрдамида тасдиқланиши ҳам мумкин. Бунда албатта инсонни ўзи томонидан имзо қўйилганлиги онлайн режимида кўриб унинг ҳақиқийлиги тасдиқланади. Шу билан бирга айрим истиснолар ҳам мавжуд. Жумладан, электрон имзо васиятномада, унга ўзгартиришлар киритишда, ишончли бошқарув бўйича васиятга, никоҳдан ажралиш ва фарзандликка олиш, суғурта компаниясининг суғурта полисини бекор қилиш, хавфли моддаларни тасдиқловчи ҳужжатларга қўйилиши ва тан олиниши мумкин эмас. Суд буйруқлари ҳам шахсан судья томонидан имзоланиши зарур.

ЮНСИТРАЛ электрон имзо тўғрисидаги намунавий қонунида “электрон имзо” электрон шаклдаги маълумотларни англатиб, маълумотларни етказишда, унга қўшимча қилишда ёки мантиқан у билан бирга бўлган ва маълумот етказиш билан уни қўйган шахсни аниқлашнинг имконини берадиган ҳамда маълумотларда берилган ахборот билан имзо қўйган шахснинг розилигини англатиши кўрсатилган [4].

Германия Федератив Республикасининг 1997 йилдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, АҚШнинг Юта штатининг 1996 йилдаги “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинган. Худди шундай қонунлар Буюк Британия, Швеция, Франция, Испания, Дания, Австрия, Финляндия каби давлатларда ҳам мавжуд. Европа парламенти Европа иттифоқида электрон имзолардан фойдаланишни тартиби тўғрисидаги директивани 2011 йил июлга қадар имплементация қилинишини белгилаб берган. МДҲ мамлакатларида ҳам шунга ўхшаш янги қонунчилик шаклланганлигини кўриш мумкин. Айрим хорижий мамлакатларда электрон имзо ёрдамида сайловлар ҳам ташкил қилинмоқда. Бундан ташқари, электрон имзо ёрдамида солиқ декларациясини, божхона декларациясини, давлат органларига мурожаатларни юбориш ҳам мумкин.

Мамлакатимизда электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасини давлат томонидан тартибга солишни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган амалга оширади.

Электрон ҳужжатдаги электрон рақамли имзо айни бир вақтнинг ўзида қуйидаги шартларга риоя этилган тақдирда қоғоз ҳужжатга қўлда ўзи қўйган имзо билан бир хил аҳамиятга эгадир, агар:

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган бўлса;

электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланган пайтда ёки имзолаш пайтини белгиловчи далиллар бўлганда электрон ҳужжат имзоланаётган пайтда электрон рақамли имзо калитининг сертификати амал қилиб турган бўлса;

электрон рақамли имзодан электрон рақамли имзо калитининг сертификатида кўрсатилган мақсадларда фойдаланилаётган бўлса.

Электрон рақамли имзо воситалари электрон ҳужжатда электрон рақамли имзо яратилишини, электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланишини, электрон рақамли имзонинг ёпиқ ва очиқ калитлари яратилишини таъминлайдиган барча техникавий ва дастурий воситалардан иборат бўлади. Электрон рақамли имзо воситалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сертификатлаштирилиши лозим.

Электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитлари ва очиқ калитлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан ёки уларнинг мурожаатига биноан рўйхатга олиш маркази томонидан электрон рақамли имзо воситалари ёрдамида яратилиши мумкин. Электрон рақамли имзони яратган (электрон ҳужжатга имзо қўйган) ва рўйхатга олиш маркази томонидан унинг номига электрон рақамли имзо калити сертификати берилган жисмоний шахс электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси бўлади.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси: электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш устидан назоратни таъминлаши; электрон рақамли имзо калити сертификатини берган рўйхатга олиш марказига электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан фойдаланиш режими бузилганлиги ёки бузилиши эҳтимоли борлиги тўғрисида хабар қилиши ва электрон рақамли имзо калити сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туришни ёхуд мазкур сертификатни бекор қилишни талаб қилиши; ўзи вакил бўлган юридик

шахснинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши тўғрисида рўйхатга олиш марказига хабар қилиши шарт.

Электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгаси мажбуриятларни бажармаганлиги оқибатида электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитидан рухсатсиз тарзда фойдаланилиши туфайли етказилган зарар учун тегишли электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси олдида жавобгар бўлади.

Электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш учун электрон рақамли имзонинг очиқ калитидан фойдаланаётган юридик ёки жисмоний шахс электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси бўлиши мумкин. Электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига тегишлилигини ва электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлигини текшириш учун электрон рақамли имзо калитининг сертификатини берган рўйхатга олиш марказига мурожаат этишга, шунингдек электрон рақамли имзонинг ҳақиқийлиги тасдиқланмаган ҳоллар ҳақида электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига хабар қилишга ҳақли.

Электрон рақамли имзо очиқ калитининг фойдаланувчиси электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг шахси тўғрисидаги маълумотлар муҳофаза қилинишини таъминлаши керак. Электрон рақамли имзо калитининг сертификати электрон рақамли имзонинг очиқ калити электрон рақамли имзонинг ёпиқ калитига мослигини тасдиқлайдиган ва электрон рақамли имзо ёпиқ калитининг эгасига рўйхатга олиш маркази томонидан берилган ҳужжатдан иборат бўлади.

Муҳр билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатга айлантирилган қоғоз ҳужжатнинг мазмуни қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ рўйхатга олиш маркази ваколатли шахсининг электрон рақамли имзоси билан ёки электрон рақамли имзо ёпиқ калити эгасининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланиши мумкин.

Давлат бошқарувида, корхона ва ташкилотларда ахборот технологияларини жорий қилиш ва ривожлантириш жамиятни ахборот жиҳатдан кенг кўламли қайта ўзгартиришларга олиб келади. Бозор иқтисодиёти шароитида замонавий корхона ва ташкилотни бошқариш мураккаб жараён бўлиб, молиявий турғунлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминловчи стратегик масалаларни ечишни тақозо этади.

Интернет тармоғи ривожлана боргани сари, ахборот ўғирлаш, мазмунини бузиш, рухсатсиз ахборотни ўзгартириш, компьютер технологияларидан изнсиз фойдаланиш, тармоқдаги серверларга тажовуз қилиш, турли ноқонуний йўллар билан ахборотларни узатиш ҳолатлари кун сайин кўпайиб бормоқда. Натижада, ахборот хавфсизлигига жиддий эътибор қаратиш лозим бўлмоқда.

Корпоратив ва глобал тармоқларда электрон ҳужжат айланишида ахборот хавфсизлигини таъминлайдиган энг самарали йўллардан бири электрон рақамли имзодир. Электрон рақамли имзо орқали электрон ҳужжат бирор кимсага юборилганда, электрон ҳужжат ким томондан яратилгани аниқ бўлади, ҳужжат бутунлиги сақланади ва ноқонуний ўзгартирилишининг олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 1-2-сон, 12-модда.
2. Российская газета, 2011. № 75.
3. Randell D. Wallace and Don F.Dagenais.The changing world of electronic signatures // https: www.library.lp.findlaw.com.
4. Типовой закон ЮНСИТРАЛ об электронных подписях и Руководство по принятию 2001 год // www.uncitral.org/pdf/russian/texts/electcom/ml-elecsig-r.pdf.

ЭЛЕКТРОН ВОСИТАЛАР ЁРДАМИДА ХЎЖАЛИК ШАРТНОМАЛАРИНИ ТУЗИШ

Усмонов Восид Мухаммадиевич,
"Ипотека банк" АТИБ Яшнобод
филиали бош юрисконсулти
Телефон:+998946927065
uvosid@bk.ru

АННОТАЦИЯ: тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли маърмурий тўсиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳозирги кунда амал қилмоқда. Мазкур мақола мамлакатимизда электрон воситалардан фойдаланиб хўжалик шартномаларини тузишда ва расмийлаштиришнинг аҳамиятини очиб беради.

Калит сўзлар: хорижлик ҳамкор, электрон алоқа, тармоқ актлари, биржа ва брокерлар, агентлар, хорижлик ҳамкор, электрон ресурс, иқтисодий ишлар.

Инсоният томонидан ҳали янги технологиялар яратилмасдан олдин тузиладиган шартнома шакли қандай талабларга мос бўлиши ҳақида муайян қоидалар яратилган эди. Мазкур қоидалардан бири бизнинг қонун чиқарувчимиз томонидан ҳам эътибордан четда қолдирилмаган. Яъни Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг 366-моддасида ёзма шартнома тарафлар имзолаган битта ҳужжатни тузиш йўли билан, шунингдек почта, телеграф, телетайп, телефон, электрон алоқа ёки ҳужжат шартномадаги тарафдан чиққанлигини ишончли суратда аниқлаш имконини берадиган бошқа алоқа ёрдамида ҳужжатлар алмашиш йўли билан тузилиши мумкинлиги белгиланган.

Хўжалик шартномаларини тузишда юзма-юз ҳолатда оферта ва акцепт деярли бир пайтда намоён бўлади. Ҳозир бўлмаганлар ўртасида шартнома тузишда эса бир тараф эрк-изҳорини (оферта) бошқа тараф қабул қилиши (акцепт) муайян оралиқ муддатлар занжирида рўй беради. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга кўра, хўжалик шартномалари ёзма тузилиши шарт. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунда хўжалик шартномаларини ёзма шаклда тузиш тўғрисидаги талабга риоя қилмаслик оқибатлари белгилаб қўйилмаган. Бошқача айтганда, қонун оғзаки тузилган хўжалик шартномасини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисида кўрсатма бермайди. ФКнинг 115-моддасида битимни қонун талаб қилган шаклига риоя қилмаслик оқибатлари белгилаб қўйилган. Унга кўра, битимни қонун талаб қилган шаклига риоя қилмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Х.Қўлдошевнинг фикрича, биржаларда электрон шаклдаги битимлар тузиш бўйича биржа битимлари бўйича жавобгарликни такомиллаштиришда бу ҳолат ҳисобга олинмоғи лозим. Муаллиф ўз фикрини ривожлантирган ҳолда таъкидлайдики, бугунги кунга келиб қўйидаги муаммолар мавжуд: тижорат оборотда электрон маълумот кўрнишида қандай ҳужжатлардан фойдаланиш мумкинлиги ва бундай электрон маълумотларнинг тузилиши ва шаклига қўйиладиган талабларга тааллуқли аниқ нормаларнинг йўқлиги; маълумотдан рухсатсиз фойдаланишни ҳимоя қилишнинг қандай воситалари – электрон рақамли имзо ёки маълумотларни электрон алмашинувида фойдаланиладиган шахсий имзо аналогларининг бутун жамланмаси қонуний ҳисобланишидаги ноаниқлик; электрон алоқани ташкил этиш бўйича хизматларни кўрсатувчи воситачиларнинг мажбуриятларини белгиловчи меъёрларнинг ноаниқлиги, хусусан савдо тизимлари – электрон ҳужжатларни сақлаш,

томонларни ёки расмий органларни талабига биноан уларни тақдим этиш, электрон ҳужжат орқали берилган маълумотларни тўғрилигини тасдиқлашга оид нормаларнинг ноаниқлиги. Буларнинг барчаси биржа битимларни юридик жиҳатдан етарлича кафолатланмайди ва тегишли нормаларни ҳам қонун, ҳам тармоқ актлари даражасида ишлаб чиқишни талаб этади [1].

Муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда таъкидлаш лозимки, хўжалик шартномаларининг юзма-юз кўришмасдан, яъни ҳозир бўлмаган тарафлар ўртасида шартнома тузишнинг дастлабки асослари ҳам айнан биржада шаклланган ва ҳозирда муайян шартнома конструкцияларининг такомиллашувига эришилган. Жумладан, ҳозирда топшириқ, воситачилик, агентлик каби фуқаролик ҳуқуқий шартнома конструкциялари биржаларда фаол қўлланилади.

Тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишув хўжалик шартномаси дейилади, деган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳозирги кунда биржаларда барча хўжалик шартномаларини тузиш учун мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган дейиш мушкул. Бу борада тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, турли маърмурий тўсиқлардан ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ҳозирги кунда амал қилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолияти субъектларига мамлакатимизда товарлар, ишлар ва хизматлар кўрсатиш учун қулай муҳит яратиш мақсадида, давлат харидлари бўйича уларнинг иштирок этиши механизми яратилди. Натижада турли тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан давлат электрон харидлари порталига қўйилган товарлар, ишлар ва хизматлар бўйича ижрочи сифатида иштирок этишига имконият яратилган. Бироқ, тузилаётган шартномаларнинг асосий массиви товарлар олди-сотдиси билан боғлиқ. Ишлар ва хизматларни бўйича нисбатан эътибор сустлигини кузатиш мумкин.

Агар биржа ва брокерлар, агентлар ва бошқа мутахассислар билан биржа ўртасида муайян шартномалар мавжуд бўлса, электрон воситалар ёрдамида хўжалик шартномаларини тузишда бирмунча бошқача ҳолат кузатилади. Шу боисдан ҳам электрон воситалар ёрдамида хўжалик шартномасини тузишда тарафларнинг жойлашган ери, шартнома тузилган жой ва мажбуриятларни бажариш жойи, шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ (хорижлик ҳамкор билан шартнома тузилганда), шартнома тузиш жараёнига гувоҳ бўлаётган шахслар (оператор, провайдер, электрон ресурс эгаси, тарафларни идентификацияловчи бошқа шахслар) ҳуқуқий ҳолати ҳам аниқ белгиланмоғи зарур.

Хўжалик шартномаларини мамлакатимиз ҳудудида тузиш ва ижро қилиш билан боғлиқ жараёнларда юз бераётган қийинчиликлар, чет эллик ҳамкорлар иштирок этадиган шартномаларда ҳам учрайди. Турли халқаро ташкилотлар томонидан ҳозирда конвенция ва битимлар ишлаб чиқиш борасида муайян ҳаракатлар амалга оширилмоқда. АҚШда 1998 йилда электрон битимларга доир дастлабки Конвенция лойиҳаси ишлаб чиқилган эди. ЮНСИТРАЛнинг ишчи гуруҳи томонидан эса электрон тижорат тўғрисидаги Конвенция лойиҳаси яратилган. Лойиҳа муаллифлари ЮНСИТРАЛнинг электрон имзолар ҳақидаги 2001 йилдаги Модель қонунидан ҳамда 1980 йилги Вена Конвенциясидан ҳам фойдаланганлар.

Фикримизча, электрон воситалар ёрдамида хўжалик шартномаларини тузиш, расмийлаштириш ва ижро қилиш билан боғлиқ ҳуқуқий қоидалар барча мамлакатларда бирдек жорий қилиниши табиий. Биргина мисол Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган “Халқаро товарлар олди сотдиси” бўйича 1980 йилги Вена Конвенцияси қоидалари Фуқаролик кодексининг мазмун моҳиятига атрофлича сингдирилган. Бу бежиз эмас албатта. Зеро, Фуқаролик кодексида белгиланган нормалар барчани шу жумладан, чет эллик ҳамкорларни ҳам мамлакатимизда фаолият юритувчи тадбиркорлик фаолияти субъектлари билан шартномавий алоқаларни йўлга қўйишга ва амалга оширишга бирдек имкониятлар беради ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хўжалик шартномаларининг тарафлари бўлиб тадбиркорлик фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Электрон воситалар ёрдамида хўжалик шартномаларини тузишда ҳам фақат тадбиркорлик фаолияти субъектлари иштирок этган ҳолларда ушбу шартнома хўжалик шартномаси ҳисобланиши мумкин. Акс ҳолда масалан, бир тарафдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахс ёки фуқаро иштирок этса, бу ҳолатда электрон воситалар ёрдамида тузилган хўжалик шартномаси эмас, балки одатдагидек битим ёки шартнома режими мавжуд бўлади.

Ўзбекистон Республикаси "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонунининг 4-моддасига мувофиқ, электрон ҳужжат айланишидан битимлар тузиш, шу жумладан хўжалик шартномаларини тузиш, ҳисоб-китобларни, расмий ва норасмий ёзишмаларни амалга ошириш ҳамда бошқа ахборотни узатишда фойдаланиш мумкин [2].

Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир. Электрон ҳужжат техника воситаларидан ва ахборот тизимлари хизматларидан ҳамда ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда яратилади, ишлов берилади ва сақланади.

Электрон ҳужжат электрон ҳужжат айланиши иштирокчиларининг мазкур ҳужжатни идрок этиш имкониятини инобатга олган ҳолда яратилиши керак. Электрон воситалар ёрдамида хўжалик шартномаларини тузишда бир қатор ўзига хосликлар, аввало, оферта ва акцептни намоён бўлишида ҳам кузатиш мумкин. Шу билан бирга оферта жўнатилган ҳудудни аниқлашга ҳам эътибор қаратиш зарур. 1980 йилги Вена Конвенциясининг 4S-бандида электрон олди-сотди битими турларига ҳам татбиқ этилишига доир қоида мавжуд. Вена конвенциясининг 14-моддасида эса бир ёки бир неча шахсларга юборилган электрон шартномани оферта сифатида тан олиш учун: а) у аниқ ифодаланган ва б) оферентни акцепт бўлган ҳолларда мақсадини ифодалаган бўлишини назарда тутади. Бунда таклиф агар шартноманинг муҳим шартлари аниқ ифодаланган бўлса аниқ ифодаланган бўлади (масалан, олди-сотди шартномасида товар белгиланган).

Ўзбекистон Республикасининг "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига кўра, электрон тижоратдаги шартнома шартлари қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бўлиши керак. Электрон тижоратдаги шартнома унга ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот ресурсида жойлаштирилган электрон ҳужжатга ҳавола қилиш йўли билан киритиладиган алоҳида шартларни ўз ичига олиши мумкин. Бу ҳолда электрон ҳужжатни жойлаштирган электрон тижорат иштирокчиси қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномада белгиланган муддат мобайнида ундан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши, бу муддат ўтгандан кейин эса ушбу электрон ҳужжатнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда сақланишини таъминлаши шарт.

Электрон тижоратда шартнома қуйидагилар воситасида тузилиши мумкин:

- электрон ҳужжатларни айирбошлаш;
- электрон ҳужжат кўринишида бўлмаган, қабул қилиб олинган оферта (шартнома тузиш таклифи) қабул қилинганлиги тўғрисидаги электрон ҳужжатни жўнатиш;
- электрон ҳужжат кўринишида бўлган, қабул қилиб олинган офертадаги шартнома шартларини бажариш бўйича ҳаракатларни амалга ошириш [3].

Суд амалиётига мурожаат қиладиган бўлсак, "Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази" ДУК томонидан e-auksioncавдо майдончасида ўтказилган аукционда МЧЖ ғолиб деб топилади ва Давлат унитар корхонаси (ДУК) билан шартнома тузиш ҳуқуқини қўлга киритади. Аукцион баённомасига асосан 2019 йил 24 апрелда ДУК ва МЧЖ ўртасида шартнома тузилади. Бироқ, аукционда ғолиб бўлмаган тараф – ХК манфаатида Тошкент вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилади. Натижада иқтисодий ишлар бўйича Юқоричирчиқ туманлараро судининг қарорига асосан, аукцион баённомаси ва унинг асосида ДУК ва МЧЖ ўртасида тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилган. Апелляция инстанция суди ажрими билан биринчи инстанция судининг қарори бекор қилинган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатининг

қарорига асосан иш биринчи инстанция судига қайтарилган.

Иш материалларидан кўринишича, ‘‘Электрон онлайн аукционларни ташкил этиш маркази’’ ДУК томонидан e-auksion савдо майдончасида ўтказилган аукционда ХК ҳам иштирок этган. ХК фикрича, тизимда узилишлар бўлганлиги сабабли у аукцион ғолиби деб топилмаган ва шу боисдан ДУК ва МЧЖ ўртасида тузилган шартномани бекор қилишни сўраган. Суддаги низо юзасидан бир қатор давлат органларининг хулосалари ва тушунтиришлари олинган. Бироқ, турли ёндашувлар бўлганлиги сабабли низога доир узил-кесил ечим берилмаган [4].

Юқоридаги суд низоси юзасидан қайд этиш лозимки, электрон воситалар ёрдамида тузиладиган шартномалар юзасидан низолашилганда ваколатли давлат органлари томонидан кометентлик хулоса берилиши зарур. Агар бу жараёнда турлича ёндашувлар, суиистеъмолликлар бўлса, у ҳолда тадбиркорлик субъектларининг адолатли шартлар асосида электрон шартномалар тузилишига бўлган ишончини йўқотади. Охир-оқибат рақобат муҳитини чекланишига олиб келиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қўлдошев Х. Биржа битимлари ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий асослари: юрид. фан. номз. … дисс. – Тошкент: 2011. – Б. 145-146.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 20-сон, 230-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 250-модда.
4. Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 12 августдаги қарори // Суд архиви 4-1001-1912/13832-сонли иш.

АКТУАЛЬНЫЕ МЕЖДУНАРОДНО – ПРАВОВЫЕ ПРОБЛЕМЫ ФОРМИРОВАНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ БЕЗОПАСНОСТИ В ЦЕНТРАЛЬНОЙ АЗИИ

Автор: Насруллаев Азизбек
Магистрант Факультета Международного права
УМЭДМИДРУз.
Tel:+998911651156
E-mail: Nasrullayev.azizbek@gmail.com

АННОТАЦИЯ: В научной статье анализируется международно – правовые аспекты по актуальным проблемам региональных отношений, затрудняющих формирование региональной системы обеспечения безопасности в Центральной Азии. Автором даются правовые комментария и рекомендации по основным направлениям формирования региональных механизмов системе обеспечения стабильности и безопасности Центральной Азии.

Ключевые слова:Региональная безопасность, Центральная Азия, Международно – правовые механизмы, Обеспечение региональной безопасности, угрозы, вызовы,коллективная оборона.

CURRENT INTERNATIONAL LEGAL PROBLEMS OF FORMING A REGIONAL SECURITY SYSTEM IN CENTRAL ASIA

ABSTRACT

The scientific article analyzes international legal aspects on topical issues of regional relations that make it difficult to form a regional security system in Central Asia. The author gives legal comments and recommendations on the main directions of forming regional mechanisms for ensuring stability and security in Central Asia.

Key Words: Regional security, Central Asia, International legal mechanisms, Ensuring regional security, threats, challenges, collective defense.

MARKAZIY OSIYODA MINTAQAVIY XAVFSIZLIKNI TA’MINLASH TIZIMINI SHAKLLANTIRISHNING DOLZARB XALQARO – HUQUQIY MUAMMOLARI

ANNOTATSIYA: Ilmiy maqolada Markaziy Osiyoda mintaqaviy xavfsizlikni ta’minlash tizimini shakllantirishga to’sqinlik qiluvchi mintaqaviy munosabatlarning dolzarb muammolari bo’yicha xalqaro-huquqiy jihatlar tahlil qilinadi. Muallif Markaziy Osiyo barqarorligi va xavfsizligini ta’minlash tizimining mintaqaviy mexanizmlarini shakllantirishning asosiy yo’nalishlari bo’yicha huquqiy sharh va tavsiyalar beradi.

Kalit so’zlar: Mintaqaviyxavfsizlik, MarkaziyOsiyo, xalqaro-huquqiymexanizmlar, mintaqa viyxavfsizliknita’minlash, tahdidlar, tahdidlar, jamoaviymudofaa.

Понимание региональной системы обеспечения безопасности, то есть сам механизм по поддержанию и обеспечению региональной стабильности ибезопасности,заключается в том что, основная цель которого достигается международно – правовыми обязательствами сторон,а именно условно суверенитета, конституционного строя и территориальной целостности, свидетельствует о стабильности, устойчивости и взаимности отношений между государствами региона Центральной Азии. Важно отметить, что именно взаимодоверие, близость основных позиций, долгосрочная природа взаимных отношений государств региона в совокупности выступают необходимыми предпосылками для организации действенной системы обеспечения безопасности в Центральной Азии. Так как безопасность для региона является основополагающим элементом для существования и устойчивого развития всех без исключения государств региона.

Цитируя утверждение известного ученого в сфере региональной безопасности Центрально Азии Ф.Ф. Толипов, рассматривая систему коллективной безопасности как «особый вид межгосударственного сотрудничества», выделяет следующие ее характерные при-

знаки: «стороны (стратегические партнеры) достигли высокого уровня взаимного доверия и могут развивать сотрудничество на долгосрочной основе; …. интересы сторон по ключевым вопросам мировой политики близки или совпадают, поэтому они могут согласовывать свои международные позиции»[1].

Производя правовой анализ становления и развития базовых элементов региональной системы обеспечения безопасности, не вызывает уверенность что перечисленных элементов будет вполне достаточным в формировании системы обеспечения безопасности в Центральной Азии. В соответствии теории международного права система формированиярегиональной безопасности является, прежде всего, совокупность формальных или неформальных институтов, средств и сил, международно – правовых норм, регулирующих отношения между государствамив сфере обеспечения безопасности. В данном утверждении система региональной безопасности в Центральной Азии находится на стадии становления.[2]

Система обеспечения региональной безопасности, в первую очередь это международно – правовой феномен. Отсутствие или незавершенность данного процесса развития на региональном уровне обусловливается не только международно – правовыми, но и экономическими геополитическими, и другими разными факторами.

Основными международно – правовые проблемы, в той или иной формеоказывающие влияние на формирование региональной системы обеспечение безопасности в Центральной Азии, являются:

– отсутствие согласованности государств по ключевым вопросам региональной безопасности, как результат расхождения в международно – правовых позициях государств Центральной Азии;

– уровень заинтересованности довольно разный, следовательно, круга интересов и понимания предназначения государствами региона отдельныхмежправительственных организаций, действующих в сфере безопасности Центральной Азии;

– весьма относительно также выделяется отсутствие «подлинно» региональной организации в формировании полноценной региональной системы безопасности.

Для полного формирование системы обеспечения региональной безопасности является ли обязательным создание исключительно региональными государствами организации в сфере обеспечении региональной безопасности Центральной Азии.

Региональная система безопасности в первую очередь это результат активного взаимодействия региональных и других заинтересованных государств, в поддержании стабильности и безопасности в регионе. Данное утверждение дает понятие такого взаимодействия,является согласование воли государств по важным ключевым вопросам обеспечения региональной безопасности. Несомненно, согласованность политической воли государств, то есть воли субъекта международного права и региональной безопасности, лежит в основе организационно – правового закрепления инициатив и усилий в лице государств региона обеспечении их безопасности.

Согласованность воли государств, определяемое исследователями как «борьба и сотрудничество государств»,[3] – это весьма сложный процесс сближения, координации и гармонизации международно – правовой позиции суверенных государств. Как правило, в этой борьбе государство ищет себе союзников, прежде всего, среди тех государств, чьи международно – правовые позиции близки.[4]В контексте обеспечения безопасности в регионе Центральной Азии важно согласие всех государств региона, главное достижение такого уровня согласованности позиций у сторон, который, давал бы им возможность принять и

[1] Толипов Ф.Ф. Концепция коллективной безопасности в центрально-азиатском контексте. Позитивная и негативная диверсификация //www.centrasia.ru/newsA.php?st=1234854240.

[2] Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010.- С.118.

[3] Тункин. Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: Изд-во «Зерцало», 2000. – С. 186.

[4] Тункин. Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н. Шестакова. – М.: Изд-во «Зерцало», 2000. – С. 186.

реализовать соответствующие решения.

Ни одно государство региона Центральной Азии не отрицает необходимость создания коллективных институтов обеспечение региональной безопасности. Имеется понимание относительно общих угроз и международно – правовых проблем региональной безопасности, совместного решения и противодействия современным трансграничным угрозам. Международно – правовая позиция государств региона по данным вопросам определенно схожа.

Республика Узбекистан твердо придерживается,своей военной доктрине неучастия в военно-политических блоках,то есть внеблокового принципа. Этот принцип национальной и международной безопасности нормативно закреплен в национальном законодательстве Республики Узбекистан.[1] В данном контексте восстановление членства Республики Узбекистан в ОДКБ, рассматриваемой некоторыми исследователями в качестве военно-политического блока, вызвало целый ряд вопросов правомерности относительно его участия в деятельности этой организации.

Как утверждаетФ.Ф. Толипов, что «если считать Организацию Договора о коллективной безопасности военно-политическим блоком, то неблоковая внешняя политика Республики Узбекистан вступает в противоречие с его членством в ОДКБ. А последняя имеет почти все признаки блокового характера, система коллективной безопасности подразумевает наличие актуального или потенциального врага …».[2]

Говоря о правовой природе данного принципа, хотелось бы отметить следующее: Прежде всего, важно отметить, что в соответствии с национальным законодательством, Республика Узбекистан оставляет за собой право выхода из любого межгосударственного образования в случае его трансформации в военно – политический блок.[3]

Такие военно – политические блоки, как НАТО, ОВД, АНЗЮС и ЗЕС, в первую очередь создавались для отражения военной угрозы в лице СССР, США их союзников. В результате распада биполярной системы и пал «образ врага». В данном понимании юридическое закрепление принципа неучастия в военно – политических блоках законодательных актах Республики Узбекистан связано, прежде всего, с этими соображениями.

В настоящее время цели и задачи сугубо оборонных союзов подвергаются глубокой трансформации, их деятельность переступаетграни традиционно военно – политических измерений, также наблюдается превращение региональных оборонных группировок в полноценные региональные организации в духе положений главы VIII Устава ООН.[4]

Безусловно, что главными бенефициариями образования действенной системы обеспечения безопасности в Центральной Азии считаются сами государства региона. Будет, является весьма конструктивным и важно,чтобы учреждение региональной организации было, инициировано непосредственно самими ЦентральноАзиатскими государствами. В Центральной Азии до 2006 г. функционировала региональная организация, учрежденная непосредственно государствами региона. В настоящее время реалии сотрудничества государств региона таковы, что согласование международно – правовых позиции государств, то есть их согласие по данному вопросу представляет собой долгосрочную стратегию перспектив, Также, значительно положительным моментом, является, инициатива Республики Узбекистан о создание, формата встреч глав пяти государств региона. Данный консультативный саммит является очень важным инструментом, где ежегодно на постоянной основе главы региональных государств могут, обсуждать все без исключения важные ключевые

[1] Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» от 26 декабря 1996 г. № 336-I; Закон Республики Узбекистан «Об обороне». 3 июля 1992 г. № 641-XII. Новая редакция закона утверждена 11 мая 2001 г. № 211-II; Концепция национальной безопасности Республики Узбекистан; и др.

[2] Толипов Ф. Концепция коллективной безопасности в центрально-азиатском контексте. Позитивная и негативная диверсификация //www.centrasia.ru/newsA.php?st=1234854240.

[3] Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» 26 декабря 1996 г. N 336-I. Ст. 6.

[4] Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010.- С.121.

вопросы и проблемы региона Центральной Азии. В настоящее время было проведено два саммита один в 2018 году в Нур-Султане (Казахстан) второй в 2019 году в Ташкенте (Узбекистан).

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Подводя итоги можно сделать такой вывод, что формирование основ системы обеспечения региональной безопасности определяетсясовременными реалиями региональных отношений и новым международно – правовым статусом государств региона Центральной Азии. Процесс становления развивался в двухвзаимодополняющих и взаимосвязанных направлениях первое на постсоветском второе региональном уровнях.

Основным элементом формирования международно – правовой основы обеспечения безопасности региона Центральной Азии выступает региональный подход. Регионализм это как идея сотрудничества опирается на общности угроз, вызовов, проблем и интересов государств региона Центральной Азии. Данные факторы и определяют программу, направленности и приоритета договорно – правовой базы и координирующие институты сотрудничества в достижении региональной безопасности государствами Центральной Азии. В институционализации обеспечения региональной безопасности основное место занимало решение международно – правовых проблем.

Важно, что главными бенефициариями образованияэффективной системы обеспечения безопасности в Центральной Азии, в том числе созданияисключительно региональной организации, выступают сами государства региона. Анализ межгосударственных отношений в Центральной Азии свидетельствует о том, что на современном этапе региональные государства еще не полностью готовы прийти к соглашению по ключевым вопросам межгосударственного сотрудничества и создать коллективные (региональные) механизмы для решения общих проблем региона Центральной Азии. В частности неспособность договариваться государствами внутри региона и привела к усилению роли внерегиональных сил на пространстве обеспечения безопасности Центрально Азиатского региона. В сформировавшихся условиях весьма ощутимым для региональныхгосударств, считается достижение стабильности по актуальным вопросам и проблемам, их регулирование в рамках региональных организаций, достижение согласия международно – правовых позицийусловно того, какая из региональных организаций должна стать важным элементом развития формирующейся системы обеспечения региональной безопасности в Центральной Азии.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ

1. Толипов Ф.Ф. Концепция коллективной безопасности в центрально-азиатском контексте. Позитивная и негативная диверсификация //www.centrasia.ru/newsA.php?st=1234854240.

2. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010.- С.118.

3. Тункин. Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н.Шестакова. – М.: Изд-во «Зерцало», 2000. – С. 186.

4. Тункин. Г.И. Теория международного права. Под общей ред. проф. Л.Н. Шестакова. – М.: Изд-во «Зерцало», 2000. – С. 186.

5. Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» от 26 декабря 1996 г. № 336-I; Закон Республики Узбекистан «Об обороне». 3 июля 1992 г. № 641-XII. Новая редакция закона утверждена 11 мая 2001 г. № 211-II; Концепция национальной безопасности Республики Узбекистан; и др.

6. Толипов Ф. Концепция коллективной безопасности в центрально-азиатском контексте. Позитивная и негативная диверсификация //www.centrasia.ru/newsA.php?st=1234854240.

7. Закон Республики Узбекистан «Об основных принципах внешнеполитической деятельности Республики Узбекистан» 26 декабря 1996 г. N 336-I. Ст. 6.

8. Бобокулов И.И. Международно-правовые аспекты региональной безопасности: вопросы теории и практики. - Т.: Университет мировой экономики и дипломатии, 2010.- С.121.

FUQAROLIK JAMIYATI

Qurbonova Umida Kamolovna
Buxoro shahar 7-umumta'lim
maktabi Huquq fani o'qituvchisi.
+998(91) 441-56-17
qurbonova@gmail.com

Anotatsiya: Fuqaro, jamiyat, Fuqarolik jamiyati tushunchasi, fuqarolik jamiyatining paydo bo'lish bosqichlari, demokratiya. Fuqarolarning huquqiy madaniyatini rivojlantirish bosqichlari. Qonunlar.qaror va farmonlar.

Kalit so'zlar: Madaniyat, huquq, huquqiy madaniyat, huquqiy ong, huquqiy axloq, fuqaro, jamiyat, Davlat, Konstitutsiya.

Fuqarolik jamiyati-komil fuqarolardan, ya'ni uzviy bog'liqlikda bo'lgan hamda axloqiy, huquqiy va siyosiy madaniyatga ega odamlardan iborat jamiyat.

Fuqaro va fuqarolik haqidagi tasavvurlar paydo bo'lgan davrlardan boshlab fuqarolarning umumiy uyushmasi sifatida jamiyat tushunchasi vujudga keldi. Bu tushuncha avvalo, Sharqda, jumladan, qadimgi Bobilda "Hammurapi qonunlari", qadimgi Turonda "Avesto" siyosiy va huquqiy axloqiy ta'limoti bilan bog'liq otashparastlik, ya'ni zardushtiylik davrida, keyinchalik qadimgi Ellada va Rimda paydo bo'ladi.

Sharqda fuqarolik jamiyatining o'ziga xos talqini mavjud. Bu, bevosita, axloq, madaniyat va ma'naviyatning huquq bilan uyg'unlashgan, fe'l-atvor, xatti-harakatlar va qoida me'yorlarining uzviy uyg'unlashgan shakli bilan bog'liq. Jumladan, eng qadimgi madaniy, tarixiy, huquqiy yodgorlik – Avestoda kishilarning uyushib yashashi, o'zaro munosabatlar va aloqalarning axloq va me'yorlarga tayanishi kabi g'oyalar ilgari surilgan. Forobiyning "Fozil odamlar shahari" asarida mamlakatni boshqarishda adolatli qonun zarurligi, faol fuqarolik jamiyatini shakllantirish mohiyati chuqur tahlil etilgan. Qonunlar mukammal bo'lgan mamlakatda adolat, inson huquqlari ustuvor bo'lishi muqarrar ekanligi bayon qilib bergan. Farobiyga ko'ra "Shahar aholisi xushxulqqa ega bo'lmagan taqdirda hokimiyatga ehtiyoj tug'iladi", jinoyatchilik, bezorilik, qonunbuzarlik, qonunlar zaif aholi axloqiy, ma'naviy jihatdan barkamol bo'lmagan sharoitda avj oladi. Bu kabi g'oyalar Ibn Sino, Beruniy, Xorazmiy, Amir Temur, Alisher Navoiy, Bobur va boshqa tomonidan ham ilgari surilgan va amaliyotda keng qo'llanilgan.

Fuqarolik jamiyati uning a'zolari bo'lmish fuqarolarning o'zlari tomonidan boshqarilib turiladigan va qat'iy qaror topgan jamiyat. Bunday jamiyat o'zini-o'zi yuksak darajada tashkil etishi bilan ajralib turadi. Hamma jamiyat ham fuqarolik jamiyati emas. Fuqarolik jamiyati yuksak darajadagi ijtimoiy rivojlanish belgisi desak tog'ri bo'ladi. Fuqarolik jamiyatini to'lqonli ravishda tasavvur qilish uchun uning xususiyatlarini bilish kata ahamiyatga egadir. Fuqarolik jamiyatning xususiyatlari iqtisodiy, ijtimoiy-siyosiy va ma'naviy sohalarda yaqqol ifodasini topadi.

Fuqarolik jamiyatining xususiyatlari quyidagilarda namoyon bo'ladi:

Iqtisodiy sohada: nodavlat notijorat tashkilotlarning shirkatlarning aksiyadorlik kompaniyalarning , korparatsiyalarning firmalarning mavjudligi va ularning muvaffaqiyatli faoliyat ko'rsatishlari uchun barcha sharoitlarning mavjudligi.

Ijtimoiy-siyosiy sohada: fuqarolar, oilalar, siyosiy partiyalar, jamoat tashkilotlari, ijtimoiy harakatlar, o'zini-o'zi boshqarish organlari, nodavlat ommaviy axborot vositalari, ijtimoiy qarama-qarshiliklarni qonun doirasida yechish imkoniyatlari, aholi fikrini o'rganish, shakllantirish va ifoda etish uchun shart-sharoitlarning mavjudligi.

Ma'naviy sohada: so'z va fikr erkinligi, vijdon erkinligi, ijodiy uyushmalarning mustaqilligi, ilmiy uyushmalarning mustaqilligi, ma'naviy tahdidlarning himoyalanganlikning ta'minlanganligi.

Fuqarolik jamiyati shaxs erkinligisiz bo'lmaydi. Erkinlik me'yoriy ko'rinishga ega bo'lgani uchun , bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, har tomondan inson erkinlikka uning normative talablariga bo'ysunish qobiliyati natijasida ega bo'ladi, boshqa tomondan, shaxs erkinlgi

borlig'ining tashqi shakli bu erkinlikning chegaralarini belgilovchi ijtimoiy me'yorlar hisoblanishini anglatadi. Fuqarolik jamiyati shakllantirishning asosiy mezonlardan biri – bu uning huquqiy negizini yaratishdan iborat bo'lganligi bois birinchi navbatda O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasida fuqarolik jamiyatini poydevorini o'rnatishga, uning asosiy qoida talablarini huquqiy jihatdan mustahkamlovchi huquqiy normalarning o'z ifodasini topishga alohida e'tibor berildi.

O'zbekiston Respublikasi konstitutsiyasida fuqarolik jamiyatining asosiy qoida va talablarini aks ettiruvchi prinsipial ahamiyatga ega bo'lgan normalar sifatida davlat xalq irodasini ifoda etib, uning manfaatlariga xizmat qilishi, davlat organlari va mansabdor shaxslar jamiyat va fuqarolar oldida mas'ul ekanligi (2-modda), xalq davlat hokimiyatining birdan-bir manbai hisoblanishi (7-modda), O'zbekiston Respublikasi davlat hokimiyatining tizimi hokimiyatning qonun chiqaruvchi, ijro etuvchi va sud hokimiyatiga bo'linishi prinsipiga asoslanishi (11-modda), O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy hayot siyosiy institutlar, mafkuralar va fikrlarning xilma-xilligi asosida rivojlanishi, hech qanday mafkura davlat mafkurasi sifatida o'rnatilishi mumkin emasligi (12-modda) kabilar fuqarolik jamiyatining asosiy prinsipial masalalari yuridik jihatdan mustahkamlanganligini ko'rishimiz mumkin.

Fuqarolik jamiyati sharoitida davlat va shaxs huquqining teng subyektlari sifatida faoliyat yuritadilar. Bu esa o'z navbatida huquqiy demokratik davlat sharoitidagina yuz berishi mumkin bo'lgan holatdir.

Bundan xulosa qilish mumkinki, fuqarolik jamiyatida davlat tomonidan muayyan kafolatlar tizimi tashkil etilishi lozim. Hozirgi paytda O'zbekiston Respublikasida qabul qilinayotgan qonu, farmon va farmoyishlar tizimi ana shunday tizimlarga misol bo'la oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi" 1992-yil 8-dekabr.
2. "O'zbekiston davlati va huquqi asoslari" 2019-yil.
3. "O'zbekistonni rivojlantirish strategiyasi, Fuqarolik jamiyati" 2018-yil.

TADQIQOT.UZ
ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 17-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Маъсул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.06.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000